

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
ARXITEKTURA-QURILISH INSTITUTI**

**ME'MORCHILIK va QURILISH
MUAMMOLARI**
(ilmiy-texnik jurnal)

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА
(научно-технический журнал)

PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION
(Scientific and technical magazine)

2021, №1 (2-қисм)
2000yildan har 3 oyda birmarta chop etilmoqda

SAMARQAND



ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

(ilmiy-texnik jurnal)
(научно-технический журнал)
(Scientific and technical magazine)

2021, № 1
2000 yildan har 3 oyda
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Ҳайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган (гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олиниб 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

Бош муҳаррир(editor-in-chief) - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов
Масъул котиб (responsible secretary) – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Таҳририят ҳайъати(Editorial council): т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; арх.ф.д., к.и.х. Г.С. Дурдиева (Маъмун академияси); т.ф.д., проф., А.М. Зулпиёв (Қирғизистон); и.ф.д., проф. А.Н. Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмайилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.н., доц. А.Т. Кулдашев (ЎзР Қурилиш вазирлиги); УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. М.М. Мирсаидов; м.ф.д. проф. Р.С. Муқимов (Тожикистон); т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; т.ф.д. проф. С.Ж. Раззаков; арх.ф.д., проф. О.М. Салимов; т.ф.д., проф. Х.Ш. Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И. Холмуродов; т.ф.д., проф. Х. Худойназаров; т.ф.д., проф. Е.Г. Шипачева; т.ф.д., проф. И.С. Шукуров (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. А.А. Лapidус (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. В.И. Римшин (Россия); т.ф.д., проф. И.Каландаров (Тожикистон ФА мухбир аъзо-си).

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон: (366) 237-18-47, 237-14-77, факс (366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Муассис (The founder): Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

© СамДАҚИ, 2021

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

УДК691

УМУМИЙ ҚУРИЛИШ ВА СУЛЬФАТГА ЧИДАМЛИ ЦЕМЕНТЛАР КЛИНКЕРЛАРИНИ ПИШИРИШ

Султанов А.А., т.ф.н. доцент, Ортиқов Ш.Х., ўқитувчи, Холмуродов Б.Ш. магистрант
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

“Кутармин-2” оҳақтоши, “Чимқўрғон-2” базальти, “Оқ-том” ва “Ангрен” гилтупроқлари асосида умумий қурилиш ва сульфатга чидамли цементлар ишлаб чиқариш учун хом ашё аралашмасидан клинкер пиширилди. Натижада икки ва уч компонентли хом ашё аралашмаларидан умумий қурилиш ва сульфатга чидамли цементлар олинди.

Калит сўзлар: клинкер, сульфатга чидамли цемент, базальт, оҳақтош.

Обжиг клинкера производился из сырьевой смеси на основе известняка “Кутарменское-2”, базальта “Чимкурған-2”, глины “Ок-том” и “Ангренская” для производства общестроительных и сульфатостойких цементов. В результате были получены клинкеры из двух и трехкомпонентных смесей.

Ключевые слова: клинкер, сульфатостойкие цемент, базальт, известняк.

Clinker was fired on the basis of “Kutarmin-2” limestone, “Chimkurgan-2” basalt, “Ok –tom” and “Angren” clays on the basis of a mixture of raw materials for general construction and production of sulfate-resistant cements. The result was two and three-component clinkers.

Key words: clinker, sulfate-resistant cement, basalt, limestone.

Кириш. Замоनावий қурилиш талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий хом ашёларидан фойдаланиб умумий қурилиш ва сульфатга чидамли цементлар клинкерини пишириш ва цементлар олиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу тадқиқотларнинг долзарблиги икки ва уч компонентли хом ашё аралашмасининг таркиби ишлаб чиқилганида.

Хом ашё материаллари ва тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун хом ашёлар оҳақтош, базальт, суглинка ва гилтупроқларни “Кутармин-2”, “Чимқўрғон-2”, “Оқ-том” ва “Ангрен” конларидан олиб келиб кимёвий таркиби ўрганилди. Бу таркиблар асосида “Шихта” ва “АСУТП 2005” дастурларидан фойдаланиб уч хил таркиблар лойиҳаси тузилди. Ҳисоблаш дастурини тузишда С.Д.Окоорова формулаларидан фойдаланилди [1,2].

Пиширишдан олдин №1, №2 ва №3 хом ашё аралашмалари намлик миқдори 8-10 % гача намланди ва ушбу шихтадан диаметри 35 мм ва қалинлиги 15 мм бўлган таблетка шаклидаги намуналар пресслаш йўли билан тайёрланди.

Таблетка намуналари SX-2-4-17TP муфель печида (Хитойда ишлаб чиқарилган, 2019 йил, максимал ҳарорат 1700 °С) иш режимини автоматик бошқариш билан пиширилди (1-расм).

Саноат айланма печида клинкерни пишириш режимига имкон қадар яқинроқ режим ўрнатилди. Ҳароратнинг кўтарилиш тезлиги дақиқасига 2 °С, 1000 °С ҳароратда 20 дақиқа ушлаб турилади, кейин ҳарорат бир хил тезликда 1450 °С гача кўтарилиб, бу ҳароратда 30 дақиқа ушлаб турилади. Совутиш режими кескин ҳаво муҳитида танланди.



1-расм. Лаборатория пишириш печининг умумий кўриниши.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Умумий қурилиш ва сульфатга чидамли цементлар клинкерларининг тажриба партияларини олиш учун №1, №2 ва №3 таркибли хом аралашмалар тайёрланди. Бу аралашмаларнинг технологик хоссалари 1-жадвалда кўрсатилган.

Технологик хоссаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, бу кўрсаткичларнинг қийматлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ўхшашдир [4,5]. Сўнгра ГОСТ 5382-91 усули бўйича танлаб олинган хом ашё аралашмаларидан олинган клинкерларнинг тажриба партияларида эркин кальций оксидининг миқдори аниқланди [3]. Таҳлил натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал. Хом ашё аралашмаларининг ҳисобий технологик хоссалари

№	Хом ашё аралаш-маларининг таркиби ва миқдори, %	№008 элакдаги қолдиқ бўйича майинлик даражаси, %	Уйма зичлик, кг/м ³	Табиий қиялик бурчаги (градус)	Ҳисобланган қийматлар		
					ТК*	п**	р***
1	№ 1: - «Кутармин-2» кони оҳақтоши -69,99 - «Чимқўрғон-2» кони базальти -30,01	7,6	0,960	45±2	0,91	2,76	0,95
2	№ 2: - «Кутармин-2» кони оҳақтоши -68,75 - «Чимқўрғон-2» кони базальти -20,90 - «Оқ-том» кони суглинкаси -10,35	7,5	0,965	45±2	0,88	1,92	1,50
3	№ 3: - «Кутармин-2» кони оҳақтоши -70,24 - «Чимқўрғон-2» кони базальти -25,95 - «Ангрен» кони гилтупроғи -3,81	7,8	0,950	45±2	0,87	2,5	1,24

*ТК – тўйиниш коэффициентлари **п – силикат модули ***р-гилтупроқ модули

3-жадвал. Тажриба клинкерларининг кимёвий ва ҳисобланган минералогик таркиби

Тажриба клинкерлари	Оксидларнинг масса таркиби, %									Технологик хусусиятлар		
	п.м.й.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O	ТК	п	р	
									ТК	п	р	
№1	0,10	22,16	3,91	4,12	64,37	3,35	0,10	0,80	0,91	2,76	0,95	
№2	0,12	22,20	4,00	4,88	63,10	3,71	0,20	2,11	0,88	2,5	0,82	
№3	0,15	22,16	4,82	3,92	63,55	3,08	0,27	2,08	0,87	2,5	1,23	

Ҳисобланган минералогик таркиб, %:
 - №1: C₃S=60,62 C₂S=17,82 C₃A=3,37 C₄AF=12,5
 - №2: C₃S=53,99 C₂S=22,91 C₃A=2,32 C₄AF=14,84
 - №3: C₃S=51,37 C₂S=24,77 C₃A=6,12 C₄AF=11,92
 - клинкерларда хлор иони миқдори 0.01% дан кам
 - клинкерларда эркин кальций оксидининг миқдори 1.0 % дан кам (1.2-жадвал).

2-жадвал. Клинкерларда эркин кальций оксидининг миқдори

№	Хом ашё аралашмаларининг таркиби (1 жадвал бўйича)	Эркин СаО миқдори, %
1	№1	0,3
2	№2	0
3	№3	0

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, клинкердаги кальций оксидининг миқдори О'zDSt 2801:2013 талабларига жавоб беради ва 1% дан кам [4]. Олинган клинкерлар X-Supreme8000 моделидаги рентгенофлуоресцент спектрометрида кимёвий таҳлилдан ўтказилди, №1, №2 ва №3 тажриба клинкерларининг минералогик таркиби ҳисоблаб чиқилди. Натижалар 3-жадвалда кўрсатилган.

Хулоса. Юқоридаги бажарилган ишларнинг натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки,

614:84.11

ОЛОВ ВА ИССИҚДАН ҲИМОЯЛОВЧИ ЛОК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАРКИБЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Бердиев Қобул Раимович – Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси

Маколада олов ва иссиқдан ҳимояловчи лок-бўёқ материалларининг янги таркибларини яратиш ва уларни тадқиқ этиш борасида тадқиқотлар олиб борилган. Бирламчи материал сифатида волластонитнинг дисперсли фракцияси олинган. Волластонит минералининг дисперсли (майдаланган) ҳолатига оид оптимал кўрсаткичларини топиш учун, шунингдек ёнғинга ва иссиқликка бардош берувчи таркибларда уни қўллаш самарадорлигини кўтариш мақсадларида мазкур минералнинг кукукли фракцияларини қўлга киритиш бўйи-

икки ва уч компонентли хом ашёлардан пишириб олинган тажриба клинкерларининг кимёвий ва ҳисобланган минералогик таркиблари О'zDSt 2801:2013 ва ВНТП 06-91 талабларига жавоб беради [4,6]

Адабиётлар:

1. Волженский А.В. Минеральные вяжущие вещества. -М., Стройиздат, 1986.
2. Бутт Ю.М., Сычев М.М., Тимашев В.В. Химическая технология вяжущих материалов. -М., Высшая школа, 1980.
3. ГОСТ 5382-91 Цементы и материалы цементного производства. Методы химического анализа.
4. О'zDSt 2801:2013 Клинкер портландцементный. Технические условия.
5. ГОСТ 22266-94 Цементы сульфатостойкие. Технические условия.
6. ВНТП 06-91 Ведомственные нормы технологического проектирования цементных заводов.

ча тадқиқотлар олиб борилган.

Калит сўзлар: волластонит, конструкция, декоратив, плитка, панел, дисперс, фракция, вибратор.

В статье проведены исследования по созданию и изучению новых составов огнезащитных лакокрасочных материалов. В качестве исходного материала была применена дисперсная фракция волластонита. С целью поиска оптимальных параметров диспергированного (раздробленного) состояния минерала волластонита, а также повышения эффективности его использования в огне- и жаропрочных составах были проведены исследования по получению порошкообразных фракций этого минерала.

Ключевые слова: волластонит, строительство, декоративная плитка, панель, дисперсия, фракция, вибратор.

The article deals with research on the creation and study of new compositions of fire retardant paints and varnishes. The dispersed fraction of wollastonite was used as a starting material. In order to search for the optimal parameters of the dispersed (crushed) state of the mineral wollastonite, as well as to increase the efficiency of its use in refractory and heat-resistant compositions, studies were carried out to obtain powdered fractions of this mineral.

Key words: wollastonite, construction, decorative tiles, panel, dispersion, fraction, vibrator.

Ҳозирги даврда қурилиш конструкциялари ва материаллар и оловдан ҳимоялашни тегишли таъминловчи билан боғлиқ масалани фаол ҳал қилиш учун кўпинча ёнғиндан муҳофаза этишнинг пассив воситалари қўлланилади. бу ис- сикликни изоляцияловчи ва каварикланувчи қопламалар бўлиб, улар мураккаб органик ва ноорганик компонентлардан иборат мураккаб тизимлар сифатида намоён бўлади.

Минерал волластонитни оловбардош тўлди- рувчи сифатида юққа дисперсли шаклда ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳим масала саналади, зеро юққа майдаланган фракцияси бир меъёрда боғлочи аралашмада тақсимланган бўлиб, бир жинсли таркибларни олишга имкон яратади. Бундай таркиблар бутун ҳимояловчи юзаликни ишончли тарзда қоплаб, ҳеч бир ерда ҳимоясиз қолган жойларни вужудга келтирмайди. Маз- кур ҳол таркибларнинг ёнғинга бардошлик си- фатларини сезиларли даражада юксалтириб, ҳар хил қурилиш блоклари ва иншоотлари, шу- нингдек декоратив плиткалар ва панелларни ёнғиндан ҳимоялайди. Шу ҳам муҳимдирки, ҳар турдаги буёқларни тайёрлаганда янада майда бўлан минералнинг фракцияси узоқ вақт давомида муаллақ ҳолда сақланади, узоқ вақт давомида материалнинг тегишли маҳсулот си- фатларини сақланиб қолишини кафолатлайди.

Волластонит минералининг дисперсли (май- даланган) ҳолатига оид оптимал кўрсаткич- ларини топиш учун, шунингдек ёнғинга ва ис- сикликка бардош берувчи таркибларда уни қўллаш самарадорлигини кўтариш мақсадлари- ни мазкур минералнинг қуқунли фракциялари- ни қўлга киритиш бўйича тегишли тадқиқотлар олиб борилди. Шунинг учун волластонит ми- нералини қўпол майдаланганидан сўнг унинг зарралари 10 дақиқадан 180 дақиқагача ультра- товуш таъсири остида қолдирилди.

Бундай тадқиқотлар учун бирламчи матери- ал сифатида волластонитнинг дисперсли фрак- цияси олинди ва зарраларнинг катталиги ≤ 160 мкмдан ошмай, улар механик таъсир кўрсатиш асосида тайёрланган эди. Ҳом волластонит тоғ жинсининг шундай дисперсли фракцияси ўзи- нинг массаси асосида (тахминан унинг 80 фо- изи) катталиги 20-40 мкмдан 160 мкмча

бўлган зарралардан ташқил топади (2.1- жадвалга қаранг). Бундай катталikka эга бўлган қуқунли таркиблар узоқ вақт давомида зарра- ларни муаллақ ҳолатида бўлишига йўл қўй- майди, бошқа тарафдан эса субмикрон ёки наноўлчамга эга зарралардан фарқли равишда бундай зарралар фаол каварикланиш қобилия- тини йўқотмайди. Шунинг учун ушбу тадқи- қотнинг бу қисмида учта параметрларни опти- маллаштириш вазифаси ечилади, яъни: зарра- ларнинг катталиги, каварикланишга бўлган қобилияти ва дисперсиянинг барқарорлиги.

Дисперсияланиш самарадорлигига ультра- товушни таъсир қилиши билан боғлиқ тадқиқотлар, шунингдек умуман волластонит минералида уни майдалашда қандай жараёнлар бўлиб ўтиши ва уларнинг таъсирига ҳам эъти- бор қаратилди. Шундай қилиб, волластонит- ларнинг майдадисперсли фракцияларини қўлга киритишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли тадқиқотлар ўтказилди.

Волластонит концентратининг (ВК) ҳом тоғ жинси зарралари – уларнинг катталик ўчами кенг интервал мезонида олиниб, уларга акустик майдалаш усули орқали таъсир кўрсатилган эди. Волластонит қуқунларининг катталиги 1-2 дан 120-160 мкмгача бўлган ўлчамга эга эди. Бундай минерал тоғ жинсини майдаланиши бир неча мақсадларни кўзлаган эди. Биринчидан, мазкур ҳолат шу билан таърифланадики, келгу- сида ундан фойдаланишда ва юзаликка сур- тишда бу аралашманинг декоратив ва адгезия (ёпишқоқлик) хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатар экан. Иккинчидан, майдалаш каварик- ланиш коэффициенти бир оз пасайишига олиб келсада (бу тўғрисида юқорида қайд этиб ўт- ганмиз) юқори ҳарорат таъсирида аралашмани қатлам сифатида юзаликка ётказилгани билан уни ажратиб олиш хавфини пасайтиради. Учинчидан, волластонит концентратини ара- лашмадаги улуши нисбатан унча кўп бўлмаса ҳам юзаликка суртиладиган аралашманинг тер- мобардош қатламини бир меъёрда барча жой- ларга бир ўлчамда жойлашувига эришилади. Тўртинчидан, майдалаш ёрдамида зарралар- нинг фаол юзалигининг умумий майдони тобо- ра ортиб боради, бу эса уларга кимёвий ишлов

беришнинг самарадорлигини моҳиятан тобора оширади.

Лой ва лойли минераллар бўйича ўтказилган кўпгина тадқиқотларда, тадқиқотчилар олдида қўйилган вазифаларни ечишда ультратовуш методи энг асосий методларнинг бириси сифатида қўлланилган эди.

Юқори даражали ва қудратли энергия манбаи сифатига эга бўлган ультратовуш, материалга таъсир кўрсатувчи ва уни тадқиқ қилишда ёки ушбу материалларнинг параметрларини ўзгартириш мақсадларида кенг қўламда қўлланиладиган таъсир қилиш методи сифатида тан олинган. Ультратовуш таъсирининг физикавий моҳияти шундан иборатки, у тадқиқ қилинаётган тизимларда кавитациявий пуффакчаларни юзага келтиради ва уларнинг бир биридан ажралиши катта босимларни юзага келтириб, физикавий-кимёвий жараёнларнинг қудратли таъсир кўрсатувчи ва ушбу жараёнларни интенсификация қилишга олиб келувчи манбага айланади. Бундай таъсир кўрсатувчи омилларга: зарбали тўлқин, ҳарорат билан боғлиқ таъсирлар, электр ва фотохимёвий ҳолатлар бўлиб, улар механик ҳолда объектни бузиб, ҳар хил турдаги модда ва дисперсли тизимларда кимёвий, молекулавий ва устки молекулалари алоқаларнинг ажралишига олиб келади.

Минерал ҳолашининг дисперслигини унинг асосий таърифи сифатида уларнинг хусусиятларини тартибга солишчи самарали асбоб бўлиб хизмат қилади, зеро кўпгина моддалар юпка-дисперсли ва айниқса ультрадисперсли (нано) ҳолатда бўлганларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг қўпол майдалаш ҳолатларида бундай фазилатларни учратиш умуман кузатилмайди.

Тадқиқотларнинг ушбу этапида ВКнинг қўпол ва майда зарраларга бўлинишидан сўнг, уларни элак ёрдамида ҳар хил фракцияларга бўлиб чиқишди (1-жадвал). Кейинчалик мазкур фракциялар, зарраларнинг катталигига қараб ҳар хил типдаги материалларни ишлаб чиқишда ишлатилди, уларнинг натижалари диссертациянинг кейинги бобларида келтирилган.

1-жадвал.

Волластонитларнинг дисперслаштирилган (майдаланган) фракциялари

Фракция №	1	2	3	4	5	6
ξ, мм	3,0-4,0	0,5-1,0	0,25-0,50	0,16-0,25	≤0,250	≤0,160

Шундай қилиб, фракция №6 (1-жадвал) ультратовуш ва активаторлар ёрдамида волластонит минералини майдалаштирилган юпка ва ультрадисперсли зарраларини олиш учун ишлатилган. ВКни ультратовуш билан зарраларга майдалаш бўйича бир қатор экспериментларни ўтказилиши натижасида, айниқса кислотали ва ишқорли активаторлар иштирокида ушбу ультратовушни қўллаш методининг

самарадорлиги намоён этилган. Биз томонидан ўтказилган ушбу ва бошқа экспериментларда минерал ҳолашининг юқори даражали дисперслиги материалга УЗДН-2Тва УЗГ 3-4 русумли ультратовуш генераторлари ёрдамида интервал частотаси 22дан-44 кГцгача бўлган акустик майдонни таъсир қилиши орқали эришилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, анъанавий механик (думалоқ тегирмонлар билан) минерал тоғ жинсини майдалаш методидан ультратовуш методининг асосий фарқи шундан иборатки, ультратовуш ёрдамида дисперглаштириш (майдалаш) катталиги 1 мкм ва ундан ҳам кичикроқ минерал зарраларни (барча зарраларнинг 85 фоизини ташкил қилади) қўлга киритиш имконини беради. Шу билан бир вақтда, думалоқ тегирмонлар ва бармоқли дезинтеграторлардаги механик майдалашда, кўпгина ҳолларда зарраларнинг тахминан 50 % 0,02-0,5 мм ўлчамга эга, 35% эса- 0,5 дан до 1,0 ммгача, қолганлари эса 1 ммдан каттароқ ўлчамга эга бўлади. Иккинчидан, уларнинг бир-биридан фарқи майдалаш жараёнини сезиларли жиҳатдан қисқаришидир. Акустик ва механик майдалаш усулининг таққослови шуни кўрсатдики, маълум дисперглаштирилган минерал фракциясини баравар чиқишида, минерални механик майдалаш жараёни 40-80 дақиқа давом этар экан, акустик таъсир кўрсатишда эса майдалаш жараёни 10-15 фоизга қисқарар экан. Учинчи фарқи шундан иборатки, тоғ жинсини ультратовуш асосида майдалаш механик ҳолда синдириб, барча минерал зарраларнинг аралаштириш йўли билан эмас, балки минерал зарраларининг бир бири билан ёпишиш чегарасини танлаб, у ерга куч билан таъсир кўрсатишдан иборат бўлар экан, чунки бундай майдалаш, биринчи галда мураккаб ҳар хил минерал турларига мансуб бўлган тоғ жинсларини бир биридан ажратиб кўяр экан. Шунда ҳар хил минераллар ўртасидаги зарралар алоқалари узилиб кетар экан. Минерал зарраларининг ўзи эса маълум вақт мобайнида бузилмасдан сақланиб қолар экан, чунки уларнинг мустақамлиги зарраларо алоқа боғловларининг мустақамлигидан кучлироқ экан. Демак, акустика майдонларини таъсир кўрсатиш вақтини бошқариш ва назорат қилганда мураккаб минерал конгломератларга ультратовуш кучига эга бўлган таъсирни юбориб волластонитнинг ва у билан аралашган бошқа минералларининг янада майда зарраларини олиш мумкин бўлади.

Каттароқ даражада волластонит кристаллари юқори даражадаги дисперсли шаклда бўлгани учун, бу сезиларли жиҳатдан ундан фойдаланиш сифатини оширади – хусусан, унинг фаоллашган юзалигини ва у билан боғлиқ бўлган кимёвий фаоллигини ва бир қатор бошқа фойдали жиҳатлари ўрганилди.

Ультратовуш усулида майдалаш пайтида акустик қувватдан янада самарали фойдаланиш учун махсус пульпа тайёрланади – сувда бўл-

ган волластонит минерали зарраларининг маълум вазндаги микдори ва уларнинг бир бири билан нисбати «суяқлик: қаттиқ жисм» асосида тегишинча (1-20):(0,01-1) га тенг бўлади. Пульпа дастлаб майдаланган ва элак орқали эланган волластонит минералидан (№016) ва техник сувдан ташкил топади. Акустик тебратувчи металл пластинасида иборат бўлиб, у маълум частота асосида тебраниб, пульпага киритилади ва акустик таъсир кўрсатиш амалга оширилади.

Нисбий жиҳатдан ҳар хил (20-24 кГц) частота интервалида тебранувчи ҳар хил вибраторлар ёрдамида волластонит минералига акустик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ дастлабки экспериментлар шуни кўрсатдики, уларнинг ривожланиб эгаллаётган акустик қуввати 1,0-1,2 кВт/кг атрофида бўлсада, минерални майдалашда энг самарали акустик қувват 21,6-22,2 кГцга эгаллиги аниқланди. Ушбу частоталарда майдалаш натижасида олинган минерал кукунларнинг электрон-микроскопик тадқиқотлари бирон бир частотани энг афзал деб топишга йўл қўймади, зеро айнан бир вақт ичида олинган кукунларнинг таркиби амалий жиҳатдан худди ўша, яъни бир хилга эга гранулалар таркибидан иборат эди. Акустик майдонни пульпага таъсир кўрсатиш вақтини ҳам аҳамиятсизликдан холи, яъни унчалик аҳамиятга эга эмас деб топишга йўл қўймади ва уни аҳамиятга эгаллиги шубҳа уйғотмади (2-жадвал)

2-жадвал.

Волластонит минерали зарраларининг ультратовуш билан майдалаш (диспергирлаш)дан аввалги ва кейинги ўлчами бўйича тақсимланиши

Волластонит зарраларининг ўлчами, мкм	Волластонит зарраларига ультратовуш таъсир қилганда ўтган вақт ичида бирламчи ҳолатига нисбатан ўзгарган ўлчами фоиз (%)ларда						
	Дастлабки ҳолат	10 дақиқа	20 дақиқа	30 дақиқа	60 дақиқа	120 дақиқа	180 дақиқа
160-100	55-60	55-60	50-55	40-45	30-40	30-40	20-30
140-100	25-30	25-30	25-30	20-30	25-30	10-12	8-12
100-10	30-40	30-40	30-40	30-40	30-45	30-45	30-45
60-20	20-25	20-25	20-25	20-30	20-30	30-35	30-35
20-10	10-12	10-12	12-15	12-15	15-20	15-20	15-20
10-8	8-10	8-11	8-10	8-12	10-12	10-12	8-12
8-6	4-6	4-6	4-6	6-8	8-10	9-10	8-12
6-4	2-3	≈3	≈3-4	5-6	8-10	10-12	10-12
4-2	1-2	≈2	≈3	3-4	8-10	10-12	10-12
2-1	≈0,1	0,1-1	0,1-1	0,1-1	4-5	8-12	10-12
1дан кам	≈0,1	0,1>	0,1>	≈1	1-2	2-3	4-5

Натрийли суюқ шиша ва юқори дисперсли волластонит минерали асосидаги таркибларни

олиш ва уларни синовларини ўтказилди. Ишончли тарзда металлдан ясалган маҳсулотлар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ишлаб чиқиладиган ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи материалнинг асосий таркиби тўла равишда аорганик материалдан ташкил топиши талаб этилади. Шуни ҳам айтиш зарурки аланга ва ёнғин таъсирида (стандарт сифатида олинган ёнғиннинг ҳарорати 1000-1200 °C га етади) юқори ҳарорат ҳароратнинг таъсири остида ёнмайдиган ва ўзининг иссиқликдан ҳимоя қилиш қобилиятини йўқотмайдиган боғловчи, юқори даражада ёнғин ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи ва ундан юқори самарали тарзда ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимояловчи қўлга енгил киритиладиган органик материал табиатда умуман мавжуд эмас.

Маълумки, кўпгина ҳолларда боғловчи материал сифатида стандартли натрийли суюқ шиша бўлади (с.ш.). Суюқ шиша ўзининг бетакрор полимеранологик ва бошқа амалий хусусиятлари билан енгил қўлга киритиладиган ва кенг тарзда қўлланиладиган маҳаллий маҳсулот мақомига эгадир. Адабиётларнинг таҳлилий шарҳларидан ва ўтқазилган тадқиқотларимиздан шу аён бўлдики, стандартли натрийли шиша маълум даражада ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимоя қилувчи материалларни яратишда ўз хусусиятлари бўйича бир оз камчиликларга эга экан. Чунончи, стандартли натрийли суюқ шиша асосида яратилган қоплама атмосферанинг очик таъсирига чидамлилиқ даражаси жиҳатидан етарли эмаслиги аниқланди (намлик, ҳарорат ва газ /айниқса (CO₂)нинг таъсирига).

Волластонит минералининг ҳар хил дисперсли фракцияларининг натрийли суюқ шишага нисбатан иссиқ ҳароратини таъсир кўрсатишидаги ҳолатни ўрганиш учун (юзага келувчи тасмаларнинг мустақамлиги, сувга бардош бериши ва ҳоказо), биз тарафимиздан бир неча таркиблар яратилди ва улар тадқиқ этилди. Ушбу ишнинг экспериментал қисмида юпка дисперсли волластонитни тўлдирувчи сифатида суюқ шишага қўшилган ва уларнинг зарбага бардош бериш хусусиятлари бўйича ўлчов натижалари келтирилган (2.расм).



2-расм. Олинган тасма қопламаларининг зарбага бардош бериш хусусиятларини ўлчаш учун У-1 ру-

сумли курилмасининг кўриниши.

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бирламчи суюқли шишанинг таркиби, унга ҳеч қандай компонентларни қўшмасдан у билан ишлов бериладиган юзалик материалга қараб (юзалик металлдан ёки ёғочдан бўлиши мумкин) зичлиги $1,50 \text{ г/см}^3$ эга бўлиб, унинг зарбага бўлган мустаҳкамлик даражасини баландликдан туширилган юкнинг вазни асосида қайси баландликдан туширилганида синов қатламида дарс кетишлар бўлишини аниқлайди ва бу кўрсаткич 5 см.дан 10 см.гача бўлгани аниқланди.

3-жадвал.

Ҳар хил юзаликларда натрийли суюқ шишанинг зарбага бардошлилигини ўлчаш натижалари (аралашмалар қўшилмаганда)

Намуна	Намунанинг дастлабки (h_0) ва охириги (h) қалинлиги намунанинг учта кесимидаги синов, мм			Мустаҳкамлик кўрсаткичи, см			Тасмаларнинг зарбага бардош бериш қийматининг ўрта арифметик кўрсаткичи
	h_1	h_2	h_3	Y_1	Y_2	Y_3	
Суюқ шиша (металл)	1,21	1,29	1,58	5	10	10	8,3
Суюқ шиша (ёғоч)	1,01	1,12	2,16	5	5	5	5

Шундан сўнг қуйидаги таркибларга эга бўлган ва асоси суюқ шишадан иборат қопламалар синовдан ўтказилди: №1 - 25 гр суюқ шиша +25 гр юпка дисперсли волластонит – (50%), №2 – 47,5 гр суюқ шиша +2,5 гр юпка дисперсли волластонит – (5%), №3 – 49,75 гр суюқ шиша +0,25 гр юпка дисперсли волластонит – (0,5%).

3-жадвалидаги кўрсаткичлар қопламанинг зарбабардошлик қиймати юпка дисперсли волластонитнинг натрийли суюқ шиша таркибидаги улушига боғлиқдир ва унинг улуши қанчалик кўп бўлса шунчалик яхши (шунда натрийли суюқ шишанинг зичлиги $1,40 \text{ г/см}^3$ тенг).

Шундай қилиб, эксперимент тажрибаларининг натижалари шуни кўрсатдики баъзи бир тўлдирувчиларни қўллаш мақсадга мувофиқдир (чунончи, юпка дисперсли волластонитни) негаки унинг асосида ёнғиндан ҳимояловчи таркиблар юзага келиб, уларнинг ёрдамида қопламаларнинг физикавий-механик хусусиятлари яхшиланади ва шунда натрийли суюқ шишанинг барқарорлигини ва зарбага бардошлигини кўтаради. Тасмаларни шаклланиш жараёнини тадқиқ этиш мақсадларида биз томонимиздан натрийли суюқ шиша, юпка дисперсли волластонит минерали, ер кремнийси, базальт ва бошқалардан иборат бўлган бир неча

таркиблар олинган ва тадқиқ этилган.

4-жадвал.

Натрийли суюқ шиша ва юпка дисперсли волластонитдан бўлган қопламаларнинг зарбабардошлигини ўлчаш қийматлари

Таркиб рақами	Қоплама қалинлиги, мм	Зарбабардошлик қиймати, см	Зарбабардошликни ўрта арифметик қиймати	Қоплама кўриниши
1.	2,50	35	37,5	Қаттиқ оқ ранги тури билан унча кўп бўлмаган дарз кетишларга эга
	2,59	40		
2.	2,55	45	45	Қаттиқ қатлам унча кўп бўлмаган дарз кетишларга эга
	2,60	45		
3.	2,40	25	25	Қаттиқ қатлам унча кўп бўлмаган дарз кетишларга эга
	2,47	25		

Юқорида қайд этилган таркиблар асосида ҳар хил юзаликларга улар суртилган ва шундан сўнг бу қопламаларга сувни, намликни, ташқи атмосферанинг таъсирини (CO_2) ва вақт бўйича сифатларини сақлаб қолиш самарадорлиги бўйича улар синовлардан ўтказилган (2-расм):



2 -расм. Янги лак бўёк таркиблари ва улар асосида ҳар хил юзаликлардаги юзага келган қопламалар

Тадқиқотнинг келгуси босқичида натрийли суюқ шиша асосида унга ҳар хил тўлдирувчилар, яъни юпка дисперсли волластонит, доломит ва ПАВ қўшиб, лак бўёқ материалларини қўшиш натижасида янги таркиблари яратилди. (5-жадвал).

5-жадвал.

Ёнғиндан ва иссиқликдан ҳимояловчи лак бўёқ материалларининг янги таркиблари

Т/р	Таркибнинг асоси, (%)	Тўлдирувчилар, (%)		
1.	натрийли суюқ шиша	доломит	юпка дисперсли волластонит	ПАВ
1.1	90	1	3	6
1.2	90	0,5	1,5	8
1.3	90	0,1	-	-
2.	натрийли суюқ шиша + карбамидо-формальдегид қатрони	доломит	юпка дисперсли волластонит	ПАВ
2.1	90	1	3	6
2.2	90	0,5	1,5	8
2.3	90	0,1	-	-

Дастлабки кузатувлар асосида ўтказилган эксперимент тажрибалари натижасида барқарор ва механик жиҳатдан мустаҳкам қопламаларга эга ЛБМ (лак-бўёқ материаллари) таркибларининг намуналари олинди.

ЛБМ намуналарини қўлга киритиш жараёни қуйидагилардан иборат бўлди: асосий компонентнинг ҳисобланган миқдорлари (натрий силикат ёки натрийли суюқ шиша) ва бошқа қўшимча компонентларни олинадиган материалнинг зарурий характеристикаларига биноан аралаштириб, тегишли аралашмани тайёрлаш.

УДК 625.725

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛЛАРИ ВА КЎЧАЛАРИДАГИ АСФАЛЬТОБЕТОН ҚОПЛАМАЛИ ЙЎЛ ТЎШАМАЛАРИНИНГ СУРИЛИШ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САБАБЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Абдурахманов Ю.Т., т.ф.н. Тўхтаев Ж. М. инж.

Тошкент Давлат транспорт университети

Мақолада Тошкент шаҳар кўчалари ва йўлларидаги кўпгина мавжуд асфальтобетон қопламали йўللаридаги бузилишлар сабабларини аниқлашга йуналтирилган тадқиқодлар бўйича олинган натижалар ва хулосалар келтирилган.

The article presents the results and conclusions of the research aimed at determining the causes of the deterioration of existing asphalt pavement roads on the streets and roads of the city of Tashkent.

В статье приведены результаты и выводы исследований, направленных на определение причин износа существующего асфальтобетонного покрытия дорог на улицах и дорогах города Ташкента.

Кириш. Сўнги вақтларда шаҳар йўллари ва кўчаларида ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларининг сони ва турларининг, айниқса юк машиналарининг кўпайиши натижасида йўл тўшамасига таъсир кучлар доимий равишда ўсиб бормоқда, ва кўчаларда тирбандликлар ортиб бормоқда, транспортлар тезлиги кескин камайиб йўл транспорт ходисалари кўпайиб бормоқда. Буларнинг барчаси йўл қоплама ва

Олинган таркиб мажбурий аралаштириш моламаси қориштиришда аралаштириб, унинг жараёни бир жинсли жисмга эга массани юзага келгунига қадар давом эттирилди.

Юқорида келтирилган таркиблар асосида ишлаб чиқарилган қопламалар ҳар хил юзаликларда ўзининг сув таъсири на намликка, ташқи атмосфера таъсирига (СО₂) ҳамда вақт давомида ўзининг самарадор сифатларини сақлаб қолиши жиҳатидан ижобий баҳоланди.

Шундай қилиб, эксперимент тажрибаларининг натижалари асосий таркибга эга бўлган (натрийли суюқ шишани) ва баъзи бир тўлдирувчиларни ёнғин ва иссиқликдан ҳимояловчи таркибларни олишда қайд этилган таркиблардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Современные способы и средства огнезащиты строительных конструкций // Пожаровзрывобезопасность. - 2002. - № 4. - С. 93-95.

2. Хайруллина Э.Р. Огнестойкие вспучивающиеся покрытия с повышенной коррозионной стойкостью / Материалы 59-й науч.-практ. конф. студентов, аспирантов и молодых ученых УГНТУ. - Уфа: Изд-во УГНТУ, 2008. - С. 158-159.

3. Машляковский Л.Н. Органические покрытия пониженной горючести / Л. Н. Машляковский и др. - Л.: Химия, 1989. - С. 132-144.

4. Можарова Н.П. О целесообразности применения отечественных огнезащитных материалов // Пожаровзрывобезопасность. - 2004. - №2. - С. 15-17.

5. Вахитова Л., Калафат К. Огнезащитные составы для металлоконструкций. Краткий обзор рынка Украины // Будівництво України. 2005. № 4. - С. 25-29.

тўшамаларининг янада тезроқ бузулишига сабаб бўлмоқда. Автомобил йўлларининг деформацияланишига асосий сабаб бўлувчи омиллар - транспорт воситаларининг ҳаракати ва табиий иқлим омиллари ҳисобланади, лекин шаҳар йўллари ва кўчаларида юқоридаги икки омилдан ташқари ер ости комуникация тармоқларининг мавжудлиги, туташма, чорраҳалар ва автобусларни тўхташ бекатларини, йўл ўтказ-

гич ва бошқа йўл иншоотларининг кўплиги нуқсонларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатувчи учинчи омил бўлиб ҳисобланади.

Асосий қисм. Танланган кўчаларда махсус асбоблар: фотоаппарат ёрдамида кўча бўлагини умумий ҳолати ва нуқсонларини расмга олинди, йўл ўлчагич, махсус 3 метрли рейка, 20 m рулетка ва 30 см линейка ёрдамида нуқсонлар турлари бўйича йўл тўшамаси ва қопламасидаги нуқсонлар ҳажми ва миқдори аниқланди ва рўйхатга олинди. Бу жараёнлар чорраха ва 100 м узокликкача бўлган йўл қисмида ўрганилди.

Қопламадаги ғилдирак изи бузилишларини МАДИ (СТУ) жамоаси томонидан ишлаб чиқилган (проф. А.П. Василева, Ю.М. Яковлев, М.Г. Горячев, инженерлар М.Ю. Расторгуев ва Инг. С.В. Лугов) оддий қисқартирилган 2 м рейка асбобида қўлда ўлчаш усуллари танлаб олдик.

Йўлдаги ғилдирак изи сурилишини баҳолаш ИКН 05-2011 бўйича 1-жадвалда келтирилган [2].

1-жадвал

Харакатнинг ҳисобий тезлиги, км/с	Қопламадаги ғилдирак изи h_k , мм	
	рухсат этилган	рухсат этилганликнинг юқори чегараси
> 120	4	20
120	7	20
100	12	20
80	25	30
60 ва ундан кам	30	35

Тадқиқот натижалари. Тошкент шаҳрининг танлаб олинган марказий кўчалари кесишмалари ва автобус бекатларидаги йўл қопламасининг раволиги (ғилдирак изи) ўлчанди ва шаҳардаги ҳаракатнинг ҳисобий тезлиги 60 км/с қабул қилиб юқоридаги меъёр билан таққосланди. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Т.р. №	Кўчаларни номи ва сурилишга хавфли бўлаклари	Кўчадаги қатнов тизими, соат/дона	Қопламадаги ғилдирак изи (h_k), мм	
			рухсат этилганликнинг юқори чегараси	амалда
1	Навоий ва Самарқанд Дарвоза кўчалари кесишмасида 11500 м ²	9444	30	70
2	Тошкент савдо маркази бекати 400 м ²	180	30	69
3	Оққўрғон ва Осиё кўчалари кесишмасидан 9500 м ²	5506	30	65
4	6-туғриқхона бекати 160 м ²	164	30	80
5	Спорт клуб НБУ бекатида 230 м ²	132	30	67
6	Шаҳрисабз ва Тараққиёт кўчалари кесишмаси 14000 м ²	8920	30	45

Навоий ва Самарқанд Дарвоза кўчалари кесишмасида 9 – 70 мм; Тошкент савдо маркази бекати 6 – 69 мм; Оққўрғон ва Осиё кўчалари кесишмасидан 5 – 65 мм; 6-туғриқхона бекати 9 – 80 мм; Спорт клуб НБУ бекатида 7 – 67 мм; Шаҳрисабз ва Тараққиёт кўчалари кесишмаси 5 – 45 мм. Бундан кўриниб турибдики бу жойдаги йўл қопламалари раволиги меърий чағарадан анча юқори.

Қопламалардан олинган намуна-керна ва ўйилма-вырубкаларни физик-механик хоссаларини ўрганиш техник компететга ва мусстақилли аккредитацияга эга бўлган масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) «ASFALTOBETON» илмий ишлаб-чиқариш (ИИЧ) корхонасига қарашли «YO'L SIFAT MAGISTRAL» йўл синов лабораториясида ўтказилди.

Ишлатилган лаборатория асбоб ускуналари ва синов ўтказилган хоналар “Ўзстандарт” агентлигини тегишли корхоналаридан аттестациядан ўтказилган.

Лаборатория қопламалардан олинган намуна-керна ва ўйилма-вырубкаларни физик-механик хоссаларини синов ишлари ГОСТ 12801-98 талаблари бўйича ўтказилди ва олинган натижалар ГОСТ 9128-2013 талабларига солиштирилди. [3]

Танлаб олинган участкалардан бориб олинган ўйилма (вырубка) намуналарининг синов натижалари 3-жадвалда ҳамда асфальтобетон қоришмаси минерал донадорлик таркиби 1 ва 2 расмда келтирилган.

Танланган асфальтобетон қопламали кўча ва йўлларнинг сурилишга хавфли бўлақларини техник ҳолатини аниқлаш ва таҳлил қилишдан ҳамда мавжуд асфальтобетон қопламали шаҳар кўчаларнинг сурилишга хавфли бўлақларидан олинган намуна-керна ва ўйилма-вырубкаларни физик-механик хоссаларини ўрганиш асосида куйидагилар аниқланди:

-Шайхонтохур туманидаги Навоий ва Самарқанд Дарвоза кўчалари кесишмасида йўл бўлагидида ўртача 63,5% йўл тўшамаси мустаҳкамлигини бутунлай йўқотган;

-Шайхонтохур туманидаги Тошкент савдо маркази бекатида йўл бўлагидида ўртача 75,0% йўл тўшамаси мустаҳкамлигини бутунлай йўқотган;

-Мирзо Улуғбек туманидаги Оққўрғон ва Осиё кўчалари кесишмасида йўл бўлагидида ўртача 65,0% йўл тўшамаси мустаҳкамлигини бутунлай йўқотган;

-Яшнабод туманидаги 6-Туғриқхона бекатида йўл бўлагидида ўртача 85,3% йўл тўшамаси мустаҳкамлигини бутунлай йўқотган;

-Яшнабод туманидаги Шаҳрисабз ва Тараққиёт кўчалари кесишмасида йўл бўлагидида ўртача 63,3% йўл тўшамаси мустаҳкамлигини бутунлай йўқотган;


-Мирзо Улуғбек туманидаги НБУ спорт клуб бекатида йўл бўлагидида ўртача 78,3% йўл

тўшамаси мустаҳкамлигини бутунлай йўқотган;
 -Қопламаларга ётқизилган асфальтобетон қоришмалар бир хил таркибли, демак йўл бўла-


клари бир неча маротаба бир хил таркибли асфальтобетон билан таъмирланган;

3 - жадвал

Намуна олинган жой номи	№	Нам. қалинлиги h/мм	Намунанинг оғирлиги g/г	Намунани зичлиги. ρ	Сув шимувчанлиги	R ₂₀ кгс	R ₅₀ кгс	R _{вод} кгс
Навоий ва Сирдарё кўчалари кесишмаси	1	71.4	668,7	2,34	0,49	1650	750	1580
	2	71.4	666,9	2,34	1,09	1680	680	1600
	3	71.4	667,4	2,34	0,91	1760	670	1700
Шаҳр.ва Тараққиёт кўчалари кесишмаси	1	71.4	667,9	2,33	0,59	1740	770	1675
	2	71.4	665,9	2,36	0,32	1840	810	1680
	3	71.4	667,5	2,36	0,78	1570	690	1600
Оққўрғон ва Осиё кўчалари кесишмаси	1	71.4	667,0	2,32	0,34	1700	770	1670
	2	71.4	665,5	2,34	0,59	1850	790	1675
	3	71.4	667,5	2,35	0,31	1580	800	1680
6-туғриқхона бекатини	1	71.4	667,5	2,32	0,73	1700	690	1610
	2	71.4	666,8	2,34	0,67	1780	760	1650
	3	71.4	667,9	2,39	1,03	1690	650	1580
НБУ спорт клуб бекати	1	71.4	668,0	2,35	0,54	1750	700	1600
	2	71.4	667,5	2,36	0,36	1680	650	1580
	3	71.4	667,0	2,31	0,59	1600	680	1580
Тошкент савдо маркази бекати	1	71.4	667,0	2,36	0,74	1710	700	1660
	2	71.4	668,3	2,35	0,54	1680	680	1590
	3	71.4	668,9	2,33	0,66	1700	650	1660



1 – расм. Навоий ва Самарқанд Дарвоза кўчалари кесишмасидан олинган асфальтобетон қоришмаси минерал донадорлик таркиби



2 – расм. Шаҳрисабз ва Тараққиёт кўчалари кесишмасидан олинган асфальтобетон қоришмаси минерал донадорлик таркиби.

-Қопламаларга ётқизилган асфальтобетон қоришмалар бир хилда зичланмаган, шунинг учун олинган нмуналарни зичлиги сув шимувчанлиги ва зичланганлик коэффициентлари ҳар хил, бу ерда қоришма ғовак танланган бўлиши мумкин ёки технологик қоидалар бузилган;

-Қопламаларга ҳамма жойларда майда доначали (20 мм гача), Б турдаги асфальтобетон қоришмаси ётқизилган, қум микдори юқори чегарага яқин (60%), яъни меъёридан кўп;

-Намуналарни 50 °С сиқилишга мустаҳкамлиги, ҳамда сурилишга қаршилиги (ички ишқаланиш коэффициенти ва 50°С ҳароратда сурилишда ёпишувчанлиги) умуман олганда ГОСТ 9128-2013 талабларига жавоб беради;

-Намуналарни 0 °С сиқилишга мустаҳкамлиги ҳамда ёрилишга бардошлилик (0°С ва 50 мм/мин тезлик билан деформациялашда майдалашда чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси) бўйича ҳам ГОСТ 9128-2013 талабларига жавоб беради.

Хулосалар. Юқоридаги асфальтобетон йўл қоплама ва тўшамасидаги деформация ва бузилишларга қуйидагилар сабаб бўлган деб ҳисоблаймиз:

-йўл қоплама ва тўшамасида ўз вақтида ўрта ва тўлиқ таъмирлаш ишлари ўтказилмаган, хизмат муддатлари бир неча маротаба ўтиб бўлган;

-йўл қопламаси ўтган узоқ хизмат муддати ичида ўтаётган транспорт кучлари ва таъбият омиллари: қуёш радиацияси, ҳаводаги кислород; сув, қор ва совуқ натижасида ўз мустаҳкамлигини йўқотган, натижада катта микдорда сурилишлар ва нисбатан оз микдорда уқаланишлар, ёрилишлар пайдо бўлган;

-йўлни бузилган бўлақларида, фойдаланиш давомида тўшама ва қопламадаги сурилишлар,

чўкишлар натижасида пайдо бўлган нотексликлар ўз вақтида сифатли таъмирланмаган, натижада қопламани кўндаланг нишаблиги бузилган, қопламада сувлар тўпланган ва улар музлаши-эриши натижасида қопламада уваланишлар пайдо бўлган;

-қолама учун танланган ва ётқизилган майда доначали (20 мм гача), Б турдаги асфальтобетон қоришмаси, қум миқдори юқори чегарага яқин (60%), яъний кўп бўлгани сабабли, сурилишга хавфли бўлаклари учун тўғри келмайди.

Адабиётлар:

1. Методические рекомендации по оценке сдвигоустойчивости асфальтобетона. Одобрены и введены в действие распоряжением Росавтодора от 04.02.2002 № ИС-42-р. Москва 2002

2. ИҚН 05-2011. Автомобиль йўллариининг ҳолатини ташхис қилиш ва баҳолаш қоидалари. Тош-

кент, 2012. – 129 б

3. ГОСТ 9128-2013 «Смеси асфальтобетонные дорожные, аэродромные и асфальтобетон». Технические условия. 3-8 с.

4. Тўхтаев Ж. Махмудов Я. Асфальтобетон қопламаларининг сурилишига таъсир қилувчи омиллар. Шахримиз кўчаларининг бугунги кундаги ҳолати. 2020 - Илм-маърифати ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилига бағишланган иқтидорли ёшларнинг олий ўқув юртлиарио илмий-техник анжумани. Тошкент автомобиль йўллариини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Тошкент 2020г. 297-299 с.

5. Тўхтаев Ж.М., Махмудов Я. Н. «Определение испорченности колесных следов в городских улицах и в автомобильных дорогах с асфальтобетонной покрытой и их причины» Устойчивое развитие городов-перспективы городского развития для Узбекистана и Казахстана (SUCIPUK). Международная Выездная конференция Ташкент – 2019 г. 63-65 с.

УДК 665.521.653

МЕТАЛЛ КОРРОЗИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛУВЧИ СУРКОВ МОЙИНИ ОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Юлдошов Бунёд – Джишзах Политехника институти.

Ушбу мақолада замонавий инновацион технологияларни қўллаш орқали янги турдаги металл коррозиясини олдини олувчи сурков мойларини олишнинг ечими ишлаб чиқилган. Металга юкланиш орқали таъсир қилувчи омиллар ўрганилган. Ишқаланиш кучини камайтирувчи коррозияга қарши сурков мойларини таҳлил қилувчи жараёнлар ифодаланган. Сифатли сурков мойларининг янги турлари ишлаб чиқариш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар. хомашё, қовушқоқлик, ҳарорат, металл, ишқаланиш, коррозия, инновация, янги таркиб, эксплуатация, кўрсаткич, технология.

В данной статье разработанное решение для получения смазочных масел, которые предотвратят появление новых видов коррозии металлов с использованием современных инновационных технологий. Исследованы факторы, влияющие на нагрузку металла. В статье процессы для анализа антикоррозионных смазочных масел, которые уменьшают мощность трения. Производства качественных смазочных масел были предложены новые виды.

Ключевые слова. сырьё, вязкость, температура, металл, трение, коррозия, инновации, новый состав, эксплуатация, производительность, технология.

This article is a developed solution for obtaining lubricating oils that will prevent the appearance of new types of corrosion of metals using modern innovative technologies. Factors influencing the metal load are investigated. In the article processes for the analysis of anticorrosive lubricating oils, which reduce the frictional power. The production of high-quality lubricating oils was proposed by new types.

Keywords. raw materials, viscosity, temperature, metal, friction, corrosion, innovation, new composition, operation, performance, technology.

Ҳозирги кунда дунёда металлларни коррозиядан ҳимояловчи ингибиторлар ва антикоррозион сурков мойларини ишлаб чиқишнинг илмий асосларини яратишда ҳозирда жуда кўплаб инновацион технологиялар ишлаб чиқарилмоқда. Эксплуатация талаблари бўйича сурков мойларининг физик-кимёвий, кинетик хоссалари асосида эффективлиги юқори бўлган мақбул шароитларини аниқлаш бўйича дунёдаги етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари ва университетларида, жумладан, University of Wisconsin-Green Bay, Madison (АҚШ), Institute for Technical and Macromolecular Chemistry (Германия), Sant Longowal Institute of Engineering and Technology (Италия), Institute of Applied Energy (Япония), Москва давлат университети, Физикавий кимё институти, Москва кимё-

технология университети, Удмурд давлат университети (Россия), Политехника институти (Украина), Нефть-кимёвий жараёнлар институтида (Озарбайжон) илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда нефт ва газ соҳасида ички ва ташқи бозорга янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016йил 26-декабрдаги №ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури янада кучайтириш тўғрисида»ги ва 2017йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, мазкур фао-


лиятга тегишли бошқа меъерий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда истиқболли режа асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар қўллаш вазифалари келтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сурков мойларини олиш ва технологияларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш бўйича А.Н.Мартъянов, Г.Б.Михайлов, У.А.Ричард, А.Г.Пономаренко, Т.А.Ширяев, А.В.Нестеров, Н.В.Окнина, В.В.Кириллов, С.А.Савнков, А.В.Никитин, И.Е.Федоров, В.М.Капустин, Фукс И.Г. Ш.М.Сайдахмедов, Б.Н.Ҳамидов, Б.Х.Убайдуллаев ва бошқа кўплаб олимлар илмий ишлар олиб борганлар.

Маълумки, сурков мойларга ёнилгиларга қўйилгани каби, уларни металлларга коррозия таъсирининг минимал бўлиши, таркибида механик аралашмалар ва сувнинг бўлмаслиги бўйича талаблар қўйилади [1].

Сурков мойлари деталларни коррозияланишдан ишончли сақлаши лозим. Коррозияланиш тезлиги мой таркибидаги ёки иш жараёнида ҳосил бўладиган механик аралашмалар, сув, сувда эрийдиган кислоталарга боғлиқ. Минерал кислоталар деталларнинг жадал коррозияланишига сабаб бўлади, шунинг учун стандартларга кўра мойлар таркибида уларнинг бўлишига рухсат этилмайди. Фаоллиги анча паст бўлган кислотали органик моддалар ҳамма мойларда бўлади. Уларнинг миқдори кислота сони билан белгиланади.

Кислота сони 1г мойдаги кислоталарни нейтраллаш учун неча миллиграмм ўювчи калий кераклигини билдиради. Иш давомида мойда органик кислоталар миқдори ортади, бунинг натижасида рангли металлдан ясалган деталларнинг емирилиши ортади. Бу коррозияловчи фаол моддалар мойда аста-секин тўпланади. Сурков мойида олтингугурт қанча кўп бўлса, мойнинг коррозияланиш хоссаси шунча ортади. Сурков мойларига коррозияланишга қарши қўшилмалар қўшиш сиртларни коррозияланишдан сақлашнинг энг самарали усулидир. Бундай қўшилмалар сифатида фосфорли ёки олтингугуртли моддалардан фойдаланилади [2].




1-расм. Металда сурков мойини фойдаланиб, куч амплитудасининг сўниши таҳлили

Бу фаол элементлар металл сиртида химия пардаларини ҳосил қилади. Бу пардалар

кислоталар таъсирида емирилсаҳам, мунтазам келиб турувчи янги мой порсиялари ҳисобига қайта тикланади. Металл сирти коррозия емирилишдан шу тарзда ишончли химояланади (№1 расмда келтирилган).

Бир қатор сурков мойларнинг таркибида оз миқдорда (0,025 фоизгача) сув бўлишига, шунингдек фоизнинг юздан бир улуши миқдорида механик аралашмалар бўлишига рухсат этилади. Мазутдан олинган барча мойлар 50°C ҳароратгача юқори физикавий ва кимёвий турғунликка эга бўлади. Улар ташиш ва узок вақт сақлаш жараёнида ўз хусусиятларини сезиларли даражада ўзгартирмайди. Шунинг учун мой захираларини 5 йил ва ундан ортик муддат сақлашга рухсат этилади. Мой ҳарорати 50°C дан ортганда (бу ҳолат амалиётда кўп учрайди) эса мойнинг физикавий ва кимёвий турғунлиги кескин пасаяди, коррозия таъсири эса кескин ортади. Коррозиялаш таъсирининг қиймати ва уни аниқлаш усули мой паспортида келтирилади. Бу қиймат қанча кичик бўлса, мойнинг коррозияга қарши хоссалари шунча яхши бўлади.




2-расм. Металлда коррозия ҳосил қилувчи жараён факторлари

Сурков мойининг коррозияга қарши хусусияти юқори юкланишда эксплуатация қилинувчи деталларининг тайёрланиши юқори сифатли стал, пўлат ва метал қотишмаларидан фойдаланилади.

Ушбу қўшилмалар оксидланишни зудлик билан тўхтатиб, мой концентрациясида агрессив элементларнинг камайишини ҳамда мой таркибидаги нордон маҳсулотларни нейтрал ҳолатга ўтказишини таъминлайди. Металл юзасида мой қатламининг химояловчи хусусиятларини ҳам оширади. Мой композициясини тайёрлашда унинг коррозияга қарши хусусиятларини оширишда меъерий жиҳатдан коррозияга қарши қўндирмаларни қўшиш металнинг узок вақт юқори юкланишда ишлашини таъминлайди.

Нефт асосли сурков мойларининг асосий функцияларидан яни бири бу мойловчи хусусиятидир. Ушбу функция хусусияти ейилишни ва едирилишни камайтиришдан иборат бўлиб, у мойнинг мустаҳкам қовушқоқлигини ошириш орқали эришилади (4-расмда келтирилган).



3-расм. Юкланишнинг ортиши билан мой пардасининг бузилиш чегараси таҳлили

Ушбу графикдан кўриниб турибдики, сурков мойини ротацион қовушқокликни аниқлаш қурилмаси (Rheotest RN 4.1)да 1200-1300 МПа юкланиш чегарасида мой пардасининг бузилишини кўришимиз мумкин. Қолаверса, куч амплитудасида тебранишлар орасидаги масофанинг (цикл сонига боғлиқлиги) таҳлилий натижаси келтирилган.

Асосан сурков мойлари хоссаларини яхшилаш мақсадида унга таркибида рух, хлор, олтингугурт, кальций, барий, натрий, фосфор, иод, цикли углеводородлар бўлган хилма-хил анорганик ва органик моддалар қўшилиши эксплуатация жараёнида унинг мустаҳкамлик чегараларини оширишни таъминлайди.

Уни ишлаб чиқариш талаблари ва коллоид барқарорлиги билан ҳам баҳоланади[5].


Бизга маълумки, сурков мойларининг хусусиятдан келиб чиқиб, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Ишқаланиш кучини камайтириши;
- Метални совутиши;
- Юкланишни мувозанатлаш;
- Метал юзасини тозалаш;
- Ўзаро металллар орасини герметиклаши;
- Коррозиядан профилактика (олдини олиши) қилиши лозим.

Кўпинча, сувда ноорганик тузлар ва коррозия агрессив компонентларнинг бўлиши билан боғлиқдир. Сув миқдорининг мой таркибида бўлиши электролит мавжудлигини ҳамда электрохимик коррозиянинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Электрохимик коррозия камайтириш қисман унинг таркибига ҳимояловчи кўндирмаларни киритиш орқали эришилади ва уни занглашдан ҳимоя қилади. Ҳимояловчи кўндирманинг ишлаш механизми агрессив муҳитда металл юзасида мустаҳкам мой қатламини ҳосил қилиб мойнинг ҳимояловчи хусусиятини оширади. Фақатгина ноорганик кислота ва тузлардан ташқари парнинг кондентация таъсирида пайдо бўлувчи сувларни ҳам мойнинг ҳимоя қатламини орқали ажратиб туради[6].

Сурков мойини ҳам алоҳида ИҚ-спектри таҳлилинини ҳам ўргандик, бу қуйидаги графикда берилган. Бунда сурков мойи композицияси жуда мураккаб бўлиб, у парафин-нафтенлар, ароматик углеводородлар, смолалар ҳамда ас-

фальтенлар, диалкилдифосфат, тўйинган ёғли кислота ва натрийли совунлардан иборат. Сурков мойини ИҚ-спектри таҳлили ёрдамида 2853 cm^{-1} ва 2923 cm^{-1} даги кучли ютилиш чизиқлари ажралиб, CH_2 -гуруҳига мувофиқ равишда симметрик ва антисимметрик тебранишлари билан изоҳласа бўлади. 1462 cm^{-1} , 1376 cm^{-1} ва 722 cm^{-1} чизиқларининг ютилиши $-\text{CH}_2-\text{CH}_2$ узун парафин занжирларининг тебранишига мансуб бўлиб, 1467 cm^{-1} метилен гуруҳининг валентли тебранишига тааллуқли, 1460 cm^{-1} бўлса унда метил гуруҳига тегишли ҳисобланади.



4-расм. Маҳаллий хомашёлардан асосида олинган сурков мойи намунасининг ИҚ-спектр таҳлил натижаси

4	ПП/ППМА/Cloisite 20A	77/20/3	9,47±0,23	34,5±0,69	364,5±7,08
II серия					
5	ППМА	100	9,13±0,15	26,0±0,25	285,25±4,52
6	ППМА/Cloisite 20A	97/3	5,72±0,18	22,81±0,64	399,25±5,34
7	ППМА/Cloisite 20A	95/5	7,45±0,75	26,34±1,35	366,75±26,25
8	ППМА/Cloisite 20A	93/7	7,56±0,3	27,55±0,6	361,25±16,48

Для композиции ПП/ППМА при содержании полярного компонента 5%вес. усиление по модулю упругости составляет 23% и по мере его увеличения до 20%вес. эффект усиления нивелируется по причине увеличения объемной

доли низко модульного ППМА (модули упругости исходных ПП и ППМА составляют 365 и 285 МПа соответственно).

Эффекты усиления модуля упругости сопровождаются в случае композиции с ППМА

заметным падением относительного удлинения при разрушении агрегация частиц алюмосиликата при увеличении концентрации, тогда как в наноккомпозитах ПП сохраняется на уровне исходного полипропилена. Как и ожидалось, увеличение межфазной адгезии проявляется на кривых σ - ε увеличением максимального напряжения, требуемой для деформации композита. Таким образом, можно констатировать, что формирование эксфолиированных и интеркалированных наноккомпозитов при введении малых концентрации слоистого алюмосиликата способствует усилению модуле упругости более чем на 40% при сохранении деформативности.

Вывод. Исходя из результатов сравнительного анализа физико-механических свойств композиционных материалов, можно сделать вывод, что для улучшения физико-механических свойств композиционных материалов необходимо выбрать оптимальный вариант наполнителя и малеинизированного полипропилена. Это приводит к увеличению межмолекулярных взаимодействий и обеспечивает увеличение прочностных свойств развитого базальтового интервала.

Литература:

- Gleixner G. Flame retardant PP fibres-lateat developments. *Chem Fibers Int* 2001;51:422-4.
- Мамедова Р.Л., Багирбеков Х.В., Аббасова Н.М., Гаджиева Е.Г. // Матер. Рос. конф. Актуаль. Проблемы химии высоких энергий. М.: Изд. Граница, 2015. С. 244-246.
- Ястребинский Р.Н., Бондаренко Г.Г., Павленко В.И. // Перспективные материалы. 2015. № 6. С. 25-31.
- Герасин В.А., Гусева М.А., Ребров А.В., Королев Ю.М., Антипова Э.М. // Высокомолек. соед. Сер. А. 2009. Т. 51. № 5. С. 454-468.
- Vaia RA. In: Pinnavaia TJ, Beall GW, editors. *Polymer-clay nanocomposites*, Chapter 12. New York: Wiley Series Polymer Science; 2001. p. 229-66.
- Sheng Zhang, A. Richard Horrocks A review of flame retardant polypropylene fibres *Prog. Polym. Sci.* 28 (2003) 1517-1538.
- Jyi-Jiin Luo, Isaac M. Daniel Characterization and modeling of mechanical behavior of polymer/clay nanocomposites *Composites Science and Technology* 63 (2003) 1607-1616.
- Ашуров Н.Р., Долгов Ш.Г., Садыков Ш.Г., Усманова М.М. Наноккомпозиты полимеры этилена, наполненные слоистыми алюмосиликатами. Т 2006.
- Suprakas Sinha Ray, Masami Okamoto *Polymer/layered silicate nanocomposites: a review from preparation to processing*, *Prog. Polym. Sci.* 28 (2003) 1539-1641.
- Michael Alexandre, Philippe Dubois *Polymer-layered silicate nanocomposites: preparation, properties and uses of a new class of materials*. *Materials Science and Engineering*, 28 (2000) 1-63.
- LeBaron PC, Wang Z, Pinnavaia T. *J Appl Clay Sci* 1999: 15-11.
- Pham Hoai Nam, Pralay Maiti, Mosami Okamoto, Tadao Kotaka, Naoki Hasegawe, Arimitsu Usuki A hierarchical structure and properties of intercalated polypropylene/clay nanocomposites. *Polymer* 42 (2001) 9633-9640.
- Okamoto M, Morita S, Kim YH, Kotaka T, Tateyama H. *Polymer* 2001;42:1201.
- Ashurov N. R. et al. Degradation Features Of Polyethylene And Gelatin Compositions //The American Journal of Applied sciences. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 131-138.

**ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ****ТАБИЙ ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ БЎЛГАНДА СЕЛ ОҚИБАТЛАРИНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ**

Ибрагимов Б.Т. т.ф.д., **Хамдамов У., Хажиев И.Г.**
(Ўзбекистон республикаси ФВВ Академияси)

Ушбу мақола матнида селнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳалокатли оқибатлари, Ўзбекистон ва хорижий давлатларда содир бўлган фалокатли селлар статистикаси ва сел оқимларининг олдини олиш, уларга қарши курашиш, сел билан бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдаги хорижий тажрибанинг маъқуллиги ҳамда инновацион ёндашувлар, сел хавфи бўлганда аҳолининг ҳаракатлари бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: сел, статистика, оқим тезлиги, ёмғир, қор, сув тошқини, шамол, талофат, оқим.

В статье описаны причины и катастрофические последствия наводнений, дана статистика катастрофических наводнений в Узбекистане и зарубежных странах и предотвращение наводнений, борьба с ними, принятие зарубежного опыта и новаторских подходов к предотвращению наводнений, даны рекомендации населению действий при селевых потоках.

Ключевые слова: паводок, статистика, расход, дождь, снег, паводок, ветер, потери, течение.

The article describes the causes and catastrophic consequences of floods, provides statistics on catastrophic floods in Uzbekistan and foreign countries and floods prevention, combating them, adopting foreign experience and innovative approaches to flood prevention, and is given recommendations on the movement of people in case of flood danger.

Key words: flood, statistics, speed of flow, rain, snow, flood, wind, losses, current.

Йил давомида гидрометеорологик ҳолатнинг кескин ўзгариши туфайли, аҳолининг ҳаёт фаолиятини, табиатни, моддий ресурслари сифатини издан чиқарувчи фавқулодда вазият (*селлар, сув тошқинлари, қор кўчкилар, кучли шамоллар, қурғоқчилик ва ҳ.к.*)лар кузатилган. Мутахассисларнинг маълумотига кўра Ўзбекистон Республикасидаги барча тоғ ва тоғли ҳудудлар сел хавфи бўлган зоналарга киритилган. Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Республикаимизнинг Наманган вилояти (19%), Фарғона вилояти (14%), Сурхондарё вилояти (13%), Тошкент вилояти (12%), Самарқанд вилояти (12%) ҳамда Қашқадарё вилояти (12%) ҳудудларининг сув тошқини-сел хавфи мавжуд ҳудудлардан ҳисобланади. Сел оқими вужудга келиши апрель ва май ойларига тўғри келади, бу даврда тоғ ва тоғолди ҳудудларида кўп ҳолларда ёғингарчиликнинг кузатилиши аниқланган келинмоқда.

Охириги 100 йил ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2500 дан ортиқ сел оқимлари кузатилган. Булардан 1400 дан ортиғи лойқа селлар, 650 дан ортиғи аралаш селлар, 350 дан ортиғи эса сув-тошли селлар юзага келганлигидир. Бунга сабаб ҳудудимиз жойлашган минтақанинг табиий шароити бўлиб, баҳор ойларида кучли жала, ёмғирлар, хароратни иссиқ келиши, тоғларда музлик ва қорларни тез эриши, дарё ўзани қиялигининг 3-5 градусдан катталиги, ёмғир заррачалари боғланмаган бўшоқ тоғ жинсларининг мавжудлиги асосий омил бўлиб ҳисобланади.

2020 йил 13 май куни юртимизда тахминан соат 02:30 дан 04:30гача бўлган вақт оралиғида Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида кучли

ёғингарчилик сабабли сел келиши кузатилди, сел оқибатида бир неча хонадон зарар кўрди ва 300 га яқин фуқаролар хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. ФВ бартараф этилгандан сўнг аҳолини яна ўз уйларига кўчириш тадбирлари ўтказилган.

Кўшни бўлган Тожикистон Республикасининг юқори тоғли ҳудудида 2016 йил июл ойида юзага келган ғайритабиий иссиқ ҳаво музликларни эришига сабаб бўлди. Табиий офатдан кўрилган зарар ҳукумат томонидан 92 миллион АҚШ доллари этиб баҳоланди.

Ер юзасида юз берган офатли селларга мисол қилиб 2012-йил 4-октябрда Хитойнинг Чженхе қишлоғида юз берган 10 минг метр куб тош-лой оқими қишлоқ бошланғич мактаб биносини бутунлай вайрон қилган. Мактаб биноси ўрнида чуқурлиги 8 метрлик лойли кўл ҳосил бўлган, 18 нафар ўқувчи ушбу бахтсиз ходиса оқибатида ҳалок бўлганлиги чет эллик мутахассисларнинг маълумот келтирилган.

Селнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳалокатли оқибатлари.

Тоғ ҳудудларида кучли ёмғирларнинг ёғиши, музлик ва қорларнинг тез эриши натижасида ҳосил бўлган дарё тошқинларини, тоғ ёнбағирларида нураган, тоғ жинси бўлақларини сув оқими билан текисликка қараб оқизиш туширилишига сел ҳодисаси деб юритилади. Сел оқими массасининг тахминан 50-60% и турли катталиқка эга бўлган тоғ жинси бўлақларидан, ўсимлик ва дарахтлар бўлақларидан иборат бўлади.

Сел – арабча сўз бўлиб, тоғлик ҳудудлардаги сув тошқини маъносини англатади.

Сел оқимлари ўзи билан олиб кетаётган қат-

тик заррачалари ўлчамига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

- сув-тошли селлар;
- лойқа селлар;
- аралаш селлар;



Охириги 100 йил ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2500 дан ортиқ сел оқими кузатилган. Булардан 1400 дан ортиғи лойқа, 350 дан ортиғи сув-тошли, 650 дан ортиғи аралаш селлардир.

Сел оқимларининг олдини олиш, уларга қарши курашиш, сел бўлиш мумкин бўлган майдонларни аниқлаш, уларни вужудга келиши сабабларини чуқур ўрганиш, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун сел ҳодисасини бартараф қилиш мақсадида олиб бориладиган ишлар илмий, амалий хулосаларга, тадбир чораларга асосланган бўлмоғи керак. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Сел бўлиши мумкин бўлган дарёларнинг сув йиғиш майдонларида доимий кузатиш ишларини олиб бориш. Бунда сув йиғиш майдонида бўшқоқ тоғ жинсларининг йиғилишини олдини олиш, оқар сувлар оқимида тўсқинлик қилувчи табиий ва сунъий тўсқинлардан тозалаш ишлари.

2. Сел оқими юзага келиши мумкин бўлган дарёларнинг сув йиғиш майдонларини муҳофаза қилиш, яъни бу майдонларда ўсимлик дунёсини сақлаш, дарахтлар ва буталарни кесиш, майдонларда шудгор қилиш ва суғориш ишларини олиб боришни чегаралаш.

Сел ва сел билан бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдаги хорижий тажрибанинг маъқуллиги ва инновацион ёндашувлар ҳозирги давр талабининг глобал ечимлигини кўриш мумкин.

Селдан муҳофаза иншоотларининг вазифаси одатий меъёрий интенсивликдан ошиб кетган оқимни аҳоли турар жойлари ва иқтисодий объектлардан четга йўналтириш, оқим тезлигини заифлаштириш, оқим массасини тарқатиб юборишдан иборат. Иншоотларни темир-бетон, бетон, тош материаллардан қуриш мақсадга мувофиқдир.

Классик услубдаги селга қарши иншоотлар – табиий офатнинг энг катта таъсирини ўзига олади ва оқибатда уларда турли емирилишлар ва бузилишларни кузатиш мумкин.



Инновацион ечимлардан бири селга қарши курашишдаги умумий вазифани алоҳида муоммоларга ажратувчи пўлат стержинли ёки сеткали тўсқинларни жорий этиш бўлади.

Селдан муҳофазаловчи мослашувчан тўсқинлар қуришда Швецариянинг “Geovugg” компанияси дунё лидерлари қаторидан ўрин олган. “Geovugg” муҳандислик техник ечимларининг муофакқиятлари 3 та асосий омилларга асосланган:

Биринчидан, замонавий материаллардан фойдаланиш, математик моделлаштириш ва кенг қўламли реал тажриба синовлар ўтказиш.

Иккинчидан, “Geovugg” ечимларининг асосини юқори пишиқликка эга пўлат симлар ташкил этади.

Учинчидан, у юқори қаршилик кучи бўлганда, аъло даражада энергияни сингдирувчи ва минимал парвариш билан узоқ муддат хизмат қилиш хусусиятларига эга.

Сел ва сув тошқинидан муҳофазаланишда чет-эл тажрибасини ўрганар эканмиз, дунёнинг турли мамлакатларининг муҳандислик муҳофаза иншоотлари билан танишамиз, шу жумладан Австриянинг Трюбенбах ва Карентия федерал ерларида 5 та очик ўтказувчи тешиқларга

эга сел туггич тўғон барпо этилган.

Селга тўсқинлик қилувчи классик иншоотлар икки синфга бўлинади:

1-барқарор-стабилловчи (каскадлар, дренаж курилмалари, тиргак деворлар);

2-селнинг олдини олувчи (оқимни тартибга солувчи, йўналтирувчи).

Шунингдек, сел оқими юзага келиши мумкин бўлган дарёларнинг ён атрофини муҳофаза қилиш, яни бу майдонларда ўсимликлар дунёсини сақлаш, дарахтлар ва буталарни кесишни ва шудгорлаш, суғориш ишларини чегаралаш тақозо этилади.

Ўрмон хўжалигини ривожлантириш, тоғ ёнбағирларида буталар ва дарахтлар экилишини таъминлаш талаб этилади, чунки бундай ўсимликлар тоғ жинслари қатламларини мустаҳкам ушлаб туради, қор эришини секинлаштиради, ер юзаси ювилишини олдини олади.

Тоғли худудлардаги дарёларнинг ўзанида сув оқимини бошқарувчи иншоотлар куриш, табиий, сунъий тўғонларни тартибга солиш, темир йўл, автомобил йўллари остида сел ўтказувчи катта диаметрли туйнуқлар очиш талаб этилади.

Сел хавфи бўлганда аҳолининг ҳаракати бўйича тавсиялар:

- Турар жойларни кескин қияликларга ёки бевосита уларнинг тагига, хавфли зоналарга курмаслик;

- Хавфли дарёлар (сойлар)нинг сел келиш йўналишида вақтинчалик кўнимгоҳ ташкил қилмаслик;

- Олдиндан озиқ-овқат, сув, кийим-кечак, дори-дармонлар, қутқарув воситаларини ғамлаб кўйиш;

- Сел келганда қайси йўналишда ҳаракат қилишни белгилаб олиш;

- Сел ҳосил бўладиган қияликка дарахтлар экиш.

Сел хавфи мавжуд бўлган худудларда яшовчи фуқаролар куйидагиларни эсда сақлаши лозим:

- Сел хавфи юзага келиши мумкин бўлган худудларда яшовчи ҳар бир киши унинг уйи, хўжалигини сел келиши худудига жойлашганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиши ва Ўзгидрометеорология, ФВВ/ФВБ, ҳокимият вакиллари томонидан берилган кўрсатмалардаги сел ва сув тошқинидан ҳимоя қилиш йўл-йўриқларига албатта амал қилишлари;

- Сел хавфи тўғрисида хабар эшитгандан кейин дарҳол хавфсиз жойга кўчиш ҳаракатларини қилиш;

- Сел оқимининг тез фурсатда шакилланиши, унинг тезлигини ҳисобга олган ҳолда, хабар тарқатиш ва муҳофаза тадбирларини бажариш учун вақт жуда чекланганлигини доимо ёдда тутиш;

- Сел оқимидан халос бўлишнинг иложи бўлмаса баландроқ тепалик устига, дарахтлар устига чиқиб олиш ;

- Сел оқиб ўтганидан сўнг девор ва устунларнинг ҳолатини, газ, электр ва сув таминоти тизимлари созлигини текшириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки юқорида айтилган офат тури Ўзбекистонга хосдир. Шунинг учун ўлкамизда яшовчи ҳар бир инсон юқорида айтилган офатдан қўрқмасдан, эсанкирамасдан, юқори ташкилотлар, фуқаро муҳофазаси органлари томонидан белгиланган ҳар бир кўрсатма, йўриқномаларга қатъий риоя этиб, ҳаракат қилиши зарур. Бунда ҳеч қандай ўзбошимчалик, ваҳимага тушиш, фақат ўз манфаатларини кўзлайдиган ҳаракатларини амалга ошириш таъқиқланади. Қаерда юқори интизом, чуқур ишланган омиллар бўлсагина ўша ерда офат оқибатлари тугатилиб ҳаёт тезда ўз изига тушиб кетиши амалий исботини топган.

Адабиётлар:

1. Нигматов И., Тожиёв М. Х. Фавқуллода вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси. Дарслик.-Т.: Иқтисод-молия. 2011й.

2. Авария-қутқарув ишлари фани бўйича ўқув қўлланма. // Тошкент давлат техника университети. 2016й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 октябрдаги “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқуллода вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли Қарори

4. Артықов Т.У., Ибрагимов Р.С., Фадинова Р.П. Сейсмичность территория Узбекистана//: Сейсмическое районирование и прогноз землетрясений Узбекистана.-Ташкент: Гидроинге, 2002. – С.15–37.

5. Баринов А.В. Чрезвычайные ситуации природного характера и защита от них//: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. М.: Изд. ВЛАДОС-ПРЕСС, 2003. С.25–33.

6. Ибрагимов Р.Н., Нурматов У.А., Ибрагимов О.Р. Сейсмостроение: В сб. «Сейсмического районирования и прогноз землетрясений В Узбекистане»// Ташкент: Гидроингео, 2002.–С.32–40.

УДК:621.22 Н-79

ДАРЁ ВА КАНАЛЛАРДАН СУВ ОЛИШДА ҚУВУРДАГИ СУВ САРФИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИ ТУЗИШ

Жуманов О. т.ф.н. доц., Исламов К.С. докторант
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Бу мақолада дарё ва каналлардан суғориш ерларига тўсиқли ва тўсиқсиз сув олишда сувнинг исрофгарчилигига йўл қўймаслик учун сув сарфини ҳисоблаш математик модели қаралган.

Калит сўзлар. Модел, математик модел, сув сарфи, ҳаракатдаги кесим, тезлик, сув оқими, рақамли тех-

нологиялар.

В этой статье обсуждается математическая модель для расчета водопотребления, чтобы избежать потерь воды при получении воды из рек и каналов на орошаемые земли с барьерами и без них.

Ключевые слова. Модель, математическая модель, сечение в движении, скорость, расход воды, цифровая технология.

This article discusses a mathematical model for calculating water consumption in order to avoid water losses when receiving water from rivers and canals to irrigated lands with and without barriers.

Keywords. Model, mathematical model, cross-section in motion, speed, water flow, digital technology.

Кириш. Бугунги кунда барча сохаларда рақамли технологияларни қўллаш кенг тадбиқ қилинмоқда. Шундай экан ирригация соҳасида ҳам рақамли технологияларни қўллаш самарали ва жуда қулай усул бўлиб ҳисобланади.

Олиб борилаётган тадқиқот натижаларига кўра дунёнинг ривожланган давлатларида тусиқли ва тўсиқсиз сув олишда рақамли технологияларни қўлланганлиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежаш кенг қўламда амалга оширилаётганлиги аниқланди.

Мана шундай рақамли технологияларни қўллаш учун дарё ва каналлардан сув олишда суғориладиган ерларнинг сув олиш жойлари танлаб олиниб аниқ ўлчовлар асосида сув сарфи учун математик модел тузилади.

Шундай экан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларини 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида кўрсатилган маълумотлар бўйича эскирган сув олиш станцияларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуришда рақамли технологияни жорий этиш учун дастлаб масаланинг математик модел тузилса ва тузилган модел асосида қўйилган масала назарий жиҳатдан ечилиб сўнг амалиётга тадбиқ этилса қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сув сарфининг тежамкорлиги ошадди[1].

Асосий қисм. Бизга маълумки инсоният пайдо бўлгандан бошлаб каналлар, қўллар, дарё сувларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланиб келади.

Ҳозирги вақтда энг долзарб муаммолардан бири сув ресурсларидан тежамли фойдаланишдир. Сувни оқилона ишлатмаслик ёки етишмаслиги кўп ҳолатларда Республикамининг қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришига таъсир кўрсатаёпти. Бу эса ўз навбатида ичимлик суви сифатини пасайтиришга, ерларни яроқсиз бўлиб қолишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Мамлакатимизнинг ҳам суғориладиган ерларига каналлар, қўллар ва дарёлар сувларидан насослар ёрдамида узатилади.

Шунинг учун тўсиқли ва тўсиқсиз сув олиш иншоотларини ташкил этишда махсус мосламлар, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва замонавийлаштириш керак.

Сув олиш иншоотларини қуришда қуриладиган жойни танлаш муҳим аҳамият касб этади. Иншоотнинг умумий жойлашуви унинг иш ша-

роитига ва ўзанда қандай жойлашишига боғлиқ. Сув олиш иншоотини лойиҳалаш, уни қўриш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ўрнини танлаш ва қатор техник – иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун текширув ва қидирув ишларига оид материаллар мавжуд бўлиши керак. Дарёнинг сув турғун ҳолда оқадиган, қирғоқ ва тублари мустақкам, ювилмайдиган, чўкиндила чўкмайдиган участкалари, сув олиш иншоотларини қуриш учун энг қулай жой ҳисобланади. Агар қурилиш учун танланган участка бўш грунтлардан ташкил топган бўлса ва бу сув оқими шу ердан турғун ҳолда эмас, балки ўзгариб оқадиган бўлса, сув оқимини йўналтирувчи дамбалар қурилиб, унинг ювиладиган томонини чидамли материаллар билан мустақкамлаб қўйилиши керак бўлади.

Сув олиш иншоотларини қуриш учун ноқулай жойлар:

1) иншоот қуриладиган жойдан юқорида туб чўкиндила қўзғатиб юборадиган остоналари чўкиндила бой дарё ирмоқлари сув қўйилладиган ер яқин бўлган жойлар;

2) иншоот қуриладиган жойдан пастда ўзан нишаблиги кичик бўладиган жойлар, бу ҳолда унинг чўкиндила оқизиш қобиляти кичик бўлади ва иншоотдан пастдаги участкани чўкиндила босади;


3) ўзаннынг иншоотдан юқори қисмида сув ости музлари ҳосил қиладиган сув тез ва ёйилиб оқадиган жойлар.

Тўғонсиз сув олишда иншоот бундай участкаларнинг паст томонида қурилмаслиги лозим. Тўғонли сув олишда эса бундай участкаларни сувга бостириб юборишга тўғри келади.

Сув олиш иншоотларни дарёнинг тўғри ва эгри участкаларида қуриш мумкин. Бу иншоотлар бош канални зарарли чўкиндила қуришидан сақлаши зарур. Шунинг учун сув олиш иншоотларини қуришда бош каналга чўкиндила қуриладиган жойни танлаш масаласига алоҳида аҳамият берилиши керак.

Сув олиш учун энг қулай жой дарёнинг ботиқ қирғоғи ҳисобланади. Чунки бу ерда ўзанны эгриланиши ҳисобига циркуляция оқимлари ҳосил бўлиб туб чўкиндила қарама - қарши бўлган қавариқ қирғоққа йўналади. Бу ҳодисадан самарали фойдаланиш мақсадида сув олиш иншоотни ўзаннынг ботиқ қирғоғидаги энг чуқур ювиладиган ерида жойлаштириш керак


(расм 1) [4].



1 – расм. Дарёнинг ботик қирғоғида бош сув олувчи иншоот жойлашган жойини танлаш: а) ён томонга сув олишда; б) фронтал сув олишда.

Тўсиқли ва тўсиқсиз сув олиш масласини ечишда жойлар танлаб олинганидан сўнг қурилатган ишоотнинг математик моделини тузиш қаралади. Математик моделлар ўрганилатган жараённинг асосий хусусиятларини ўзида илжи борича тўлароқ, тўқисроқ мужассам қилиши керак. Бу эса уларнинг иложсиз мураккабланишига сабаб бўлади. Бундай математик моделларни ишлатиш, улар асосида лойиҳа кўрсаткичларининг хусусиятларини тасвирловчи ечим олиш ҳам ўз навбатида мураккабланиши. Демак, мутахассис муҳандис олдида бир-бирига зид икки масала кўндаланг бўлади: математик моделлар етарли даражада мураккаб бўлиши керак, лекин бундай моделларни ишлатиш қатор қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Математик моделларни ташкил қилувчи алгебраик, дифференциал, интеграл, интегралдифференциал ва бошқа тенгламаларни ечиш усуллари етарли даражада такомиллашмаган[5].

Қувурдаги сув сарфини математик моделини тузишда сувнинг ҳаракати пайтидаги гидродинамик элементларининг ўзгариш қонунлари эътиборга олинади, бунда сувнинг ҳар хил нуқталарида V тезлик ва P босимларнинг вақт ўтиши билан миқдорлари ҳар хил бўлади[2,3].



2-расм. Қувурнинг кўндаланг кесими.

Бунинг учун кўндаланг кесими доира шаклда бўлган қувурнинг радиуси a ва узунлиги ℓ бўлган ламинар ҳаракатдаги V оқим тезлигини ҳисоблаш формуласи қуйидагича бўлади.

$$V = \frac{P}{4\mu\ell}(a^2 - r^2) \quad (1)$$

бу ерда P -босим, μ -ёпишқоқлик коэффициент, ℓ -трубанинг узунлиги.

Сув оқими сарфини $[0, a]$ интервалда аниқлаш учун оқим тезлигини ҳисоблаш формуласини келтирамиз[6].

$$Q = 2\pi \int_0^a V r dr \quad (2)$$

Қувурда ламинар ҳаракатдаги сувнинг сарфини ҳисоблаш учун (1) формуладаги оқим тезлигини (2) формулага қўямиз.

$$\begin{aligned} Q &= 2\pi \int_0^a V r dr = 2\pi \int_0^a \frac{P}{4\mu\ell}(a^2 - r^2)r dr = \\ &= \frac{2\pi P}{4\mu\ell} \int_0^a (a^2 r - r^3) dr = \frac{\pi P}{2\mu\ell} \left[\int_0^a a^2 r dr - \int_0^a r^3 dr \right] = \\ &= \frac{\pi P}{2\mu\ell} \left[\frac{a^2 r^2}{2} - \frac{r^4}{4} \right]_0^a = \frac{\pi P}{2\mu\ell} \left(\frac{a^4}{2} - \frac{a^4}{4} \right) = \\ &= \frac{\pi P}{2\mu\ell} \cdot \frac{a^4}{4} = \frac{a^4 \pi P}{8\mu\ell}. \end{aligned} \quad (3)$$

Шундай қилиб сув оқимининг ламинар ҳаракати пайтидаги қувурнинг сув сарфини аниқлаш математик модели тузилди. Бу математик модел асосида сув олиш жойларига келтирилган параметрлар бўйича сув сарфини ҳисоблаш мумкин.

Хулоса: дарёлар, каналлар ва қўлларнинг сувларидан суғориладиган ерларга насослар ёрдамида сув олишда қувурдаги сув сарфини йўқолишини олдини олиш мақсадида математик модел тузилди. Тузилган математик модел асосида сув олиш иншоотидаги сув сарфини ҳисоблаб олиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси президентининг фармони. ПФ-6024-сон 10.07.2020. Ўзбекистон республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида
2. Базаров Д. Р., Каримов Р. М., Казбеков Ж. С. Гидравлика асослари. Тошкент 2001 йил.
3. Базаров Д.Р., Артикбекова Ф., Уразмухамедова З., Ахматов Ф. . “Насос станциялари тизимидаги каналларда сув оқимининг ҳаракатини математик моделлаштиришда қўлланиладиган гидродинамик тенгламалар системаси”. №2(16).2019 Journal "Irtigatsiya va melioratsiya".
4. Бакиев М., Мажидов И., Носиров Б., Хўжакулов Р., Раҳматов М. Гидротехника иншоотлари. Электрон варианты. PDF формати.
5. Хўжаёров Б.Х. Қурилиш масалаларини сонли ечиш усуллари. Ўзбекистон наширёти 1995 йил.
6. Демидовича Б.П. Задачи и упражнения по математическому анализу для втузов. Москва 1968 г.
7. Қори-Ниёзий Т.Н. Асосий математик анализ курси. Тошкент 1969 йил.

УЎК 624.012.35+624.012.45.

КОРХОНАЛАРНИНГ ЁНУВЧАН ЧАНГЛАРНИ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ПОРТЛАШ ХАВФИ МАВЖУД БЎЛГАН ХОНА ТОИФАСИНИ АНИҚЛАШ

Нурмаматова Раҳима Раҳмановна – Қарши давлат университети

Ишлаб чиқариш корхоналарида портлаш ва ёнғин хавфини баҳолаш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ёндашувлар аланганинг қуйи чегара концентрацияси (АҚЧК) чангига қўшимча равишда унинг хусусиятларини, масалан, максимал портлаш босими, босимнинг кўтарилиш даражаси, минимал алангаланиш энергияси ва бошқаларни ҳисобга олишни тақазо этади. Мақолада корхоналарнинг ёнувчан чангларни чиқариш билан боғлиқ портлаш хавфи мавжуд бўлган хона тоифасини хорижий давлатлар тажрибаси асосида аниқлаш, яъни, хоналарни «Б» ва «В» тоифаси асосида белгилаш усуллари келтирилган.

Калит сўзлар: Ёнғинга хавfli тоифа, портлашга хавfli тоифа, чанг-ҳаво аралашмаси, аланганинг қуйи чегара концентрацияси - АҚЧК, енгил тикланадиган конструкция – ЕТК.

Подходы в нормативных документах к оценке риска взрыва и пожара на производственных предприятиях требуют учета его свойств, таких как максимальное давление взрыва, скорость повышения давления, минимальная энергия воспламенения и т.д. В дополнение к нижнему пределу концентрации воспламенения пыли (НПКВ). В статье описана методика определения категории взрывоопасных помещений, связанных с выбросом горючей пыли предприятиями на основе опыта зарубежных стран, т.е. обозначение помещений на основании категорий «Б» и «В».

Ключевые слова: Категория пожарной опасности, категория взрывоопасности, ПВС – пылевоздушной смеси, НКПВ–нижнего концентрационного предела воспламенения, ЛСК-легко сбрасываемая конструкции

Approaches in regulatory documents to assess the risk of explosion and fire in industrial plants require consideration of its properties, such as maximum explosion pressure, rate of pressure rise, minimum ignition energy, etc., in addition to the lower limit of the concentration of flame dust. The article describes a methodology for determining the category of explosive rooms associated with the emission of combustible dust by enterprises based on the experience of foreign countries, i.e. designation of premises based on categories "B" and "V".

Key words: Fire hazard category, explosion hazard category, DAM- dust-air mixture, LCFL- lower concentration flammable limit, EDS-easily dumped structures.

Кириш. Ҳар қандай газсимон модда, умуман ёнувчи газлар ва буғларнинг ёнғинга ҳамда портлашга хавфлилиги [2; 11-б.] уларнинг алангаланиш чегаралари, ёниш ҳарорати [1; 18-б.] ва аланганинг тарқалиш тезлиги билан белгиланади.

Газнинг ҳаво билан аралашиб ёниши аралашма ҳосил бўлгандагина вужудга келади. Шунинг учун ҳам аралашмаларнинг алангаланиш чегаралари қуйи ва юқори чегаралар сифатида белгиланади. Бунда, қуйи чегара деб газнинг минимал миқдори аланга ҳосил қилган ҳолати тушунилади ва мана шу чегара саноат корхонасининг ёнғинга ва портлашга хавфли тоифасини белгиловчи омил ҳисобланади.

Асосий қисм. Ҳавонинг газ билан аралашмаси, ёниш учун етарли миқдорда йиғилган бўлса, у маълум ҳароратгача қиздирилганда алангаланиб кетади, мана шу ҳарорат ёниш ҳарорати деб аталади. Бу ҳарорат ёнувчи аралашма ҳолати ва бошқа омиллар таъсирида жуда катта диапазонни ташкил қилиши мумкин ($450\div 2000^{\circ}\text{C}$). Ёнувчи аралашма ёнаётган вақтида алангани тарқалиш тезлиги аниқланади. Бунда ёнаётган ҳудудга ўтиш тезлиги маълум юзадаги ёнувчи аралашма маълум вақт бирлигида ёниб, туташ ҳудудга ўтиши белгиланади.

Кўпгина газлар аралашмаларининг ёниш тезлиги, аралашмалар миқдорига ва газнинг хусусиятига боғлиқ бўлади [11; 105-107-б.]. Газларнинг ёниш тезлиги асосан 0,3-0,8 m/s ни ташкил қилади. Бундан водород билан асетилен гази мустасно бўлиб, уларнинг ёниш тезлиги

2,76 ва 1,56 m/s дан иборат [12; 106-б].

Аланганинг нормал тарқалиш тезлиги газлардаги физик-кимёвий хусусият[8; 214-б.] бўлиб, маълум ўзгармас миқдор сифатида белгиланади, чунки бу тезликнинг ниҳоятда ортиб кетиши портлашни белгиловчи омил ҳисобланади. Ёнишнинг тез кечиши портлаш дейилади. Ёниш қанча қисқа муддатда амалга ошса, портлаш кучи шунча катта бўлади. Суюқликларда ёниш фақат унинг газсимон (яъни буғга айланган) фазасида бўлади [10; 145-146-б.]. Буғга айланиш жараёни ва тезлиги суюқликнинг физик ва кимёвий хусусиятларига боғлиқ. Шунингдек, буғга айланиш жараёни ташки муҳит ҳароратига ҳам боғлиқ бўлади.

Ёнувчан чангларни чиқариш билан боғлиқ хона тоифалари [2; 29-35-б.] Санитария меъёрий қоидалари билан белгиланади. «Б» портловчи ёнувчан тоифаси хавfli ишлаб чиқаришни ўз ичига олади, унда чангнинг $65\text{ g}\cdot\text{m}^{-3}$ ва ундан паст бўлган концентрацион чегараси билан чиқарилади [5; 44-45-б.], бу хонанинг эркин ҳажмидан 5% га тенг бўлган чангнинг маҳаллий ҳажмда чангсиз ҳаво аралашмасини ҳосил қилади.

Агар чанг маълум миқдорда чанг-ҳаво аралашмаси -ЧХАни яратиш учун етарли бўлмаса ёки унинг аланганинг қуйи чегара концентрацияси – АҚЧК $65\text{ g}\cdot\text{m}^{-3}$ дан ортиқ бўлса, унда ишлаб чиқариш «В» тоифасига киради. Портловчи аралашманинг ҳажми [7; 5-б.] қуйидаги формула билан белгиланади.

$$V = K_{ЗАП} \frac{G}{C_{НКПВ}} \quad (1)$$

бунда, V – АҚЧК ҳаво аралашмаси ҳажми, m^3 ; $K_{ЗАП}$ – 1,5 га тенг бўлган ортикча коэффициент; G – хонада тўпланган ва чанг-ҳаво аралашмаси -ЧХАни яратишда иштирок эта оладиган чанг миқдори, g .

Тавсиялар...[6; 27-33-б] ишлаб чиқариш хона тоифаси фақат аланганинг куйи чегара концентрацияси – АҚЧК чангига асосланган ҳолда аниқланиши керак эди. Агар ишлаб чиқаришда чанг чиқиши АҚЧК $65 g \cdot m^{-3}$ ёки ундан кам бўлса, бу ишлаб чиқариш портловчи хавфли «Б» тоифасига киритилиши керак бўлади.

Ушбу «Тавсиялар...»нинг таклифларидан кейин тегишли соҳа вакиллари [2;12-б.] саноатда хавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқди, унда ёнувчан чангларни ажратиш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни тоифаларга ажратиш учун бундай ёндашув амалга оширилди.

Бу усулда [4; 324-б.] максимал ҳажмда портловчи чанг-ҳаво аралашмаси – ЧХА ҳажми куйидаги формула билан белгиланиши таклиф этилади:

$$V = \frac{K_{II} \cdot G_{AB} \cdot (1 - \alpha) \cdot \beta \cdot K_{ЗАП}}{C_{НКПВ}} \quad (2)$$

Бунда V , $K_{ЗАП}$ – (1) формула билан бир хил; α – маҳаллий суриш коэффициенти; G_{AB} – бахтсиз ҳодисалар пайтида технологик ускунадан хонага эркин чиқадиган чанг миқдори, $g \cdot s^{-1}$; β – бир соат давомида эркин чанг чиқиш даврлари сони.

Агар чанг-ҳаво аралашмаси –ЧХА ҳажми V хонанинг эркин ҳажмининг 5 фоизидан ошса, ишлаб чиқариш хонаси портлашга хавфли «Б» тоифасига киради.

Техникада [4; 324-б.] аналог ва формуладан фойдаланилади, фақат фарқ шундаки, $K_{ЗАП}$ коэффициентининг қиймати 10 га тенг бўлиши ва шамоллатиш ҳавосининг 1 нисбат ҳавосини ҳисобга олган ҳолда, бирликка тенг бўлган коэффициент киритилади.

Юқорида санаб ўтилганлардан фарқли ўлароқ, [3; 12-б.] хонада тўпланиши мумкин бўлган максимал миқдордаги чангни ҳисоблаш учун асос бўлувчи ушбу усулдан фойдаланиш-ни тавсия этадилар.

$$G_{max} = \frac{(1 - (1 - K_{УВ})^n) K_1 \cdot K_2 \cdot K_3}{K_{УВ}} \sum G_{СМ} \quad (3)$$

бунда $K_{УВ}$ – чанг йиғиш самарадорлиги коэффициенти (қуруқ тозалаш учун 0,6; нам тозалаш учун - 0,7; мобил чанг йиғиш воситаларини тозалаш учун - 0,8); n – тозалашишлари ўртасидаги сармоя алмашинувлар сони (капитал тозалаш ишлари давомида барча чанг бинодан олиб ташланади); $\sum G_{СМ}$ – жорий тозалаш ишлари орасидаги даврда хонада тўпланган чангнинг умумий миқдори, g ; $K_1 \cdot K_{12} \cdot K_3$ – унинг массаси бўйлаб портловчи чанг улушини

ҳисобга олган ҳолда коэффициентлар, чангнинг тезлигини ўлчашда ускунанинг юкланиш даражаси ва чанг чиқаришни аниқлаш усули.

Тадқиқотчилар чангларни ёнувчи ва портловчи моддаларга ажратишнинг этарли эмаслигини аланганинг куйи чегара концентрацияси – АҚЧК асосида қайд этадилар. АҚЧК чангдан ташқари максимал $(dP/dt)_{max}$ қийматидан фойдаланиш тавсия этилади [8; 214-б.]. Белгиланган таснифлаш параметрларини қўллаш орқали улар чангни портлаш хавфи билан тақсимлашни таклиф қилишади (1-жадвалга қаранг). Чанг гуруҳининг I гуруҳини аниқлаш учун фақат $65 g \cdot m^{-3}$ дан кам ёки тенг бўлиши керак бўлган АҚЧК ни аниқлаш кифоя [8; 214-б.]. Бу ҳолат $C_{НКПВ} = 65 g \cdot m^{-3}$ билан барча чангларни кўрсатадиган тадқиқот маълумотлари билан асосланади, юқори қийматлар P_{max} ва $(dP/dt)_{max}$

Юқорида келтирилган чанг таснифига кўра, 1-жадвалдаги ишлаб чиқариш таснифи таклиф қилинади.

1-жадвал.

Чангнинг ёниш ва портлаш хавфи таснифи

Гуруҳи	Чанг хусусияти	Таснифлаш параметрларининг қиймати	
		$C_{НКПВ} = 65 g \cdot m^{-3}, (dP/dt)_{max}, MPa \cdot s^{-1}$	
I	Энг кўп	≤ 65	Белгиланмаган
II	Портлаш хавфи	> 65	> 2
III	Ёнғин хавфи	> 65	≥ 2

II гуруҳ чанглари, «Б» тоифасига тегишли бўлиб, агар чанг ҳосил бўладиган қурилма билан қопланган бўлса, хонанинг умумий ҳажмининг 10% дан кўпроғи, ушбу ҳудудда шовқин оқими камроқ бўлса, чангни ва унинг портлашини олдини олиш ва ёнғинни тарқалмаслиги учун самарали чоралар кўриш керак бўлади. Хонанинг қолган қисми чангнинг бу хусусиятларига кўра аниқланмайди.

Чанг хавфини тавсифловчи иккита параметрдан фойдаланиш, шубҳасиз, тоифани баҳолашга катта қатъийлик беради. Бирок, портловчи ва ёнғинга қарши чангни ажратувчи чегара қиймати сифатида $2 MPa \cdot s^{-1}$ га тенг бўлган максимал босим тезлиги танланган. Бундан ташқари, чанг ҳосил бўлган хонанинг умумий ҳажмининг 10% миқдори қабул қилинганлиги аниқ эмас.

Н.А.Стрелчуканинг илмий тадқиқотида [7; 356-б.] иш хонасида рухсат этилган ортикча босимнинг катталигига ва чанг портлашининг максимал босимига қараб, хавфли маҳаллий ҳаво аралашмасига ЧХА ҳажми $V_{ЛОК}$ миқдорини аниқлашга имкон берувчи боғлиқлик мавжуд.

$$V_{ЛОК} = \frac{P_{ДОП}}{P_{ЗИ}} V_{СВ} \quad (4)$$

Юқоридаги боғлиқликни қўллаш хавфли

маҳаллий ЧХА ҳажмини аниқлашда турлича ёндашишга имкон беради.

Муаллиф [2; 14-б.] томонидан ЧХА ҳажмини ҳисоблашда энг кўп портловчи чанг $65-100 \text{ g}\cdot\text{m}^{-3}$ оралиғида, ҳаво суспензияларининг ҳисобланган концентрациясини [2; 14-б.] энг портлашга хавфли чанг учун АҚЧК да $2-20 \text{ g}\cdot\text{m}^{-3}$, 5 баробар паст чегарада, лекин $65 \text{ g}\cdot\text{m}^{-3}$ дан кам бўлмаган миқдорда олиш тавсия этилади ва дам олиш кунлари - пастки чегарадан $1,5-2,0$ кўп қийматлари ҳисобланади. Хонада тўпланган ва чангли ҳаво аралашмасини яратишда иштирок этадиган чанг миқдорини аниқлаш қийин бўлганлиги сабабли, муаллиф [3; 27-б.] фақат АҚЧК қиймати билан ишлайди.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг портлаши ва ёнғин хавфини баҳолаш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ишлаб чиқиладиган ёндашув АҚЧК чангига қўшимча равишда унинг хусусиятларини, масалан, максимал портлаш босими, босимнинг кўтарилиш даражаси, минимал алангаланиш энергиясини ва бошқаларни ҳисобга олишга асосланган.

Юқоридаги шарҳдан кўриниб турибдики, барча маҳаллий меъёрий ҳужжатлар саноатни шартли равишда портлаш ва ёнғинга хавфли ҳамда ёнғин хавфли қисмларга ажратиш, чанг учун стандарт АҚЧК асосида, $65 \text{ g}\cdot\text{m}^{-3}$ га тенг ва барча чанглар учун бир хил, хавфли маҳаллий ҳажмнинг қиймати 5% га тенг бўлган барча чанглар учун ягона ҳисобланади. Ишлаб чиқаришдаги портлаш хавфини баҳолаш учун бу ёндашув объектив кўриб чиқиши мумкин эмас. Ушбу ишда биз хонада чанг чиқиши ва чанг тўпланиши каби омилларнинг пайдо бўлиши, портловчи ЧХА портлаши ва ёнғин хавфи, хона ҳажмига чанг маҳсулотининг тасодифий чиқиши, ўрнатилган чангнинг ҳавода вазнсизлик ва шаклланиш ҳолатига ўтишининг таъсирини ўрганиб чиқдик. Хавфли маҳаллий ҳажмнинг портлаш ва ёнғин хавфини баҳолашда ҳажмини аниқлаш мавжуд бўлган боғланиш асосида турли ёндошишга уриниш орқали амалга ошади.

Назарий ва тажриба тадқиқотлари давомида ҳар томонлама иш олиб боришнинг зарур йўналишлари ишлаб чиқаришларнинг портлаш хавфига таъсир килувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, чанг ажралиши аниқланди. Шундай қилиб, АҚЧК таъсирини ўрганиш керак (эҳтимол у билан ҳозирги вақтга қараганда тор интерваллар билан) максимал портлаш босими ва унинг ўсиш тезлиги, минимал алангаланиш энергияси ва бошқа чанг хавфи бўлган ҳолатлар ўрганилди.

Ўрганишлар асосида енгил тикланадиган конструкция-ЕТК (ЛСК-легко сбрасываемая конструкции) майдонини ҳисоблаш ишлаб чиқаришнинг чанг чиқиндилари портлаш хавфи тоифасини аниқлашга комплекс ёндашув учун тузатишлар киритишга имкон беради.

Хулоса. Ривожланган мамлакатларда ҳозирги кунда ҳеч қандай тоифалашни фақат ўзи амалга оширилмайди, балки, шу билан бир вақтда, портлаш ва ёнғин хавфи бўлган саноатда осонгина кўчиб ўтиладиган чанг чиқиндилари учун жойни лойиҳалашга алоҳида тавсиялар, саноат бинолари учун дизайнлар мавжуд. Масалан, АҚШда портлаш хавфи даражасига қараб, чанглар, газлар ва суюқликлар [9; 29-б.] учун ЕТКнинг керакли майдони ўрнатилган.

Польша Халқ Республикасида биноларнинг портлаш хавфини баҳолаш ёки портловчи чангнинг ҳозирги кунда АҚЧК нинг ўтиш қиймати [3; 5-б.] ишлатилади. Шу билан бирга, Варшава Политехника Институтининг бир гуруҳ ходимларининг иссиқлик технологияси соҳасидаги илмий изланишлари натижасида, портловчи чанг аралашмалари бир қатор физик-кимёвий кўрсаткичлар: АҚЧК, минимал алангаланиш энергияси, максимал портлаш босими, минимал портловчи дозаси ва ҳарорат таъсирида ўз-ўзидан ёниши аниқланди. Концепция остида хонадаги бундай миқдордаги чанг (ўртача эмас, портлашига олиб келадиган концентрация) мумкин бўлган босимнинг ошиши рухсат этилган босимдан юқори босим деб тушунилади.

Хона бўйлаб чанг тарқалиш тақсимотининг ягона турини тасаввур қилиш қийин. Аксинча, оз миқдорда бўлиши мумкин АҚЧК дан юқори ва контактда маҳаллий чанг концентрацияси ҳосил қилинса алангаланиш манбаи билан портлаш содир бўлади. Бу чангнинг ўртача концентрацияси барча ажратилган шовқинли чанг булути АҚЧК дан 4-6 марта кам, лекин бу босимнинг бир хил ўсишига олиб келади.

Польшада бу жараён асосан Россияда ишлаб чиқилган ёндашувга ўхшаш [9; 29-б.] бўлиб, ЧХА(ПВС)нинг маҳаллий ҳажми умумий миқдорнинг 15-25% га тенг бўлган хоналар хавфли деб ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. ГОСТ 12.004-91 Межгосударственный стандарт. ССБТ «Пожарная безопасность» -2006 г.
2. ГОСТ 12.1.010-76 Межгосударственный стандарт. ССБТ «Взрывобезопасность» -2003 г.
3. ГОСТ 12.0.001-82 Межгосударственный стандарт. ССБТ «Основные положения» -2002 г.
4. Галлерин А. Метод конечных элементов. Основы. М. Мир, 2001. -324 с.
5. Голенев А.Н., Селина Н.Н., Юлдашев О.Р., Исследование пожароопасных свойств пыли вискозного волокна. М., Химия, Химические волокна. 1989. с.44-45.
6. Голенев А.Н., Самородов В.Г. Пылевой режим производственных помещений, связанных с обращением горючих пылей. М.Сб. трудов МИСИ «Взрывобезопасность в строительстве». 2001. с.27-33.
7. Клюев В.В., Пархоменко П.П., Абрамчук В.Е., и др. Технические средства и диагностика. Справочник. М. Машиностроение, 2001. -671с.

8. Корольченко А.Я. Пожаровзрывоопасность промышленной пыли. Химия. М., 2008. -214 с.
9. ОНТИ 24-86. Определение категорий помещений и зданий по взрывопожарной и пожарной опасности.
10. Пушенко С.Л. Оценка взрывопожароопасности производств, связанных с выделением горючих

пыли. Дисс. канд. техн. наук. М.1982. -199 с.

11. Нурмаматова Р.Р. Система пожарной безопасности нефти и газовой промышленности. Вестник Туринского Политехнического университета в городе Ташкенте. Выпуск 4/2019. 105-107 ст.

12. Вебсайтлар: www.lex.uz; www.ziynet.uz; www.norma.uz. https:// yandex.ru

УДК 624.131.1

ОСОБЕННОСТИ ГЕОЛОГИЧЕСКОГО СТРОЕНИЯ МАЛЬГУЗАРСКИХ ГОР

Абдуллаев Аброр Хушмуротович, Ташкентский Государственный транспортный университет
Кутлиев Элшод Хайдарович, Ведущий геолог ГУП «Регионалгеология»
Жураев Нидиржон Нуркулиевич, начальник геологического отдела ГУП «Регионалгеология»

В настоящее время резерв легко открываемых месторождений Западного Узбекистана, в том числе, в пределах Мальгузарских гор практически исчерпан. В связи с этим, на основе анализа результатов предыдущих исследований, в статье обосновывается необходимость продолжение работ по комплексному изучению территорий на вывешение новых месторождений золота.

Ключевые слова: золото, оруденение, перспективная площадь, золоторудная провинция, рудное поле, прогноз, поиск.

Hozirgi vaqtda G'arbiy O'zbekistonda, shu jumladan Malguzar tog'laridagi engil ochiladigan topilgan konlarning zahirasi deyarli tugagan. Shu munosabat bilan, avvalgi tadqiqotlar natijalarini tahlil qilish asosida maqolada yangi oltin konlarini o'zlashtirish uchun hududlarni kompleks o'rganish bo'yicha ishlarni davom ettirish zarurligi asoslanayapdi.

Калит сўзлар: oltin, mineralizatsiya, istiqbolli maydon, oltin rudasi viloyati, ruda koni, bashorat qilish, qidirish.

Currently, the reserve of easily discovered deposits in Western Uzbekistan, including within the Malguzar Mountains, is almost exhausted. In this regard, based on the analysis of the results of previous studies, the article justifies the need to continue work on a comprehensive study of the territories for the extraction of new gold deposits.

Keywords: gold, mineralization, is a promising area, gold province, ore field, prediction, and search.

Введение. Узбекистан обладает высоким ресурсным потенциалом на многие полезные ископаемые и, прежде всего, на золото. Изучению геохимии, минерального состава, закономерностей образования и размещения золоторудных месторождений, посвящены многочисленные исследования и опубликованные работы. Большой вклад в развитии рудной геологии и металлогении в Узбекистана внесли Х.М.Абдуллаев, И.Х.Хамрабаев, К.Л.Бабаев, Ф.А.Усманов, В.П.Федорчук, Х.А.Акбаров, С.Т.Бадалов, В.Г.Гарьковец, И.М.Голованов, Т.Н.Далимов, Х.Р.Рахматуллаев, Х.М.Туляганов, Т.Ш.Шаякубов и многие др. В геохимических и минералогических исследованиях особое внимание уделялось особенностям проявления химических элементов, их связей и ассоциаций, минеральных видов, последовательности их образования, определению закономерностей развития минеральных ассоциаций и т.д.

При решении проблем геологии, прогнозирования и поиска месторождений золота в пределах Мальгузарских гор в своё время участвовали Н.Д. Зеленко, И.И. Санников К.В. Сайуков, Н.М. Махно, Х.В. Рыскина, Г.Ю.Алферов, М.М. Посхова, А.М. Мамуров и др. Поисково-разведочные работы был проведены П.В. Цыбышевой, В.С. Бадаевым, гидрогеологические исследования М.М. Толостохиной, А.Н. Ветровой, Х.Г. Тулагановой, Г.Д. Ан-

тоновой, Т.Ф. Касымходжаевой, а, Д.А. Алмурадовой и т.д.

В разные годы геофизические и геохимические исследования осуществляли Н.А. Чембарисов, Р. Казиев (1959-1960), М.М Шагаев Н.Г. Дегтярев, И. Е. Гамалеев, И.Г. Келнер, Г.А. Иванов Л.И.Иванов, М.Т. Султамуратов, В.А. Андреев, Л.Н. Котляревский, И.Г. Кремнев и др.

В процессе геолого-съёмочных работ составлена сводная геологическая карта гор Мальгузар масштаба 1:200000, разработана схема расчленения палеозойских и мезо-кайнозойских образований, составлена схематическая тектоническая карта масштаба 1:500000, карта полезных ископаемых площади. (1)

Несмотря на большой объем проведенных геолого-разведочных работ структурно-вещественные комплексы гор Мальгузар с наличием собственно золотосодержащих проявлений до настоящего времени еще недостаточно изучены. В целях существенного ускорения геолого-разведочных работ и повышения их эффективности составлена перспективная программа комплексного геологического изучения Самаркандского горнорудного региона. Среди приоритетных направлений этой программы является последовательное проведение ГДП-50 (в "обнаженной" горной части) и ГГК-100 (на "за-

крытой” прилегающей равнинной территории) с целенаправленными работами на Марджанбулакском месторождении золотых руд и на первоочередных рудно-перспективных площадях (Заргарсай, Узунбулакская, Бахмальская, Кудукчинская и др.). Для этой территории в 1984 г. Посохова М.М. и др. рекомендовали провести геологическое доизучение Центральной и северо-восточной частей региона с глубинным геологическим картированием закрытых территорий в связи с тем, что нет надежной геологической основы для проведения эффективных поисково-оценочных работ. Однако, в настоящее время существующие геологические карты Табачкова В.А., Посоховой М.М., Мамурова А.М. и др. устарели.

Основная часть. Расположение Мальгузарских гор в зоне сочленения Уральских и Тянь-Шаньских структур, его необычно сложное геологическое строение, широкий комплекс полезных ископаемых издавна привлекали к себе внимание исследователей. За более чем тридцатилетний период систематического изучения в Мальгузаре проведен большой и разнообразный комплекс исследований, благодаря которым выявлены проявления золота, марганца, медь, фосфора и др. (свыше 40 проявлений и точек), из которых эксплуатируются промышленностью только проявления строительных материалов.

В геологической карте масштаба 1:50000, составленной И.Г. Ташпулатовым, С.А. Лутфуллаевым и др., даны фаунистические и литологические характеристики отложения ленского и амгинского ярусов. «Немые» черносланцевые породы, датированные ранее ландоверийским и венлокским ярусами [1], были подразделены на свиты – известняково-сланцевую S_1ln^a известняково-сланцевую S_1ln^b аргиллитосланцевую – S_1ln^b алевролитовую S_1w^b песчано-аргиллитовую с гравелитами – S_1w^a . Возраст перечисленных свит - ландоверийский и венлокский ярусы нижнего силура [2].

В.А. Табачков среди «немых» черносланцевых осадочных пород северном склоне гор Мальгузар выделил 5 свит и отнес их условно к нижнесилурийским отложениям: раватская песчано-карбонатная свита S_1ln_1rw учкизлярская известняково-сланцевая – $S_1ln_1^1-S_1ln_2^1uk$; папалаксайская известняково-сланцевая – S_1ln_2pl узунбулакская песчано-алевролитовая – S_1ln_3ub ; песчано-гравелитовая – S_1w_1 . [3]

В песчано-алевролитовой толще М.М. Посоховой охарактеризованы две «немые» свиты, отнесенные условно к нижнесилурийским образованиям: Песчано-алевролитовая – $S_1ln_3^{2a}$ и песчано-алевролитовая – $S_1ln_3^3w_1$.

«Немые» свиты, занимающие большую часть площади, за исключением нижнеордовикских, выделенных М.М. Посоховой и др. (1974-1984), фаунистическую обоснованность

не получили и приданные им возраста остались недоказанными.

Черносланцевые метаморфические отложения, развитые в бассейне руч. Кошкасу, из алдая условно переведены в тремодок, а известняково-сланцевые породы северного склона гор Мальгузар частично в силурийские и кембрийско-ордовикские отложения. По последним данным Г.С. Поршнякова, Г.С. Быске и др, известняково-сланцевые отложения отнесены: а) южной части к арглинской серии отложений, датированной кембрийско-ордовикским возрастом; б) северной части – к среднему кембрию-ордовику, к объединенным исивачисайской и каракушской свитам.

Все песчано-алевролитосланцевые образования на юге площади отнесены к нижнему силуру, а на севере - к нижнему-среднему кембрию или к колтадаванской свите. К наиболее древним вендским образованиям они относят кремнисто-доломитовые породы, слагающие Тамерлановы ворота, и гряды, обнажающуюся по Кужанишсаю.

А.К.Бухариным при доизучении домезозойских образований Кызылкумов и Нуратау отложения, отнесенные М.М. Посоховой к аренгскому ярусу, разделены на 4 толщи: алевролитопесчаниковые O_{1-2} ; алевролитопесчаниковые O_{2-3} ; песчано-алевролитовые O_3-S_1 ; алевролитово-известняково-сланцевые O_3-S [1].

В 1993 г И.А.Кимом и др. проведена работа по расчленению и корреляции карбонатных отложений среднего палеозоя в пределах хребтов Северный и Южный Нуратау и Мальгузарских гор. В результате этих работ уточнен литологический состав саятской свиты эмского яруса, определен возраст карбонатно-кремнистых образований г. Егарбелытау в объеме визейского века. Карбонатные отложения г. Мальгузар расчленены на три типа отложений: каракиинский тип с кудукской толщей (D_1), тешикдаринской свитой (D_{1-2}) и каракиинской толщей (C_{1-2}), курпинский тип с уабской (D_{1-2}) и олтаузской (C_{1-2}) свитами; Тайланский тип расчленен на два подтипа; I подтип включает барасскую и пшагарскую толщи (C_{1-2}) и II подтип в составе тайланской свиты (C_{2M}).

К 1978-1997 г. для западной части Туркестанского хребта и гор Мальгузар, восточного окончания хр. Северный Нуратау, по данным геологической съемки м-ба 1:50000 и ряда тематических работ, было выделено 80 свит и толщ, датируемых большей частью, условно от рифея до позднего палеозоя.

Согласно «Стратиграфическому словарю Узбекистана» 2001, в разделе по суялташской свите по З.М.Абдуазимовой приведены следующие данные: свита выделена Р.Р.Усмановым и др. 1984 в хр. Суялташ на южном склоне Северного Нуратау и отнесена к протерозою Корсаков и др. 1993. Свита протягивается преры-

вистой полосой от хр. Суялташ на западе через гряду «Тамерлановы ворота», на восток в бассейне р. Заамин. Представлена массивными мощностью свиты 100-140 м, возраст по поздне-рифейским органическим остаткам (акритархи, коккоидные и микрофоссилии, микрофитолиты и др), нижний контакт не известен, верхний – по разлому с кембро-силурийскими отложениями.

В 1997 г. разрез суялташской свиты в хр. Итарка западное окончание Мальгузара изучался сотрудниками ИМР К.А.Кешишян и А.Д.Гончар. Ими сделаны вывод о широком развитии крупных органогенных построек, морфологически представленных округлыми формами, выступающими отчетливо и в современном рельефе.

Суялташская свита изучалась А.Д.Гончаром и Н.В.Александровой в 1997 г. в бассейне сая Шамол. И в этом разрезе было установлено наличие метасоматических кремней.

6. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Loyiha boshqaruvi milliy agentligi, O'zbekiston Respublikasi Uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish vazirligining loyiha doirasida asoslangan takliflarini hisobga olgan holda xom-ashyo materiallar, ehtiyot qismlar, butlovchi buyumlar va uskunalar tanlab olish, hamda sotib olish yo'llarini amalga oshirish tartibini, shuningdek maxsus qurilish-montaj ishlarini bajarish uchun subpudrat tashkilotlarini tanlab olish tartibini belgilash.

7. O'zbekiston Respublikasi Uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish vazirligi O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar bo'yicha davlat qo'mitasi, Iqtisodiyot vazirligi va Moliya vazirligi bilan bir-

galikda qurilish-montaj ishlarini bajarishda moliyalashtirish uchun loyihani amalga oshirish doirasida markazlashtirilgan manba-lar hisobidan, loyihani har yili shakllantiriladigan O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish davlat dasturlariga belgilangan tartibda kiritish ishlari qonun doirasida mustahkamlanib qo'yildi. Shu qaror asosida Jizzax viloyat hokimligi topshiriqlari bilan loyiha ishlari jadal sur'atlarda bajarilmoqda. 2018-2021-yillarda 477 mlrd. so'm Respublika byudjeti mablag'lari xisobidan viloyatning Jizzax shahri va Baxmal, G'allaorol, Sharof Rashidov, Paxtakor, Do'stlik, Mirzacho'l tumanlaridagi 65 ta qishloq aholi punktlari markazlashgan ichimlik suvi bilan ta'minlash maqsadida quvvati sutkasiga 100 ming m³ bo'lgan "Uzunbuloq" suv tozalash inshootlarini qurish, 13 ta suv taqsimlash inshootlarini rekonstruksiya qilish, 182 km bo'lgan o'zi oquvchi magistral ichimlik suvi quvurlarini qurish ishlari bajarilmoqda. 2019-yilda amalga oshiriladigan yirik loyihalar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-noyabrda PQ-4040 sonli qarori ijrosi o'laroq, 2019-yilda Jizzax viloyatida 6 ta yirik loyihadagi umumiy qiymati 60,3 mlrd. so'mlik ichimlik va oqava suvi ob'ektlarida qurilish-ta'mirlash ishlarini olib borish rejalashtirilgan. Quyida ushbu loyiha bo'yicha tasdiqlangan Zarafshon daryosidan Jizzax viloyati zonalariga ichimlik suvi yetkazib berish tarmog'i tavsiflarini keltiramiz.



2-rasm. Zarafshon daryosidan Jizzax viloyatidagi loyihalashtirilayotgan zonalarga toza ichimlik suvi yetkazib berish sxemasi

Mavjud muammolar: -

- Suv olish va tozalash inshootlaridagi qurilmalarning eskirganligi;
- Yangi qurilishlar va aholi sonining tez sur'atlar bilan oshib borishi;
- Zararsizlantiruvchi uskunalar ning mavjud emasligi;

- Suv o'tkazish quvurlarining eskirganligi;
 - Nasos stansiyalari quvvati ning pastligi;
 - Jizzax viloyatida ichimlik suvi tanqisligi;
- Muammolarning echimlari: -**
- Jizzax viloyati aholisini markazlashgan ichimlik suvi bilan ta'minlash chora - tadbirlarini ishlab chiqish;

- Zarafshon daryosi suvidan foydalanish xisobiga Jizzax viloyatining ichimlik suvi ta'minoti tizimini yaxshilash" loyihasini 2018 - 2021 yillarda amalga oshirish.


- 2019-2021 yillarda "Jizzax" suv taqsimlash uzeli va 146 km magistral suv quvurlarini qurish.

Qurilishni moliyalashtirish: -

16 km magistral suv quvurlari qurilishi O'zbekiston Respublikasi byudjetining qo'shimcha daromadlari kapital mablag'lari limiti hisobidan. Suv olish inshooti, suv tozalash inshooti stansiyasi, 146 km magistral suv quvurlari, Jizzax suvni taqsimlash uzeli qurilishi markazlashtirilgan manbalarning kapital mablag'lari limiti xisobidan. Jami bo'lib joriy yilda loyihani amalga oshirish uchun 160 mlrd. so'm mablag' ajratilgan.

Loyiha quvvati: -

- Umumiy suv uzatish quvvati – 1157 l/s
- Nasos stansiyalari soni – 2 ta.
- Magistral quvur diametri – 1000 mm.
- Tarmoq soni – 2 ta
- Suv tozalash inshooti quvvati – 100 000 m³/sutka.
- Magistral quvurlar suv uzatish quvvati - 70 000 m³/sutka.
- Suv tozalash stansiyasi dengiz sathidan balandligi – 950 m.



3-rasm. Loyihalashtirilayotgan zonalarga ichimlik suvi yetkazib berish moqlari.

Magistral quvurning oxirgi nuqtasi (Gagarin sh.) dengiz sathidan balandligi-265 m.

Yaqin kelajakda ushbu loyihalar amalga oshirilsa Jizzax viloyatida ichimlik suvi muammolari


bir qadar kamayadi va ma'lum darajada hal bo'ladi. Jizzax viloyatida toza ichimlik suvi va uning tejamkorligini ta'minlash samaradorligini oshirish maqsadida Jizzax viloyati "Suvoqava" ishlab chiqarish davlat korxonasi ishini yaxshilash va inshootlar samaradorligini oshirish uchun quyidagi takliflar berildi:

- Jizzax viloyatida suv resurslaridan samarali foydalanishni yaxshilash bo'yicha chet el investitsiyalarini kiritilish darajasini oshirish;

- Jizzax shahrini ichimlik suvi bilan ta'minlash bo'yicha, hududiy dastur va yangi loyihalar ishlab chiqish.

- Qarorda ko'rsatilgan ajratilgan mablag'larni halol o'zlashtirish va loyihalarni o'z muddatida ma'suliyatli tarzda bajarish ishlari mualliflar tomonidan taklif tariqasida kiritildi.

Jamiyatning barqaror rivojlanishi uchun asosiy maqsad konsepsiyasi sifatida moddiy va ma'naviy boyliklarning mavjud bo'lgan manbalaridan samarali va oqilo- na foydalanish kafolatlanishi zarur. Agarda O'zbekiston va Markaziy Osiyo hududida ushbu masalaga e'tibor qaratilmasa yanada og'irroq oqibatlar olib kelishi mumkin. Bunday mutanosiblikni saqlash uchun barcha mas'ul tashkilotlar va iste'molchilar, barqaror rivojlanish tamoyillarining aniq ko'rsatmalariga amal qilishlari va taklif etilayotgan resurslar va jamiyat barqaror rivojlanishi bog'liqligi gipotezasi aniq tadqiqotlar bilan mustaxkamlanishi zarur. Barqaror rivojlanish tamoyillari misolida Jizzax shahri aholi sonining o'sib borishi va ichimlik suvi iste'moli o'rtasidagi vaziyatlarni quyidagi grafik asosida sharhlab berishga harakat qilamiz [1,2].



4-rasm. Jizzax shahrida suv iste'moliga bo'lgan talabning o'sib borishi va suvdan foydalanish nazorati o'rtasidagi bog'liqlikning o'zgarish grafigi. N – aholi soni oshishi; - 1000 kishi; Q – aholi iste'mol qiladigan suv sarfi; - 1000 m³; F – o'rnatilgan suv o'lchagichlar soni

Grafikda ko'rinib turganidek huddi boshqa rivojlanayotgan shaharlar kabi Jizzax shahrida ham aholi soni yildan-yilga ko'payib bormoqda. Statistik ma'lumotlarga qaraganda joriy yilda Jizzax shahridagi aholi soni o'rtacha 350 ming kishidan ortib bormoqda. 2025-2030 yillarga borib Jizzax shahri aholisi 450-500 ming kishini tashkil etmog'i tayin. Buncha aholini ichimlik suvi bilan ta'minlash uchun yuqorida Prezidentimiz tomonidan tatbiq etilgan qaror va farmonlar so'zsiz ba-

jarilishi shart. Aks holda kelajak 5-10 yil ichida Jizzax shahrida ham toza ichimlik suvi masalasi katta muammolarga aylanishi mumkin. Demak vatanimiz bo'lmish O'zbekistonimizning, Jizzax viloyatining, qolaversa Jizzax shaxrining kelajakda gullab-yashnashi, aholining sog'lom turmush tarzi kechirishi, farzandlarimizning kamoloti, siz bilan biz va ayniqsa " Suv ta'minoti" mutahassislari zimmasida turibdi.

Adabiyotlar:

1. Гадаев А.Н., Кутлимуродов У.М. "Ўзбекистон шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни барқарорлаштириш". Меъморчилик ва Қурилиш муаммолари илмий-техник журнали №4. СамДАҚИ - 2018 й. 81-84 б.

2. Qutlimurodov U.M. "Jizzax viloyatida toza ichimlik suvi va uning tejamkorligini ta'minlash samaradorligini oshirish". Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Самарқанд - 2020 й. 266-270 б.

3. Такабоев К.У., Мусаев Ш.М., Хожиматова М.М. (2019). Загрязнение атмосферы вредными веществами и мероприятия их сокращение. Экология: вчера, сегодня, завтра, 450-455.

4. Мусаев Ш. М., & Саттаров, А. (2019). Умягчение состав воды с помощью реагентов. Ме'morchilik va qurilish muammolari, 23.

5. Махмудова Д.Э., & Мусаев, Ш.М. (2020). Воздействие промышленных загрязнителей на окружающую среду. Академическая публицистика, (12), 76-83.

6. Sultonov A. O. 2020. "The Use of Modern Automated Information Systems as the Most Important Mechanism for the Use of Water Resources in the Region." Test Engineering and Management 83 (March). Mattingley Publishing: 1897-1901.

7. Тошматов, Н.У., Мансурова, Ш.П. (2019). Возможность использование сточных вод заводов по переработки плодоовощных продуктов для орошения сельскохозяйственных полей. Ме'morchilik va qurilish muammolari, 44.

8. Усмонкулов А., Ташматов Н.У., Мансурова М.Ш. Некоторые аспекты автоматического регулирования теплового режима многоэтажных зданий, оборудованных системой вытяжной вентиляции помещения // Science and Education. 2020. №8.

9. Sultonov A. O. (2020). Problems of optimal use of water resources for crop irrigation. Journal of Central Asian Social Studies, 1(01), 26-33.

10. Sultonov A. (2019). Water use planning: a functional diagram of a decision-making system and its mathematical model. International Finance and Accounting, 2019(5), 19.

11. Saydullaev S. R. (2020). Decision-making system for the rational use of water resources. Journal of Central Asian Social Studies, 1(01), 56-65.

12. Bobomurodov U., Sultonov A. "Metodi uluchsheniya reagentnogo umyagcheniya vodi v osvetlityax".- Mejdunarodniy nauchniy jurnal "Molodoy ucheniy", Moskva 2016. № 7(111), стр.51-53.

13. Такабоев К.У. (2019). Оценка и прогнозирование фоновых загрязнений города джизака. In Экология: вчера, сегодня, завтра (pp. 443-445).

АТМОСФЕРАНИНГ ЕР ЮЗА ҚАТЛАМИДА ГЕОДЕЗИК ЎЛЧАШ НАТИЖАЛАРИГА МЕТРОЛОГИК ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Пирназаров И.М., Тухтамишев Ш.Ш., Халилов Ш., Тахтаев Ш.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Геодезик ўлчовидан аниқлашнинг вертикал рефракциянинг икки қисмга бўлиниши ҳамда, исботли натижаларни етарли даражада аниқликка эга ярим горизантал рефракция аномалияси ва юза устидаги ёруғлик нурининг эквивалент баландлигига қайта пропорционал эканлиги тасдиқланган.

Горизантал рефракцияни аниқлаш ва ҳисобга олишнинг янги усули ҳақида, яъни рефракцион базис усулининг ўзгартирилган усули таклиф қилинди. Энг қулай кузатиш шароити кечкурун ва эрталаб визирлаш нурининг баландлигидаги ҳавода изотермияга энг яқин ҳолат кузатиладиган соатларда бўлади. Кузатишлар учун бундай қулай шароитни давомийлиги кўпгина омилларга: ҳавонинг ҳарорати, очик ёки булутлилиги, ер қопламасидан визир нурининг баландлиги ва бошқаларга боғлиқ. Шабадасиз, очик ва иссиқ ёз ҳавосида, айниқса жанубий чўл зоналарида, бу шароит 0,5 соатдан ошмайди; тоғли худудларда кузатишни қулай даври ошади ва бир неча соатга етади.

Калит сўзлар: тропосфера, стратосфера, мезопауза, градиенти, функция, рефракция, нейтрал стратификация, ҳавонинг зичлиги, ионлашиш, газсимон қобиғи, приёмник, электромагнит нурланиш, зичлик, метеоўлчаш.

Хозирги даврда барча соҳаларда инновацион ривожланиш ва такомиллаштириш бўлмоқда, шулар қаторида геодезия ва картография соҳасида ҳам илмий ва амалий ишлар инновацион ривожланишини кўришимиз мумкин. Мутахассисликдаги геодезик ўлчашларнинг аниқлигини оширишида кўпгина ташқи таъсир омиллари мавжудир. Ўлчаш натижасида денгиз сатҳидан баландга кўтарилган сари асбобнинг визир нурига, атмосфера ўз таъсирини ўтказиши.

Ер атмосфераси бир-биридан ҳарорат градиентлари бўйича фарқ қилувчи бир неча қатламларга бўлинади. Тропосфера қатламида ҳарорат баландликдан тушади, кейинги қатлам – стратосферада баландлик ошириши билан ҳарорат юқорилашади. Баландлик билан ҳарорат ошадиган қатлам инверсион қатламидир. Бунда совуқ ҳаво иссиқ ҳаво билан таққослаганда кўпроқ зич бўлиб, шунинг учун инверсион қатлам жуда барқарор бўлади. Термосфера қуёшнинг корпускулар ва рентген нурланишларини ютади ва ҳаётимизни Космоснинг зарarli таъсирларидан ҳимоя қилади. Мезопауза ва ундан юқорида атмосферанинг ионлашиши бошланади ва бу қатлам ионосферадир. Тропосферанинг қуйи қисмида

Ер юзасидан 1500 метр баландликда қатлам ажралган бўлиб, унда ҳаво аралашади, сув буғи конденсияланади ва чангланиш содир бўлади. Бу чегара қатлам ҳисобланади. Бу қатламнинг энг қуйи 50 метр қалинликдаги қисми атмосферанинг ерга яқин қисми ҳисобланади. Унда шамолнинг ҳарорати, намлиги ва тезлиги вертикал даражалари хусусан юқори бўлади. Бу қатламда аксарият геодезик ўлчовлар ўтказилади. Чегара қатламнинг кимёвий таркибини 78% азот, 21% кислород, 1% аргон ва 0,033% угле-кислота ташкил этади. Бундан ташқари булут, туман, буғ, чанг ва ғуборларни келтириб чиқарувчи ҳар хил ашёларнинг суяқ ва қаттиқ қисмлари – аэрозоллар мавжуд. Табиий зарралардан ташқари саноат қурумлари, цемент, ол-

тингугурт газы, окис углерод, ишланган газлар ва х.к.лар мавжуд.

Атмосфера ўлчанадиган метеорологик параметрларга эга бўлиб, булар босим «р», температура «Т» ва ўзининг параметрларини вертикал ва горизантал йўналишларда ўзгартирувчи сув буғлари эластиклиги «е». D_z баландликдаги босим градиенти dp гидростатиканинг асосий қонунига бўйсунди $dp = -\rho g dz$, бунда $g = 9.80616 \text{ м/с}^2 - 45^0$ кенгликдаги денгиз сатҳига эркин тушиш тезлиги. Босим миллибарларда ўлчанади - $1 \text{ мбар} = 100 \text{ Н/м}^2 = 100 \text{ Па}$ (паскал). 0^0 да ва $p = 1013.250 \text{ мбар} = 760 \text{ мм.сим.уст.}$; $1 \text{ мм.сим.уст.} = 133.322 \text{ Па}$; $1 \text{ атм.} = 1.01325 \cdot 10^5 \text{ Па}$. Ерга яқин қатламда босим градиенти барқарор ва сутка ва мавсум мобайнида ўзгармайди. Ер усти қатламда температура тақсимо-ти сутка ва мавсумнинг турли вақтларида ҳар хил, ўзгарувчан бўлади ва ер рефракцияси ҳисобини қийинлаштиради, ҳаво температурасининг вертикал градиенти билан аниқланади.

$$v(K/M) = dT/dz$$

Баландликда ҳаво температурасининг тақсимо-ти (стратификацияси) нинг уч тури мавжуд:

1. Нейтрал стратификация (адиабатик градиентлар). Бунда бутун қатлам бўйлаб градиент тақсимо-ти доимий ва тенг ($v = -0.0098^0 \text{ C/м}$) ($T = 2730.15 + t^0 \text{ C}$);

2. Ўзгарувчан (ўта юқори адиабатик). Адиабатик ҳолатидан кўра 100 метр баландликда совуқроқ ($v = -0.0335^0 \text{ C/м}$);

3. Барқарор (инверсия). Қуйида совуқ ҳаво тўпланади, юқорига эса иссиқ ҳаво юзасида қуёшда қизиган ҳаво кўтарилади ($v = 0.0993^0 \text{ C/м}$).

Қоидага кўра инверсия тунда киради ва ўзгарувчан стратификация кундузи бошланади. Эрталаб, қуёш чиққанда ҳавонинг қуйи қатламлари қизиб, инверсия бузилиши рўй беради. Ҳаво ҳар хил бўлади $v = 0$ ва синиш кўрсаткичи кичради. Худди шундай ҳолат ўзгарувчан стратификация бузилганда тунда рўй беради. Эрталаб ва кечкурун геодезик ўлчашлар учун сутканинг энг мақбул вақтлари

хисобланади. Шамол атмосфера тузилишида ер устки қатламда ўта зич (ҳароратли) ҳар хилликларни текислаш орқали ўлчашлар учун қулайлик яратади.

Атмосфера зичлиги ер юзасининг турли даражаларида ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳаво қатламларининг ўткир бурчакларида рўй берувчи, зичлиги баландлик билан юқориловчи визирлаш мақсадларида ёруғлик ва лазер нурлари дастлабки йўналишларини ўзгартиради. Бу нур траекторияси Ер юзаси ботиқлигига ёйсимон шаклга олиб келади. Бундай ёйнинг ўртача радиуси тахминан Ер радиусига тенг. Ҳавонинг зичлиги атмосфера босими билан боғлиқ, температура зичликни камайтиради аммо ҳавонинг энергетик тўйинганлигини оширади ва бу ҳолат геодезик рефракция катталигига ўз таъсирини ўтказади. Визир нишони ва кузатуви қаерда жойлашганлигидан келиб чиқиб, рефракциянинг қуйидаги турлари фарқланади: астрономик, сунъий йўлдошли, фотограмметрик ва ерга оид турлар. Нур тарқатувчидан приёмникка қадар электромагнит нурланишлар тарқалиши траекторияси ўзида муҳит бўйлаб қийшиқлик намоён этади. Горизонталь ва вертикаль зичлигига қараб, уни кейинчалик вертикаль ва горизонталь (ёнлама) рефракция кўринишида лойиҳалаштирилади. Ернинг вертикаль рефракцияси геометрик нивелирлашга қараганда 10-15 мартоба тригонометрик нивелирлаш аниқлигини пасайтиришни қайд этишимиз лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб ишлаб чиқариладиган геодезик асбобларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Талаб қилинган ўлчов аниқлигини бажариш;
- Ишлаб чиқаришда талаб этилган иш турига қараб ўлчов ишини бажариш;
- Ҳар хил шароитда бажариладиган ўлчов ишларини бир хил меъёрда бажарилишини таъминлайдиган конструктив ечим;
- Ишлатилишга қулай ва содда;
- Материал ва энергия сарфи камлигини таъминловчи қулай конструктив ечим;
- Ишлатилиш ва таминида ҳар хил шароитларга мос конструктив ечим;
- Текшириш, синаш ва сошлаш мумкин бўлган содда конструктив ечим;
- Чиройли ва ишлатилишга қулай конструктив ечим.

Геодезик асбобларнинг классификацияси уларнинг ишлатилиши, иш тури, маълумотларни тўплаш физик имконияти, ташишга чидамлилиги, конструктив ечими, ўлчаш аниқлигига қараб бўлинади.

Геодезик ўлчаш натижаларига метрологик элементларнинг таъсири амалиётида электрон тахеометрлардан фойдаланиш.

Электрон тахеометрлар таркибида янги

юқори тезликли микро ЭҲМларни ва алгоритмик усулларни қўллаш ўлчаш жараёнида асбоб хатоликлар таъсири учун тузатмани автоматик равишда ҳисобга олиш имконини берди. Иккинчи авлод тахеометрларига *2Ta5* ва *TC 1600 (Leica AG)* тахеометрлари ва *Elta (Carl Zeiss)*, сериясидаги асбоблар қиради.

Тахеометрнинг барча санаб ўтилган устунликлари геодезик ишларни бажаришда анъанавий геодезик асбоблар комплектида оптик теодолитга таққосланганда, иш самарадорлигини сезиларли даражада оширади. *Sokkia Power Set 1000*, бошқа томондан *2T30* теодолити билан таққослаймиз.

Электрон тахеометрлар кўп функцияли геодезик асбобдир, у ўзида номер ва ихтисослашган мини компьютер ички ёки ташқи блок тираларига кодли теодолит комбинацияларининг натижаларини ёзилишини таъминлайди.

Геодезик асбобларнинг тақдим этилган техник тавсифларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аниқлиги бўйича тахеометрнинг бурчак ўлчаш ва масофа ўлчаш қисмлари теодолитнинг бурчак ўлчаш қисмларидан сезиларли даражада енгил, тахеометрнинг бош устунлиги шундаки, у юқори тезликка эга бўлиб, ўлчашлар автоматик равишда берилишидадир.

Электрон тахеометрда атмосфера таъсирини ҳисобга олиш харажатларини минимумга тушириш учун метеоўлчашлар жараёни ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш геодезик ўлчашлар жараёнида тўла интеграция қилинади.

Геодезик ўлчашлар махсус тайёрланган полигонда, дарё бўйидаги уч йўналиш бўйича икки кузатув пунктида амалга оширилди. Ҳар бир йўналиши бўйича ўлчаш тўрт даражада амалга оширилди.

1-жадвал

Ишчи йўналишларнинг қисқача характеристикаси

Чизиқ номерлари	Юза	Узунлик, м	Тик чизиқнинг оғиши	Траектория баландлиги (Қуйи даража), м
1-3	Ас-фальт	727,92	0,1"	1,8
1-4	Сув	1646,41	-0,1"	3,7
2-4	Сув	1648,73	0,8"	8,7

Визир нурининг баландлиги траектория участкаларининг ускуна турган узоқлиги билан ҳисобланди




Электрон тахеометрда амалга оширилган ўлчашлар аниқлигига атмосфера таъсири даражаларини баҳолаш. Ёзнинг бир куни давомидаги геодезик ўлчашлар натижаларига атмосфера таъсири характери ва даражаси графикларда кўрсатилган. Масофани (1648,7 м), тахеометр фойдаланишдаги ускуна аниқлиги, ўлчашлар методикасини ҳисобга олиб баландликни ўрта квадратик хато билан 7–8 мм тенг, горизонтал ўтказтириш 2-3 мм аниқликда бел-

гилаш имкониятини вужудга келтирди.

Стандарт дастурдан фойдаланганда атмосфера таъсирини ҳисобга олиш даражасини баҳолаш. Вертикал рефракциянинг таъсирини ҳисоблаш учун ўлчанган баландликга $h_{\text{ўлч}}$ тузатиш киритилади [Leica TS-02. Фойдаланиш йўриқномаси].

$$h' = h_{\text{изм}} + \frac{S^2 k}{2R}$$
, бунда S — горизонтал ўтказириш; R — Ер қийшиқлиги радиуси (6370 км); k — рефракция коэффиценти (ўлчашларда 0,20 га тенглаш қабул қилинган). Атмосферанинг аниқ ҳолатини ҳисобга олиш учун ўлчанган оғиш узоқлигини $D_{\text{ўлч}}$ қуйидаги формула бўйича тузатилади.

$$D' = D_{\text{изм}} + \frac{106 \cdot P \left(\frac{10^5}{13,5951 \cdot 980,665} \right)}{273 + T} \cdot \frac{D_{\text{изм}}}{10^6} \quad (1)$$



2-расм.

- ◇ Ўлчаш натижалари
- Геометрик нивелирлаш натижалари
- △ Тузатилган қиймат
- Ўлчаш натижаларининг (комплекс усули)

Бунда P ва T — ҳаво босими ва ҳарорати гПа

ва °С. h' тузатилган баландлик қиймати ва D' тузатилган оғиш узоқлиги бўйича ҳисобланган горизонтал ўтказишрасмларда намоиш этилган.

Бизнинг ҳолатда атмосфера параметрлари дистанциянинг бир учиди, сув юзасида 1,5 м баландликда ўлчанди. 2-4 йўналиш учун ўрта квадратик хато горизонтал ўтказишда 2,7 мм ни ташкил этди, бу фойдаланилган тахеометрнинг ускуна аниқлигига мос келади. 1-4 йўналишлар учун метеоўлчашлар визир нурунинг ўрта баландлигидан фарқ килди. Аммо олинган натижаларнинг хатоси озгина кўпроқ – 3.3 мм ни ташкил этди.

Бурчак ўлчашлари ҳолатида 0,20 га тенг рефракция коэффицентидан фойдаланиш баландликни аниқлаш хатосини озгина камайтириш мумкин. Моделнинг ўзгарувчан параметрларига вертикал рефракциянинг ҳисоблаш учун зарур бўлган босимнинг нормал градиенти таъсири билан тузатилган 1 метр баландликдаги синиш кўрсаткичи вертикал градиенти $grad n_0^{\text{ан}}$ ва b алмашув коэффиценти киради.

“Геодезик” моделнинг асосий формуллари қўйилган масалани ҳисобга олиб соддалаштирилди. Бир неча даражаларда ўлчанган зенит масофалар метеорологик ўлчашлар ҳажмини камайтиришга, математик аппаратни соддалаштиришга ва баландликни аниқлаш аниқлигини ошириш имконини берди. Алмашув коэффиценти уч даражада z_1, z_2 ва z_3 ҳароратлар айирмасидан t_1, t_2, t_3 ҳисоблаб чиқилди:

$$b = \frac{\left[\ln \left(\frac{t_3 - t_2}{z_3 - z_2} \right) - \ln \left(\frac{z_3 - z_{12}}{t_2 - t_1} \right) \right]}{\left[\ln \left(\frac{z_3 - z_2}{z_2 - z_1} \right) \right]} \quad (2)$$

R_i бурчак рефракцияси i даражада бир турдаги ётқизилган юза ҳолатида “геодезик” модел параметрларига ўзаро нисбат кўринишида боғлиқ.

$$r_i = -\frac{\rho''^D}{2} grad n_0^{\text{ан}} z_i^b + \frac{\rho''^D}{2} 0,038 \cdot 10^{-6} \quad (3)$$

Икки тенгламанинг айирмаси синиш кўрсаткичи вертикал градиентини бурчак рефракцияси δr_{j-i} ний- j даражасидаги айирмаси орқали ифодалаш имконини берди:

$$grad n_0^{\text{ан}} = -\frac{2\delta r_{j-i}}{\rho''^D (z_j^b - z_i^b)} \quad (4)$$

Ўз навбатида δr_{j-i} айирмаси Δh_{j-i} даражасида ўлчанган бурчаклар бўйича аниқланган баландликлар айирмаси формула кўринишида ифодаланади:

$$\delta r_{j-i} = -\frac{\Delta h_{j-i} \rho''}{D} \quad (1.5)$$

Натижада ўлчанган баландликда тузатишларни ҳисоблаш учун формула олинади.

$$\delta h_i = -\Delta h_{j-i} \frac{z_i^b}{z_j^b - z_i^b} - \frac{D^2}{2} 0,038 \cdot 10^{-6} \quad (1.6)$$

Олинган натижалар таҳлили қуйидаги ҳулосалар қилиш имконини берди:

1. Стандарт дастурга солиштирганда комплекс методика вертикал рефракция таъсирини

хисоблаш аниқлигини ошириш тартибини юзага келтиради.

2. Қўшимча ўлчашлар ҳажми минималлаштирилади: геодезик ўлчашлар дастурини қўшимча даражаларда вертикал бурчаклар ўлчаниши билан тўлдириш керак бўлади, бу ишни реализация қилиш қийинчилик туғдирмайди, метеорологик ўлчашни белгиланганидек, ускуна юқорисидаги ҳарорат ва босимни ўлчашдан ташқари қўшимча икки даражада ҳарорат ўлчаниши билан тўлдириш керак; бир турдаги трассаларда чизиқли ўлчашларда ҳароратни дистанциянинг бир учига ўлчаш етарли, вертикал рефракциянинг ҳисобга олишда энг яхши натижаларни траектория боши ва охиридаги метеоўлчашлар бўйича олинган алмашув коэффициенти қийматидан фойдаланганда олинисга эришилди. Тадқиқотнинг амалга оширилиши электрон тахеометрда комплекс методикадан фойдаланиш эффективлигини кўрсатади. Катта бўлмаган ҳажмдаги қўшимча ўлчашларда баландликни аниқлаш нуқсон-хатолигини 728 м. узунликда бир неча мм га ва 1,6 км ли масофада 2 см га туширишга эришилди. Баландликни аниқлаш ўрта квадратик хатоси 1 км дистанцияга 8 мм ни ташкил этди. Замонавий дастурий таъминотдан фойдаланганда ўлчанган баландликлар коррекцияси таъминлаш қайта ишловдан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Электрон тахеометрда геодезик градиентометрни ягона комплексида фойдаланилишининг амалга оширилиши вертикал рефракция таъси-

рини баландликни вақтнинг реал масштабида камайтиради. Кузатувлар натижасида ўлчаш натижаларининг аниқлигини ошириш ва хатоликларини камайтиришдан иборатди.

Абобга метрологик таъсирларни кузатиш ишлари олиб борилди.

Адабиётлар:

1. Куштин И.Ф. Рефракция световых лучей в атмосфере. М.Недра, 1971.
2. Островский А.Л., Джуман Б.М., Заболоцкий Ф.Д., Кравцов Н.И. Учёт атмосферных влияний на астрономо-геодезические измерения. М.: Недра, 1990.-235с.
3. Вшивкова О.В. Атмосферанинг ишчи “геодезик” модели ҳақида // «Геодезия ва аэрофотосъемка». – 2005.– № 5. – Б. 22-29.
4. Вшивкова О.В. Геодезик градиентометр қўлаш билан рефракцияни рационал ҳисоблаш // «Геодезия ва аэрофотосъемка». 2010. – № 1. – Б. 3-6.
5. Куштин И.Ф. Абмосферада ёруғлик нурлари рефракцияси. М.Недра, 1971.
6. Никонов А.В. Электрон тахеометрдан фойдаланиб ўргалик орқали тригонометрик нивелирлаш аниқлигини ўрганиш // Вестник СГГА. – 2013. –2 (22). – Б. 26-35.
7. Суюнов. А. С. Власенко. С. Г. Калгунов. В. М. Закономерности действия вертикальной рефракции в условиях Средней Азии. Геодезия картография и аэрофотосъемка. 1998 Вып. 47. С.61 66.
8. Суюнов.А. С. Салохитдинов. А. А. и др флюктуационный метод учета рефракции. кадастр хизмати вақўчмас мулк бозорини ривожлантириш иқтисодий ёти международ конференция. Самарканд 2003 вып С. 60 62.

ТИНДИРГИЧЛАРНИ СУВ ТАМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Акрамов Ахрор Адхамжон ўғли, Абдуразақов Ахмадулло Мухаммадович
Фаргона политехника институти

Мақолада тиндиргичларнинг ҳисоби келтирилган. Горизонталь, вертикаль ва радиаль тиндиргичларнинг тузилиши ҳамда ишлаш принциплари тахлил қилинган.

Калит сўз: тиндиргич, горизонтал, вертикал радиал, чуқурлик.

The article contains the calculation of sedimentation tanks. The principle of operation of horizontal, vertical and radial sedimentation tanks is considered

Keywords: sump, horizontal, vertical, radial, dept.

В статье приведён расчет отстойников. Рассмотрен принцип работы горизонтальных, вертикальных и радиальных отстойников.

Ключевые слова: отстойник, горизонталь, вертикаль, радиаль, глубина

Оқова сувларни ҳамда ичимлик сувини тозалаш технологияси ва чўкиндиларни қайта ишлаш, иншоотларини унумдорлиги геологик шароит ер ости сувларининг сатхи ва хоказоларга қараб тиндиргичларнинг турлари қабул қилиниди. Вертикаль тиндиргичлар оқова сувларнинг сарфи 2000 м³/кун, горизонталь - 1500 м³/кун, радиаль – 20000 м³/кун дан ортиқ бўлганда қўлланилади. Шу билан биргаликда горизонталь тиндиргичлар бўш ва чўкадиган тупроқларда қўлланилмайди, вертикаль тин-

диргичлар эса ер ости сувлари баландда жойлашган холатларда қўлланилмайди.

Горизонтал тиндиргичлар алоҳида турдаги объект сифатида ёки параллел ишлайдиган бир неча секциялардан иборат қурилма сифатида лойihalаниши мумкин.

Тиндиргичнинг секциялари кенглиги


$$b = \frac{9}{36nh_1v}$$

бу ерда n – ишчи секциялар сони, камида иккита; h₁–ишчи секциянинг баландлиги, 1,5 ... 4 м.

v – сувнинг ишчи секциядаги ҳаракат тезлиги, 5 ... 10 м/с.

Тиндиргичнинг умумий кенглиги $B = Nb$,

бу ерда N – тиндиргичдаги секцияларнинг умумий сони.



1-расм. Горизонталь тиндиргич.

Тиндиргичнинг ишчи қисмининг умумий узунлиги, м, $L_p = \frac{Xh_1}{KU_0}$

бу ерда: K – тиндиргичнинг ҳажмидан фойдаланиш коэффиценти, 0,5 га тенг

U_0 – муаллақ жисмларнинг гидравлик катталиги,

Тиндиргичнинг умумий узунлиги, м,

$$L = L_p + l_1 + l_2$$

бу ерда: l_1 - тиндиргичга кираётган жойдан сув тақсимлаш жойигача бўлган масофа, 0,5 ... 0,7 м.

l_2 - тиндиргичдан чиқаётган лотокдан ярим чўккан шитгача масофа, 0,3 ... 0,5 м.

Ярим чўккан тиндиргичларнинг чўкиш чуқурлиги, м:

$$h_{ш1} = K_{ш1} * h_1,$$

$$h_{ш2} = K_{ш2} * h_1,$$

Бу ерда; $K_{ш1} \dots 0,4$; $K_{ш2} = 0,1 \dots 0,2$.

Тиндиргичнинг чўккан қисмининг чуқурлиги, м.

$$h_2 = \frac{V_{oc1}}{\eta_{oc}LB}$$

бу ерда: V_{oc1} - бир секциядаги чўкинди ҳажми м³/кун;

η_{oc} - бир суткада олинган чўкинди сони, (ҳажмда 2)

Тиндиргичнинг тўлиқ чуқурлиги, м,

$$H = h_1 + h_2 + h_3$$

Бу ерда: h_3 - тиндиргич бортларининг баландлиги, 0,3 ... 0,5 м.

Режадаги горизонтал тиндиргичларнинг умумий юзаси $F_{go} = \frac{\alpha_{об} * Q_{soat}}{3,6 U_0}$, м²

Бу ерда Q_{soat} - барча секцияларга келаётган ҳисобий сув сарфи, м³/соат

U_0 - чўкиндени тушиш тезлиги мм/с

$\alpha_{об}$ - тиндиргичлардан ҳажмий фойдаланиш коэффиценти, 1,3 га тенг.

Битта тиндиргичнинг кенглиги

$$B = \frac{Q_{soat}}{3,6 * v_{орт} * H * N}, \text{ м}$$

Бу ерда: H – чўкинди соҳасининг баландлиги 2,5-3,5 м;

$v_{орт}$ - сувнинг тиндиргичдаги ўртача горизонтал тезлиги мм/с, унинг қиймати қуйдагича; сувнинг лойқалик даражаси 50 мг/л

6–8 мм/с; гача

7 –10 мм/с; 50-250 мг/л

9 –12 – 250 мг/л

N – тиндиргичларнинг ҳисобланган сони,

Тиндиргичлар бўйлама тўсиқлар билан тўсилиб, қоплама 6 м гача бўлган секцияларга ажратилади.

Тиндиргич узунлиги

$$L = \frac{F_{2.0}}{BN}, \text{ м,}$$


Бу ҳолатда $L/H=10:25$ бўлиши лозим.

Горизонтал тиндиргич ишини тўхтатмасдан туриб чўкиндиларни олиб кетиш қурилмаси бўлиши лозим.

Чўкиндени гидравлик тозалаш учун тешикли қувурлардан фойдаланилади. Бу қувурлар тўплами чўкиндиларни 20-30 мин ичида тозалаш имконини беради. Дренаж қувурлари ўқлари орасидаги масофа 3 м гача, улардан тиндиргич деворлари орасидаги масофа 1,5 м дан катта бўлмаслиги лозим. Чўкинденинги қувур охиридаги тезлиги 1 м/с деб қабул қилинади, тирқишлардаги тезлик 1,5-2 м/с, тирқиш диаметри камида 25 мм, тирқишлар орасидаги масофа 300-500 мм. Тирқишларнинг шахматсимон ҳолатда жойлаш лозим.

Тирқишларнинг умумий юзасини қувур кесим юзасига нисбати 0,5-0,7 га тенг бўлиши лозим.

Вертикал тиндиргичлар ҳисоби.



2-расм. Вертикал тиндиргич

Таклиф этилаётган схемага асосан тиндиргичнинг диаметри, м,

$$D = 2 \sqrt{\frac{q}{3,6 \pi n K U_0} + d_{mkg}}$$

Бу ерда q – оқава сувларнинг максимал сарфи, м³/кун; n – ишчи тиндиргичлар сони, камида иккита; K – тиндиргич ҳажмидан фойдаланиш коэффиценти, 0,35 га тенг; U_0 - муаллақ жисмларнинг жисмларнинг гидравлик кат-

талиги, мм/с; d_{mkg} – марказий қувур диаметри, м.

Гидравлик катталиқ, мм/с

$$U_0 = \frac{1000 Kh_1}{\alpha t \left(\frac{Kh_1}{h}\right)^{n_2}} - \omega$$

Бу ерда; h_1 – тиндиргичнинг ички қисмини чуқурлиги, м, 2,7 ... 3,8 м; α – сув температура-сини унинг қовушқоқлигига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент; n_2 – даража кўрсаткичи; ω – оқава сувларнинг тиндиргичдаги тезлиги-ни вертикаль ташкил этувчиси, 0,2 ... 0,5 мм/с га тенг.

Марказий киритиш қувури диаметри, м,

$$d_{mkg} = \sqrt{\frac{4q}{3,6\pi n v_{m.k}}}$$

Бу ерда: $v_{m.k}$ – киритиш қувуридаги оқава сувларнинг тезлиги мм/с, кўпи билан 30 мм/с га тенг.

Марказий киритиш қувурининг диаметри 4 м баландлиги м,


$$d_p = h_{p1} = 1,35 d_{mk}$$

Киритиш қувурининг чўкиш чуқурлиги, м,

$$h_{mk} = 0,9 h_1$$

Радиаль тиндиргичлар ҳисоби.

Радиаль тиндиргичлар чеккадан ёки марказдан оқава сувлар келадиган усулда бўлиши мумкин.



3-рasm. Радиаль тиндиргич.

Марказдан оқава сувлар узатиладиган усул кенг қўлланилади.

Тиндиргичнинг ишчи қисмининг диаметри, м.

УДК 528.44

ЭЛЕКТРОН ХАРИТАЛАРНИ ARCGIS 9.3 ДАСТУРИ ЁРДАМИДА ТУЗИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич, (PhD)

Тошкент Мелиорация ва кишлоқ хўжалиги муҳандислик институти.

Суюнов Шухрат Абдусолиевич, (PhD); Джалилов Савлатжон Салимович, т.ф.н.,

Обидова Дилноза Давронзода, магистр; Тўхтаев Шахризод магистрант.

Samarqand davlat arxitektura qurilish instituti

Мақолада электрон хариталарини тузиш учун картографик усуллар ва уларни таҳлил қилиш, уларни тўлиқ ўзлаштириш ва замонавий компьютер дастурларини қўллаган ҳолда яратиш ва бу билан картография соҳасидаги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш масаласи тадқиқ қилинган. Замонавий дастурлар ёрдамида планетамизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, фазовий маълумотларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган ҳамда деярли ҳар қандай соҳада қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш

$$D = \sqrt{\frac{4q}{11,3 Kn U_0} + d_k^2}$$

K – тиндиргич хажмидан фойдаланиш коэффициентини,

$$K = 0,45$$

n – ишчи тиндиргичлар сони; U_0 – муаллақ жисмларнинг гидравлик катталиги.

d_k – ярим чўккан филофнинг диаметри, м

$$d_k = \sqrt{\frac{4q}{3,6 \pi v_c * n} + d_p^2}$$

v_c – қабул қилиш камерасидаги сувнинг тезлиги, 30 мм/с,

d_p – марказий қувурнинг диаметри, м.

$$d_p = h_p = 1,35 d_{mk}$$

d_{mk} – марказий қувурнинг диаметри, м

$$d_{mk} = \sqrt{\frac{4q}{3600\pi n v_{mk}}}$$

Бу ерда $v_{m.q}$ – марказий қувурдаги оқава сувнинг тезлиги, 0,8 ... 1,0 м/с

Адабиётлар:

1. Абитаев М.Т., Евсеева Л.А., Евсеева О.Я. Очистка природных и сточных вод в больших городах с применением тонкослойных отстойников: Обзорная информация / МГЦНТИ.-1993.-Вып. 7.-17с
2. Ахрамеева В.К. Исследование истечения водяной струи из прямоугольного отверстия // Труды ГИСИ.-Горький.-2001.-Вып. 51.-С.3-12.
3. Бабаев И.С. Технология и оборудование для очистки высокомутных природных вод: Автореф. дисс. ... докт. техн. наук. - М.: ВНИИ ВОДГЕО, 2000.
4. Бабанина А.И., Капский А.Б., Куденко Г.А. Опыт применения тонкослойного отстаивания при очистке сточных вод травильных отделений / Пром. энерг.-2010.- № 6.-С.48-50.
5. Береза А.И. Гидравлика горизонтальных отстойников: Автореф. дисс.... докт. техн. наук.-Новочеркасск. 2002.-2004.
6. Бондарев А.А., Андрианов Ю.Н. Биологическая очистка производственных сточных вод: Процессы, аппараты и сооружения / Под ред. С.В.Яковлева. -М.: Стройиздат, 2003.

учун ёрдам берадиган электрон харитани яратишнинг янги вариантдаги имкониятлари келтирилган.

Калит сўзлар: бозор иқтисодиёти, ижтимоий-иқтисодий ислохатлар, кишлок электрон пунктлари, геоахборотли тизими, ҳисоблаш техникаси, глобал маълумотлар базаси, электрон хариталарни транспорт, ердан фойдаланиш, жойлар номлари, бинолар контур кўрсаткичлари, космофототасвирлар, замонвий геодезик асбоблар, ижобий имкониятлар.

В статье рассматриваются картографические методы создания электронных карт и их анализа, их полное освоение и создание с использованием современных компьютерных программ, что позволяет повысить эффективность производства в области картографии. С помощью современного программного обеспечения была предпринята попытка проанализировать события и события на нашей планете, пространственные данные и новый вариант создания электронной карты, которая поможет ускорить процесс принятия решений практически в любой области.

Ключевые слова: рыночная экономика, социально-экономические реформы, сельские электронные пункты, географическая информационная система, компьютерные технологии, глобальная база данных, транспорт электронных карт, землепользование, географические названия, индикаторы контуров зданий, космическая фотография, современные геодезические инструменты, положительные возможности.

The article deals with cartographic methods for creating electronic maps and their analysis, their full development and creation using modern computer programs, which allows to increase the efficiency of production in the field of cartography. With the help of modern software, an attempt was made to analyze events and events on our planet, spatial data and a new option for creating an electronic map that will help speed up the decision-making process in almost any area.

Key words: market economy, socio-economic reforms, rural electronic points, geographic information system, computer technology, global database, electronic map transport, land use, place names, building outline indicators, space photography, modern geodetic instruments, positive opportunities.

Кириш Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши давридаги асосий тамойилларини ишлаб чиқишда демографик омилларга устувор аҳамият берган. Ушбу омилнинг иқтисодий, хусусан меҳнат захираларининг шаклланишига бўлган таъсирини кўрсатиш билан бир қаторда унинг ижтимоий жиҳатларига ҳам эътибор қаратади. «Ўзбекистондаги демографик вазиятнинг ўзига хослиги, инсон салоҳиятининг ривожланиши ижтимоий инфратузилмани, энг аввало, соғлиқни сақлаш ва электронга коммунал-маиший хизмат кўрсатишни тегишли даражада ривожлантиришни ҳам талаб қилади», деб ёзган эди И.А.Каримов. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва уларни янада ривожлантириш электрон билан боғлиқ муаммоларни атрофлича илмий асосда тадқиқ этишни тақозо этади[1].

Бозор иқтисодиёти шароитида Республика-миз бутун худуди бўйича айниқса кишлок электрон пунктларида мактаб, савдо корхоналари, тиббиёт, маданият муассасалари ва бошқаларни режали жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан мумкин қадар тўла ва оқилона фойдаланиш, шаҳар билан кишлок ўртасидаги мавжуд тафовутларни аста-секин тугатиб бориш, электроннинг турмуш даражасини янада кўтариш учун бугун Замонвий дастурларни қўллаб электрон топографик харита тузишни такомиллаштириб бориш каби муаммоларни ҳал қилишда хариталарини тузиш ўз муносиб ҳиссасини кўшиб келади.

Асосий қисм тадқиқотнинг мақсади электрон хариталарини тузиш учун картографик усулларни ва уларни таҳлил қилиш, уларни тўлиқ ўзлаштириш ва замонвий компютер дастурларини қўллаган ҳолда яратиш, бу билан картография соҳасидаги ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга эришиш.

Энди замонвий дастурларга тўхтасак. Биринчи марта *геоахборот тизими* тушунчаси 1960-йиллар ўртасида Канада давлатида пайдо бўлиб, у *Канада Географик Информация Тизими (Canadian Geographic Information System CGIS)* деб аталган. Геоахборот тизими бошқа адабиётларда тулиқ ном билан географик ахборот тизими ёки қисқача ГАТ деб ҳам юритилади. Тизимнинг асосий мақсади Канада ер ресурсларининг инвентаризациясини ўтказиш ва шу асосида ер ресурсларини мавжуд ҳолати ва келжақдаги потенциални аниқлашдан иборат бўлган

Ҳозирда ESRI бош офиси Redlands, Калифорния штатида жойлашган ва 10 та худудий бўлимлари, 80та халқаро дистрибьютерлари ҳамда 200 дан ортиқ мамлакатда миллиондан ортиқ фойдаланувчиларга. ESRIни АҚШ да 2500 минг ишчилари бор: 2006 йилда умумий фойда \$ 660 миллионни ташкил этган. Бу босқичда геоахборотли тизим кўпгина мамлакатларда, жумладан Швеция, Германия, Швейцария ва бошқаларда жадал суратларда ривожлана бошлади. 1980-1990 йиллар даври геоахборотли тизим қўллаш соҳаларининг кенгайиши билан, масофадан зондлаш, ЭҲМ, глобал маълумотлар базаси ҳамда эксперт тизимларидан кенг фойдаланишига имкон берадиган йирик ҳажмлардаги техник ва технологик модернизациялаш билан ажралиб туради.[2]

ГАТ бу авваломбор планетамизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, фазовий маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда деярли ҳар қандай соҳада қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш учун ёрдам берадиган хариталар яратиш учун хизмат қиладиган замонавий компютер технологиясидир. ГАТни ҳозирги кунда замонвий компютер технологияларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас, қанчалик тез компютер дастурлари ривожланар экан шунча-

лик тезлик билан ГАТ ҳам ривожланиб борди. ГАТ амалга ошириладиган ҳар қандай амалий таҳлилларни барчаси компютер дастурлари орқали амалга оширилди. ГАТ орқали биз маълумотларни сўраш, фазовий маълумотларни таҳлил қилиш, уларни бирлаштириш, уларни визуализация қилиш, мавжуд маълумотлардан янги маълумот яратиш ва бошқа турли туман муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Масалан, фазовий маълумотларни таҳлил қилиш ёки хариталар яратиш қандайдир бир янгилик эмас албатта, инсоният пайдо бўлибдики, у ўзини ҳаётини яхшилаш мақсадида турли туман хариталар яратиш келмоқда, бироқ бу каби хариталар яратиш ва фазовий маълумотларни таҳлил қилиш ГАТ да амалга ошириладиган функциялардан фарқ қилади. Фарқи шундаки, ГАТда замонавий компютер дастурлари орқали фазовий маълумотларни таҳлил қилиш ва хариталар яратиш жараёни кескин тезлашади ва охириги пировард натижа ҳам сифатли бўлиши аниқ. ГАТ орқали биз қарор қабул қилиш жараёнини кескин равишда оперативлатиш имконига эга бўламиз, хусусан прогнозлаштириш, бир неча хил маълумотлар базасини бир вақтни ўзида таҳлил қилиш, имконияти мавжуд [3].

Геоахборотли тизимни яратиш учун қуйидагилар талаб қилинади:

- ҳисоблаш техникаси (сотиб олиш, тўғри-лаш ва хизмат кўрсатиш);
- дастурли таъминот (сотиб олиш, махсус дастурлар яратиш, тўғри-лаш ва хизмат кўрсатиш);
- мутахассислар (ўқитиш, қайта тайёрлаш);
- маълумотлар (яратиш ва юритиш).


Маълумотлар график базасини юритишнинг "қатламлик" имконияти маълумотларнинг шаҳар базаси қатнашчисига ўзининг бутун кучини ўз муаммоларни ечишга тўплашга ҳамда жуда кўп сонли турли манбалардан ҳудуд тўғрисидаги жамланган ахборотларни ишлаб чиқариш масалалари учун фойдаланишга имкон беради.

Электрон хариталарни бошқа маълумотларни боғлаш мумкин, яъни бу қуйидагилар: (1-расм) транспорт, ердан фойдаланиш, жойлар номлари, бинолар, контур кўрсаткичлари, космодотасвирлар.

Геоахборот тизими технологияси ушбу алоҳида-алоҳида ажратилган маълумотларни тўплаш ҳамда ягона кўринишда сақлаш, янгилаб туриш, таҳлил қилиш, исталган операцияларни бажаришга, барча ўзгаришларни кузатиб боришга, турли туман хариталар, планлар, жадвалларни олишга имкон беради.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, бошланғич ахборотлар ёки улар йиғиндисидан фойдаланган тарзда исталган танланган масштабда хариталар сериясини олиш натижаси унчалик муҳим эмас, балки шу билан бирга аналитик хариталар, видеотасвирлар, маълумотлар массивларини олиш ҳам муҳимдир.

мотлар массивларини олиш ҳам муҳимдир.



1-расм.

Шундай қилиб, электрон хариталарида геоахборот тизими унинг фойдаланувчиларига қуйидаги имтиёзларни беради:

- электрон билан боғлиқ турли хил ахборотли таъминотини қабул қилиш учун ягона маълумотлар базасига барча ахборотларни боғлаш ва келишиш;
- турли даражадаги майдалашган ахборотлар бўйича фойдаланувчи томонидан олиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун регионал геоахборот тизимидан фойдаланиш;
- электрон хариталарни яратиш ва янгилаб туриш бўйича харажатларни камайтириш.

Геоахборот тизимини лойиҳалашнинг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин[4].


1. Яратиладиган тизим бўйича қарорлар қабул қилиш учун ахборотларни таҳлил қилиш (фойдаланувчилар сони ва таркибини аниқлаш, мавжуд ишланмалар бўйича илмий-техник хужжатларини аналитик таҳлили, муаммомасала-объекти даражасидаги логик тушунчали моделини яратиш, объектлар ўртасидаги муносабатларини белгилаш).

2. Ахборотлар манбасини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳудудни картографик, аэрокосмик, маълумотномали маълумотлар билан ҳамда бошқа манбалар билан таъминланишини ўрганиш, маълумотларни тематик тўплаш, маълумотларни изоҳлаш классификаторларини тузиш, бирламчи маълумотларни каталоглаштириш ва баҳолаш.

3. Маълумотлар базаси таркибини аниқлаш (маълумотлар классификацияси, маълумотлар базасидаги ахборотларни янгилашни талаб қилинадиган даврийлигини таҳлили, маълумотларни тақдим этишнинг кириш форматларини ишлаб чиқиш).

4. Тизимни функционал элементларини ҳамда уларни ўзаро таъсир шароитларини аниқлаш (tizimning умумий таркибини ҳамда дастурий таъминотини бошқарув, функционал, амалий, умум тизимли элементларини, техник асбобускуна воситалари ҳамда улар конфигурацияларини, турли фойдаланувчилар ўртасидаги ахборотли алоқаларни аниқлаш).

5. Ишларни тармоқли графигини календар режасини, тузиш, лойиҳа бюджетини аниқлаш. Шаҳарни кўп мақсадли ва кўп фойдаланувчи геооборот тизимини лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бундай геооборот тизимида бош ролни ундан жамоа бўлиб фойдаланиш қирраси. Бундай геооборот тизимидан самарали фойдаланиш фақатгина барча хизматлар бирлашган шароитда амалга оширилиши мумкин[6].



2-расм. Географик ахборот тизимининг умумий кўриниши.

Ҳозирги кунга келиб, халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида географик инфор- мацион тизимларидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, электронни хариталарини яратишда, электронниг маълумотлар базасини яратиш, электрон пунктларини ўрганиш, уларни риво- жланиши ва ҳоқозо.


Электрон хариталарини тузишда ArcGIS 9.3 дастури билан ҳам электрон хариталарини ту- зиш мумкин. ArcGIS 9.3 юқорида таъриф этилган ESRI компаниясиинг дастури бўлиб бу дастур авлод сифатида бир неча сериялар тур- кумида ишлаб чиқилади. ArcGIS 9.3 дастури- нинг илк авлоди 1993 йили Arc/Info тизими учун қўшимча сифатида яратилди ва бу дастур оммавий равишда фойдаланувчилар учун мўлжалланган. ArcGIS 9.3 дастури картографик маълумотларни яратиш, таҳлил қилиш ва тасвирлаш учун жуда қулай дастур ҳисоблана- ди [7]. ArcGIS 9.3 нинг биринчи ва иккинчи версиялари маълум ҳудуд буйича тарақланган географик маълумотларни (объект ва ходиса- лар) кўриш ва таҳлил қилиш учун энг оддий ва шу билан бирга самарали дастур сифатида ишлаб чиқилган. Бу дастурини қўллаш соҳала- ри турлича яни бизнес ва фан, таълим ва бошқарув, ижтимоий соҳа, демографик ва сиёсий изланиш, саноат ишлаб чиқариш ва экология, транспорт ва нефтгаз саноати, ердан фойдаланиш ва кадастр ва бошқа соҳалар.

Ушбу дастурнинг кейинги авлодлари чики- ши билан ундаги функциялар ҳам тобора ошиб боради. Масалан 2-авлод вакилида географик электрон жадваллар билан ишлашга, қарор қабул қилишга ва статистик маълумотларни жадвал кўринишда киритиш имкониятлари мавжуд бўлса, учинчи авлодида фазовий таҳлил ва моделлаштириш каби функциялар

билан бойитилган. Ҳозирги кунда саноатда ва ишлаб чиқариш соҳасида ArcGIS 9.3 дастур- нинг 10-авлоди ишлатиб келинмоқда ва у юқоридагилардан кўра кўпроқ функциялар би- лан тўлдирилган ва ишлаш тезлиги ҳам оши- рилган.

« ArcGIS 9.3 » дастури қуйидаги асосий ва- зифаларни бажариш учун мўлжалланган:

- хариталарни яратиш ва таҳрирлаш; хари- таларни визуаллаштириш ва лойиҳалаш; мавзули хариталар яратиш; географик ва се- мантик маълумотларни фазовий ва статистик таҳлил қилиш; геокодлаш; маълумотлар базаси билан ишлаш; харита ҳисоботи ва хулосалари- ни принтер, плоттерга ёки график файлларга ўтказиш.



3-расм. Самарқанд вилояти Каттақурғон тумани Пайшанба шаҳарчаси Чарогон маҳалласи аҳолиси- нинг электрон кўринишдаги картаси.

ArcGIS дастурининг афзалликлари. Ҳозирги кунда, Республикамиз халқ хўжалигининг тур- ли соҳаларида геоахборотлар тизимини яра- тишда космик ва аэросуръатлардан кенг кулам- да фойдаланилган ҳолда аниқлик даражаси юқори бўлган электрон рақамли хариталарни яратиш технологияси йўлга қуйилиб, мавжуд 1:10000 ва 1:25000 микёсидаги электрон рақам- ли хариталар янгиланмоқда. Шу билан бир ка- торда турли форматларда яратилган рақамли хариталар ArcGIS дастури форматларига ўги- рилмоқда.

Ер тузиш ва давлат ер кадастри мақсадлари ҳамда бошқа мақсадлар учун ҳам тўзиладиган рақамли хариталарни ArcGIS дастурида яра- тиш асосий ўринни эгаллайди. ArcGIS дасту- рининг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- ер кадастри, бинова иншоотлар кадастри мақсадлари учун юқори аниқликдаги харита ва планларни ишлаб чиқиш;

- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларни турли микёсдаги рақамли хари- талар билан таъминлаш тезкор таъминлаш;

Arc GIS 9.3 дастурида Самарканд вилояти Каттакургон тумани Пайшанба шаҳарчаси Чарогон маҳалласи аҳолиснинг электрон кўришидаги картаси келтирилган. Бу картада ҳар бир хонадон ҳақида маълумотларни олишимиз мумкин. Бунинг учун биз хонадоннинг тартиб рақами устига сичқончанинг чап тугмасини бир марта босишимиз билан экранда шу хонадон ҳақидаги маълумотлар пайдо бўлади. (3-расм).

Хулоса электрон хариталарни яратиш учун янги замонавий асбоблар ва дастурлар зарур бўлади. Шу жумладан ҳозирда ишлаб чиқаришда қўлланилаётган Arc GIS 9.3 дастури янги рақамли хариталарни яратишга жудаям қўл келади. Ушбу дастур ёрдамида яратилган картлар билан ишлаш фойдаланувчининг имкониятларини янада кенгайтиради. Шунинг учун ушбу дастур ёрдамида электрон харитасини яратиш ишларини такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади [4,9].

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1996. б.102.
- 2.Абдуллаев Ё. Статистика назарияси.:100 савол ва жавоб.-Т.: Меҳнат, 2000.-448 б.
- 3.Асанов Г.Р.-Аҳоли географияси. Ўқув қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1978.-220 б.
- 4.Абдурахмонов С.Н. “Геоахборот технологиялари ва картографик методлар асосида минтақавий демографик жараёнларни тадқиқ қилиш(Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақаси мисолида)” (PhD) доктори дисс. автореф.-Т., ТИИМСХ. 2020. 43б.
- 5.Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси.- Т.: Университет, 1997.-181 б.
- 6.Суянов А., Кадыров М. География населения и населенных пунктов Самаркандской области. Учебное пособие.-Самарканд, 2008.-145 с.
- 7.Салищев К.А. Картоведение. Учебник.-М.: Изд-во МГУ, 1990.
- 8.Сафаров Э.Ю. Географик ахборот тизимлари.- Тошкент., Университет, 2010.
- 9.Тожиева З. Иктисодий ва демографик статистика. Ўқув қўлланма.-Т.: ЎЗМУ, 2002.-160 б.

UDK 528.061.03

SHAHAR POLIGONOMETRIYASIDAGI GEODEZIK O'LCHASHLARDAGI HATOLIKLAR VA ULARNI HISOBGA OLISH

Suyunov Sh. A., (PhD), dotsent, Djalilov S.S., t.f.n., dotsent,
Xalilov Sh., Xakimov A., O'tamov R. magistrantlar
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Maqolada refraksiyani burchak o'lchash natijalariga ta'siri masalasi o'zgacha hududlarda tadqiq qilingan. O'zbekistonning issiq va quriq iqlim sharoitida, daryo qirg'oqlarining poligonometriya tarmog'ida, o'tkazilgan dala tajriba natijalaridan olingan materiallar asosida yangi variantda ishlab chiqilgan usul bilan geoaxborot tizimini qo'llanilishi natijasida gorizontol burchak va chiziq uzunligini o'lchash aniqligini oshirish imkoniyatlari keltirilgan.

Kaliti so'zlar: Elektron texnologiyalar, yuqori aniqlikdagi geodezik o'lchashlar, refraksiya ta'siri, atmosferasi-ning o'zgarishi, gorizontol refraksiyasi, yorug'lik nurining notekis tarqalishi, zamonoviy geodezik asboblari, ijobiy imkoniyatlar.

The article examines questions about the effect of refraction on the results of measuring the angle at specific places. The possibility of increasing the accuracy of measuring horizontal angles and line lengths is shown using geographic information systems based on the results of field experimental materials carried out in polygonometry networks of river banks in hot and arid climatic conditions, Uzbekistan

Key words: electronic technology, high-precision geodetic measurements, reaction influence, atmospheric change, horizontal refraction, uneven light distribution, modern geodetic instruments, positive capabilities.

В статье исследованы вопросы о влиянии рефракции на результаты измерения угла в особых местах. Показана возможность повышения точности измерения горизонтальных углов и длина линии, с применением геоинформационных систем на основании результатов полевых экспериментальных материалов, проведенных в сетях полигонометрии берегов рек в жарких и засушливых климатических условиях, Узбекистана.

Ключевые слова: электронные технологии, высокоточные геодезические измерения, влияние реакции, изменение атмосферы, горизонтальная рефракция, неравномерное распределение света, современные геодезические инструменты, положительные возможности.

Aniq burchak o'lchovlari zamonaviy texnologiyasi yordamida gorizontol burchaklarni o'lchashning aniqligini cheklaydigan yeng muhim sabablardan biri bu instrumental xatolar yemas, balki tashqi muhit ta'siridagi xatolikdir.

Ushbu hodisani o'rganish va uning zararli ta'sirini bartaraf yetish, triangulyasiya va poligonometriya tarmoqlarining aniqligini oshirish uchun iloji boricha, ilmda va ishlab chiqarishda birinchi vazifa bo'lib turadi [1].

Katta miqyosdagi xaritalash, geodeziya asoslari va, ayniqsa, burchak o'lchovlarning aniqligi bilan bog'liq barcha talablarni qo'yib, asosan geodezik asosni qurish uchun yangitdan tashkil yetilgan va yetiladigan sxemasini qayta ko'rib chiqishga majbur qiladi va uni yangi, usulini ishlab chiqishga davat yetadi.

Asosiy geodezik tadqiqotning yangi tizimi uchburchaklar va poligonometriya tomonlarining uzunligini qisqartiradi, chunki u punktlar

xetiyojining ko'proq zichlashishini talab qiladi.

Bu holat, o'z navbatida, vizir nurini Yerning yuza qismining ustki qismiga tushirishga olib keladi, chunki nuqta orasidagi ko'rinish to'g'ridan-to'g'ri yerdan ochiladi. Natijada, biz nosozlik chizig'i o'tishi uchun sharoitlarda biroz yomonlashamiz, ayni paytda burchak o'lchovlarining aniqligini oshirishni talab qilamiz. Shu nuqtai nazaridan, shahar poligonometriyasida gorizontall burchaklarni o'lchash aniqligi bo'yicha lateral refraksiyalarning ta'siri haqida yangi savol berish kerak. 3, 4-sinflar triangulyasiyasi va poligonometriyasidagi lateral sinishi ta'siri masalasini o'rganishga kirish kerak. Shu bilan birga, sobiq sovetlar mamlakatida va xorijiy davlatlarda, ya'ni chet yillarda (Struve, Fisher, Forster, Christiansen, Kukkameki, Rabinovich, Mescheryakov) lateral refraksiyalardagi ishlarning ko'pchiligi 1-chi va qisman 2-chi sinf triangulyasiyasi va poligonometriyasi bilan bog'liq bo'lgan refraksiyani o'rganishga bag'ishlangan.

Shu joyda Rossiyalik Auzan va chet yeldan Sokoba tadqiqotlarini yodda tutishimiz kerak. Auzanning yaxshi o'ylangan va sinchkovlik bilan ishlab chiqilgan tajribalari birinchi navbatda yuqori toifadagi triangulyasiyadagi yon refraksiyonlik masalasini aniqlashtirishga qaratilgan va quyosh tomonidan isitiladigan binolar bo'ylab ko'rish nurlar uzunligining butun uzunligini kesib o'tishda parchalanish natijasida kelib chiqqan burchaklardagi haqiqiy xatoliklar haqida hech narsa deyilmagan.

Shaxarlarda bu xolatni o'rganish bilan juda ko'p bog'liq bo'lgan Sokob ishi juda qisqa muddatli (olti soat) tajribaga asoslangan va u bir qator kamchiliklardan aziyat chekkan.

Aslida, yuqorida keltirilgan savolning yetarli yemasligi faqat S.N. Marchenko o'zining uchta poligonometriya devor belgisi tizimini taqdim yetgan, bu holat atmosferada xavo nurini lateral sinishi ta'siri haqida bir og'iz so'z aytolmasligidan o'ksingan.

Shu bilan birga, ko'chalar bo'ylab cho'zilgan poligonometrik yo'llar binolarning devor belgilariga yaqinlashganda va bu gorizontall burchaklarning sinishi buzilishini sezilarli darajada oshirishini kuzatgan.

Ba'zida geodeziya adabiyotida 1, 2 sinf triangulyasiyasi ko'rsatgichlarida sinxronlashning natijalari mexanik ravishda uzayishi, quyi sinflarda esa uchburchalariga va poligonometriyasiga to'g'ri keladi.

Shunga qaramay, bunday mexanik almashinishning asossizligi, uchinchi va to'rtinchi sinflardagi uchburchakda Yer sadxining ko'zga ko'rinadigan nurlarining o'tish balandligi 1 va 2-sinflarning triangulyasiyasi va poligonometriyasidan sezilarli darajada kam yekanini bilamiz[2].

Ayniqsa, o'tkir burchakning pastki sinfi poligonometriyasida gorizontall burchaklarni o'lchash aniqligi bo'yicha lateral sinishi ta'sirini o'rganish

zarurati muhim rul o'ynaydi.

Bunday fikrning sababi quyidagicha:

A) poligonometriya odatda tekislikda, yopiq maydonda, ya'ni havo harorati (zichligi) va shuning uchun yorug'likning sinishi pastki va qo'shni sirtlarning termal rejimidan kuchli ta'sir ko'rsatadigan sharoitlarda rivojlanadi.

3, 4-sinflar va ayniqsa, shahar poligonometriyasidagi o'lchashlarni qo'llagan holda, to'siqlarga yemas, balki to'siqlarga qarama-qarshi nurlar o'tishi haqida gapirish kerak.

Triangulyasiya keng tarqalgan bo'lib, asosan, kesma ochiq yoki yarim yopiq joylarda, ya'ni barcha ko'zga ko'rinadigan joy yemas, balki uning ayrim qismlari pastki sirtidan pastda bo'ladi.

B) poligonometriyada azimutning o'tkazilishi triangulyasiyaning qariyb 1,3 barobarigacha katta xato bilan amalga oshiriladi [3].

C) 0,5-1 km pastki qatlamlarning poligonometriya liniyasi uzunligi bilan kichik, kuchli aniq ifodalanadigan maydonlar butun poligonometrik harakatlarni o'z ichiga olishi mumkin va natijada ularning ta'siri individual yo'nalishlarning sinishi dispersiyasigacha yemas, balki butun harakatlarning bir tomonlama qatlamiga, ya'ni kichik sinishi ta'siriga uchraydi. Pastki sinflarning poligonometriyasidagi maydonlar uchburchakdagi umumiy maydon va 1, 2 sinflarning poligonometri bilan bir xil bo'ladi.

Va nihoyat, yana bir muhim ahamiyatga yega hisoblanadi.

Prof A.S Chebotarevning kitobida 2-kism, 1949 yildagi nashrda "Loyihalashda poligonometriya birinchi navbatda ma'lum bir soha uchun yeng muhim aloqa vositalarining geodeziya asosini ta'minlashi kerakligini yodda tutish aytiladi:

Bunga muvofiq, shuningdek, poligonometriyani o'zi joylashtirishning qulayligi hisobga olingan holda poligonometrik mashg'ulotlar asosan yo'llar bo'ylab, ularning atrofida va daryo vodiylari bo'ylab yotqiziladi ... "

Bunday chaqiriqlar F.N. Krasovskiy, V.V. Danilovlarning ishlarida ham keltiriladi. Chet yelda, xususan, Qo'shma Shtatlarda poligonometriya daryolar bo'ylab keng qo'llaniladi.

Shunday qilib, poligon qatnovlari uchun daryolar, magistral yo'llar va temir yo'llar bo'ylab mashg'ulotlar odatiydir.

Poligonometriyani geodezik jihatdan o'rganishning bir usuli sifatida, shahar sharoitida, u ko'chalar bo'ylab ko'chalar bo'ylab yotqizilgan juda muhim joyga tegishli.


Shu bilan birga, daryolar, magistral yo'llar, temir yo'llar, shahar ko'chalari kichik refraksiyon maydonlar ishlab chiqaradi, bu yesa burchak o'lchovlarning aniqligini kam darajada kamaytirishi mumkin. Bu yesa yeng ko'p noto'g'ri sistematik xatolardir.

1: 5000, 1: 2000 ko'lamidagi topografik tekshiruvlar bo'yicha GUGK yo'riqnomasi 4-sinfning triangulyasiyasi o'rniga 1:25,000 dan ortiq

bo'lmagan nisbiy xatolari bilan poligonometriyani joylashtirishni nazarda tutadi.

Ayni paytda, yuqorida ko'rsatilgan sharoitlarda burchaklardagi nurlarni sinishi buzilishining ruxsat yetilgan chiziqli qoldig'idan kattaroq siljishga olib kelishi mumkin.

Darhaqiqat, n tomondan teng tomonli poligonometrik yo'li chiziqlari bo'lib, S uzunlik A va S qattiq punktlari oralig'ida yotadi.



1-rasm. Poligonometrik kursning muntazam burchak xatolari bilan deformatsiyasi.

$$u_1 = S \cdot n \frac{\sigma''}{\rho''} (a)$$

Analogi

$$u_2 = S \cdot (n - 1) \frac{\sigma''}{\rho''} (b)$$

$$u_n = S \cdot \frac{\sigma''}{\rho''} (d)$$

Faraz qilaylik tenglik va barcha yo'nalishlardagi bir tomonlama yarim refraksiyon buzilishlar δ'' chizmadan ko'rinadiki bunaqa holatlarda burchakdagi xatoliklar to'liq refraksiya σ ga teng [4,5].

σ xatolik ta'siri birinchi burchakdagi so'nggi nuqta (n+1) yo'lida ko'ndalang siljish u_1 hosil qiladi. To'g'ridan-to'g'ri chizmadan:

(a), (b)..., (n) ifodalarini jamlab va $S_n = L$ (yo'l uzunligi) yekanligini hisobga olib, umumiy ko'ndalang siljishni hosil qilamiz:

$$U = \frac{\sigma''}{\rho''} \cdot \frac{n + 1}{2} \cdot L.$$

Nisbiy xatolikka yo'l qo'yib, quyidagiga yega bo'lamiz:

$$\frac{U}{L} = \frac{\sigma''}{\rho''} \cdot \frac{n + 1}{2}.$$

(1) Formulani muhimligini hisobga olib, bu yerda biz A.S.Cheboratarevning (14) xulosasini takrorlaymiz. Yo'riqnomada yo'l qo'yilishiga $L = 10 \text{ km}$ $S=500 \text{ m}$ va o'z navbatida $n=20$ ga teng [6,8].

Faraz qilaylik $\delta'' = 1''$, u holda $U/L = 1/2000$ Bo'lganda

$$\sigma'' = 2''; U/L = 1/20000.$$

Bunday sistematik burchak xatoliklari deyarli aniq faktor bo'lib, o'z yo'lida bu chekli yemas.

Bu hamma holatlardan poligonometriyada hammadan oldin yon ta'raf refraksiyalarni o'rganish muhim yekanligi talab yetiladi.

Bu holatlarning birlashuvi, shubhasiz, bir qator mualliflarning lateral sinishi o'rganilishini talab qiladi, bu savolning nazariy tomoni juda yaxshi

o'rganilganligini, Nordan, Christiansen, Forster, Schedler, Sobob, Robinovich, Meshcheryakov, Urmayevning bu yeng murakkab jismoniy muammolarni o'rganib chiqishi, bir qator formulalar lateral refraksiyalar.

Afsuski, ularning hych biri o'z tajribasini topa olmagan, asosan, ko'rish vaqtida havo yo'lining havodagi meteorologik xususiyatlarini aniqlash qiyinligi tufayli.

Shunday qilib, sinishi hodisasini o'rganishning nazariy va yeksperimental tomonlari o'rtasida farq mavjud.

Yuqorida aytib o'tilganlarga muvofiq, biz lateral sinishning daryolar, magistral yo'llar, temir yo'llar, shuningdek shahar poligonometriyasida joylashgan poligonometriyadagi gorizont burchaklarni o'lchash aniqligiga ta'sirini o'rganib chiqdik.

Ayni paytda biz:

1) kichkina parchalanadigan maydonlarni hosil qiluvchi mikroklmatika xususiyatlarini va meteorologik omillarni o'rganish;

2) gorizont burchaklarning buzilishini katta hajmdagi tartibi va tabiatini kunning turli vaqtlarida va turli xil havoda lateral refraksiyalarda aniqlash;

3) meteorologik yelementlar bilan yo'nalishlarni tuzatish bilan bog'liq bo'lgan analitik bog'liqliklardan foydalanib, lateral refraksiyalar uchun burchaklarga tuzatish kiritish imkoniyatini yempirik tekshirish;

4) poligonometrik tarmoqlarning aniqligini yaxshilash uchun zararli nosimmetrik ta'sirlarga qarshi kurash usullarini ishlab chiqish.

Natijada, biz radioto'lqinlarni va masofani aniqlashni qo'llagan holda, yuqori burchak o'lchovlari bo'yicha yonboshlash harakati masalalari ularning ahamiyatini yo'qotmasligini ta'kidlaymiz [7].

Aksincha, yorug'lik va radon to'lqinlarining tezlik va trayektoriyalarini belgilovchi atmosferaning sirt qatlamlarida zichlik taqsimotining xususiyatlariga bog'liq bo'lgan burchakka yemas, balki linear o'lchovlarga ham bog'liqdir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF- 4947 - son "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Xarakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.
2. Suyunov A.S., Suyunov Sh.A. O tochnosti geodezicheskogo izmereniya v usloviyax Respubliki Uzbekistan // Monografiya. Uzbekskoye agenstvo po pečati i informasii Tipografii OOO «ILM NUR - FAYZ». 2017. – 160 s.
3. Abdullayev T.M. Issledovaniye zakonmernostey deystviy i izzyskaniye metodov ucheta bokovoy refraksii pri izmerenii gorizontalnyx uglov // Avtoref. diss. na sois. uchen. step. kand. texn. nauk: TashDTU. – Tashkent, 2005. – 16 s.
4. Ostrovskiy A.L. Dostijeniya i zadachi refraktometrii // Geoprofi. – Moskva, 2008. – № 1. – S. 6-15.
5. Suyunov A.S., Salahiddinov A.A., Suyunov Sh.A.

.Analysis of the influence of the atmosphere surface layer on the measurement made by electronic total stations. // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Vol. 4, Issue 1, January 2017. R. 3098-3101.

6. Suyunov A.S., Suyunov Sh.A. O tochnosti geodezicheskogo izmereniya v usloviyax Respubliki Uzbekistan. Uzbekskoye agentyvo po pechati i informatsii Tipografii OOO «ILM NUR-FAYZ», – S.2017. –160 s.

7. Suyunov A.S., Fayziyev Sh. I.Studying the experience of full breakage on the streets of karshi in kashkadarya region. // International Journal of advanced Research in Science, Engineering and Technology. ISSN (online):2350-0328/ Of ijarset, Vol-

ume 6, Issue 11 November 2019. Certificate №: IJA61010040 Date: 30th November 2019. R. 11873-11875.

8. Suyunov Sh.A., Fayziyev Sh.Sh., Karimova U.Ye. Issledovaniye perenosa opticheskogo izobrazheniya v oblachnoy atmosfere po naklonnym trassam // Sbornik izbrannykh nauchnykh rabot Mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii na temu: «Nauchno-issledovatel'skoy raboty v oblasti Geoinformatiki: sovremennoye sostoyaniye i perspektivy» po proyektu «DSinGIS–Doktorantura v oblasti Geoinformatsionnykh nauk» v ramkax programmy Yerasmus+. Spetsialnyy tom IZVESTIYA geograficheskogo obshchestvo Uzbekistana. –Tashkent, Uzb.NU.2018. – S. 130-133.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ЙЎЛ – ТРАНСПОРТ ХОДИСАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мўминов Қурбон Очилович, Ядгаров Сирожиддин Номозович,

Тошкент давлат транспорт университети

Худойбердиев Мансур Дилмуродович, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Автомобиль йўлларида содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисаларини қайд этишда ананавий усуллардан фойдаланиб келмоқдамиз, бу эса ЙТХ таҳлил қилиш бир қатор қийинчилик ва камчиликларни келтириб чиқармоқда. ЙТХ ларини таҳлил қилиш геоахборот тизимларидан фойдаланиш самарали эканлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: ЙТХ, автомобиль йўллари, геоахборот тизимлари, таҳлил, кулминацион фаза, бошланғич фаза, якуний фаза.

При использовании традиционных методов при регистрации дорожно-транспортных происшествий, которые происходят на магистралях, в анализе ДТП возникает ряд проблем и недостатков. Анализ ДТП показал свою эффективность при использовании геоинформационных систем.

Ключевые слова: ДТП, автомобильные дороги, Геоинформационные системы, анализ, кульминационная фаза, начальная фаза, конечная фаза.

We come up with the use of traditional methods in recording road traffic accidents that occur on highways, which makes the RTA analysis a number of difficulties and shortcomings. The analysis of RTA s has been shown to be effective in the use of Geoinformation systems.

Key words: RTA, highways, Geoinformation systems, analysis, culmination phase, initial phase, final phase.

Кириш. Республика йўлларида ҳар йили 2200 дан ортиқ аҳоли йўл-транспорт ҳодисаларида вафот этади ва 12 мингдан ортиқ киши жароҳат олади. Россияда йўл-транспорт ҳодисалари натижасида йўқотишлар ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) 4,5 фоизини ташкил қилади, Швецияда эса ЯИМнинг 1 фоизи. Россияда 1 автомобиль учун ўлганлар сони Европа Иттифоқида аъзо давлатлар учун ушбу кўрсаткичнинг ўртача қийматидан 3-5 баравар кўпдир [1.2].

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳам жамоат саноатлиги муаммосидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Жаҳон банки номидан АҚШнинг Гарвард университети томонидан олиб борилган жароҳатларнинг глобал аҳамияти тўғрисидаги сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 15-44 ёшдаги катталар орасидаги инсонлар ўлимига йўл-транспорт ҳодисалари сабаби ҳисобланади. Бундан ташқари, худди шу тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 2020 йилга келиб, йўл-транспорт ҳодисалари дунёда юрак хасталиги ва депрессиядан кейин ўлим сабаблари орасида учинчи ўринда туради [3.5].

Бутун дунёда автомобиллар сони кундан –

кунга кўпайиши кузатилмоқда. Бундай ҳолат биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасига хосдир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакат иқтисодий-тини кучайтириш мақсадида автомобилсозлик саноати ривожлантирилди.

Паст даражадаги ҳаракат хавфсизлигига сабаб бўладиган автомобиллар ҳаракатини учта ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

1. Автомобиль транспортнинг ўз кўрсаткичларига кўра мос келадиган автомобиль-транспорт фойдаланиш кўрсаткичларига эга бўлган автомобиль йўллари билан этарли даражада таъминланмаганлиги.

2. Автомобиль ҳаракатининг йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларидан этарли даражада ажратилмаганлиги ва риёдалар ҳаракатланиш маданиятининг пастлиги.

3. Ҳайдовчилик касбининг оммавийлиги ва улар орасида паст малакали ва кам кўникмага эга бўлган хаваскор ҳайдовчиларнинг кўплиги.

Автомобиль йўлларида, шаҳар кўча ва майдонларида транспорт воситаларининг нормал ҳаракат режимининг бузилиши оқибатида инсонлар ҳалок бўлишига, тан жароҳати олишига,

шунингдек, транспорт воситаларига ва ундаги юкларнинг зарар кўришига, йўлдаги сунъий иншоотларининг зарарланишига ёки бошқа турдаги моддий заралар этказишига сабабчи бўлувчи ҳалокатларга йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) дейилади. Бу таърифга кўра ЙТХда иккита фактор бўлиши характерлидир, булар: инсонларнинг ўлими, тан жароҳати ёки миқдордаги моддий зарар, шунингдек, бирон-бир транспорт воситасининг ҳаракатда бўлишидир.

ЙТХ вужудга келишида умумий тизимга кирувчи “А-Х-Й-П-М” элементларидан бири ёки бир нечтаси биргаликда нормал ҳаракат режими бузишга сабабчи бўлиши кузатилади.

Ҳар бир ЙТХда шартли равишда учта фаза ни ажратиш мумкин: бошланғич, кулминацион ва якуний. Улар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисининг давоми бўлиши мумкин.

ЙТХнинг бошланғич фазаси деганда автомобилларнинг ва пиёдаларнинг хавфли вазият арафасидаги ҳаракатланиш шароити тушунилади.

Ҳалокатли вазиятда ҳаракат қатнашчиларнинг ЙТХнинг оддини олиш бўйича техник имкониятлари этарли бўлмайди ва у содир бўлади.

ЙТХнинг кулминацион фазаси оғир оқибатлар юзага келиши билан характерланади (транспорт воситаларининг бузилиши. Пиёдаларнинг ва ҳайдовчиларнинг тан жароҳати олиши ёки ҳалок бўлиши). Бу фаза бир неча дақиқа, об-ҳаво ёмон шароитларида эса бир неча минутларгача давом этиши мумкин. Бундай ҳолда асосан бир нечта транспорт воситаси иштирок этади ва уни кўпинча “занжирли” ЙТХ ҳам дейилади.

ЙТХнинг якуний фазаси кулминацион фазасидан кейин транспорт воситаси ҳаракати тўхташининг охирига тўғри келади. Баъзи вақтда транспорт воситаси ҳаракати тўхтаса ҳам якуний фаза давом этади. Масалан, ағдарилиб кетган автомобилда ёнғин чиқиш ҳоллари.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра ЙТХ куйидаги 9 турдан иборат:

Тўқнашув. Бунга транспорт воситаларининг қарама-қарши томонидан, бир йўналишда ёки ён томондан ҳаракатланаётган вақтдаги тўқнашуви, шунингдек, темир йўл транспорти билан автомобил транспортининг тўқнашуви киради. Бу турдаги ЙТХга тўсатдан тўхтаган транспорт воситаси билан тўқнашиш ҳам киради.

Ағдарилиб (тўнтарилиб) кетиш. Ҳаракатланаётган транспорт воситаси ўз турғунлигини йўқотиб ағдарилиши. Бу турдаги йўл - транспорт ҳодисасига тўқнашув, тўхтаб турган транспорт воситаларига ёки тўсиққа урилиш на-тижасида транспорт воситаларининг ағдарилиши крмайди. Ағдарилиб кетиш ЙТХда асосан битта транспорт воситаси иштирок этади.

Турган транспорт воситасини уриб кетиш. Ҳаракатланаётган транспорт воситаси-

нинг ҳаракатланмаётган ($V=0$) транспорт воситасига урилиши. Бу турдаги ЙТХга бирданига (тўсатдан) тўхтаган транспорт воситасининг урилиши крмайди.

Тўсиқларга урилиш. Транспорт воситаларининг қўзғалмайдиган тўсиқларга (кўприк таянчига, столба ва мачта таянчига, йўл тўсиқларига, дарах-тларга ва х.к.) урилиши.

Пиёдаларни босиб (уриб) кетиш. Транспорт воситалари пиёдаларни уриши ёки пиёдалар транспорт воситаларига урилиши, шунингдек, ташилаётган юкдан (ёғоч, труба, плита ва х.к.) пиёдаларнинг шикастланиши ҳам киради.

Велосипедчини босиб (уриб) кетиш. Транспорт воситаси велосипедчини босиши (уриши) ёки велосипедчи транспорт воситасига урилиши.

Аравани босиб (уриб) кетиш. Ҳаракатланаётган транспорт воситаси ҳаракатланаётган аравани уриб кетиши, шунингдек, бу турга транспорт воситаси ёввойи ёки уй ҳайвонини уриб кетиши ҳам киради.

Пассажирнинг йиқилиши. Ҳаракатланаётган транспорт воситасидан пассажирнинг тушиб қолиши ёки транспорт воситаси ичида кескин тормоз бериш оқибатида ёхуд траекторияни ўзгартиришдан вужудга келадиган ҳалокат.


Бошқа (қолган) ЙТХ. Бу турдаги ЙТХга трамвайнинг релсдан чиқиб транспорт воситасини ёки пиёдаларни уриши, юк автомобилларидан юк тушиб кетиши натижасида бўладиган ҳалокатлар, автомобил ғилдираги остидан, тош ёки бошқа қаттиқ жисмлар чиқиши натижасида жароҳат олиши ва х.к. киради.

Йўл хўжаликлари ўз тасарруфида бўлган автомобил йўлларида юз берган (асосан йўл шароити камчилиги билан) ЙТХни ҳисобга олиб, уни ЙТХ-1 формасида ёки алоҳида дафтарда куйида кўрсатилган жадвал кўринишида қайд этади (3.7-жадвал). ЙТХнинг ойлик, кварталлик ва йиллик кўрсаткичларини ўрганиб, йўл шароитини яхшилаш бўйича иш режаси тузилади.


Йўл хўжаликларида ЙТХ тўлиқ ҳисобга олиш учун МКН 15-2007 «Автомобил йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш қоидалари»да карточка формаси (3.8-жадвал) тавсия этилган бўлиб, уни ёзма равишда ёки ЕХМ ёрдамида тўлатиш мумкин. Бу карточкаларнинг афзаллиги у ёки бу кўрсаткичларни белгилаб, ҳамма маълумотлар шахсий ЕХМга киритилади. Карточка куйидаги бўлимлардан ташкил топган: умумий маълумотлар, йўл тархи ва бўйлама кесим бўлаклари, йўл тўғрисидаги бошқа маълумотлар, йўл қоламасининг тури, қатнов қисмининг ҳолати, об-ҳаво тўғрисида маълумот, транспорт оқимининг ҳолати, йўлнинг ёруғлиги, аҳоли яшовчи жойнинг таърифи, ЙТХ содир бўлган жойнинг таърифи, йўлнинг ҳолати ва унинг қай даражада жиҳозланганлиги,

хулоса ва йўлнинг ҳолатини яхшилаш учун ба-
жарилиши керак бўлган тадбирлар.

ЙТХни йиғиш ва таҳлил қилишда ЕХМнинг
роли жуда катта бўлиб, ҳозирда ривожланган
барча давлатларда ЙТХни йиғиш ва уни таҳлил
етишда ЕХМдан фойдаланиш кенг йўлга
қўйилган.



1-расм. Автомобиль йўлларида содир бўлган
ЙТХ қайд этишда Qgis дастуридан фойдаланиш



2-расм. ЙТХларининг қайд этилгандан сўнг харита-
да тасвирланиши

Автомобиль йўлларида содир бўлган ЙТХни
қайд этишда геоахборот тизимларидан фойда-
ланишда қўлланиладиган QGIS дастури ёрда-
мида амалга ошириш мумкин. Бунда автомо-
биль йўлларида содир бўлган ЙТХларининг
таҳлил қилиш қулайликлар туғдиради. Автомо-
биль йўлларида содир бўладиган ЙТХлари со-
нини камайтириш учун хизмат қилади. Авто-
мобиль йўллари комплексида йўл транспорт
ҳодисаси содир бўлишига сабаб бўлган камчи-
ликларни бартаф этишда жуда катта аҳамиятга
эга. QGIS дастурида ЙТХ содир бўлган жой
белгилаб олинади (1-расм).

УДК 625.7/8.(075.8)

ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Мусулманов Кувончбек Насруллаевич, таянч докторант;
Содиқов Жамшид Иброҳим ўғли, т.ф.д., доцент; Тошкент давлат транспорт унверситети
Идилов Илхом Тохирович, ИИВ ЙХХББ бўлим бошлиғи.

Ушбу мақолада йўл транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибалар
атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинган. Йўл-транспорт ҳодисалари туфайли ўлим статистик тадқиқотлар-
нинг махсус объекти бўлиб, уни ҳисобга олиш билан бевосита боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятлар таъсир
қилиши келтирилган.

Автомобиль йўлларида содир бўлган ЙТХ
маълум вақт давомида олинган натижаларини
киритиб борилса, маълумотлар киритилган
худуд харитасида кўрсатиш мумкин (2-расм).

Хулоса ва тақлифлар: Йўл шароитининг
ЙТХ содир этилишидаги ўрни тўғрисидаги
тадқиқотчилар аниқлаган кўрсаткичлар ва
давлат статистикаси ҳисобларида келтирилган
кўрсаткичлар ўртасида катта фарқ мавжуд. Ма-
салан, 70-80 йилларда тадқиқотчилар ЙТХ вуж-
удга келишида йўл шароитининг 65-75 % ўр-
ни бор деб кўрсатган бўлсалар [3], собиқ Итти-
фоқ статистика ҳисобларида эса 7,1-12,1 % деб
келтирилган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,27-
5,22 % деб аниқланган.

Аввалги бутун Иттифоқ ҳаракат хавфсизли-
ги илмий текшириш маркази ходимлари 1991
йил кенг миқёсда автомобиль йўлларида ўтқи-
зилган тадқиқотлар натижасида ЙТХ вужудга
келишининг 40-45%и йўл шароитининг бевоси-
та ёки билвосита сабабчилари эканлигини бил-
диради [3], лекин давлат статистика ҳисобида
эса аввалги кўрсаткичлар даражасида қайд
қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Автомобиль йўлла-
рини содир бўлган ЙТХларини қайд этиш,
йиғиш ва таҳлил қилишда QGIS дастури сама-
рали, вақт тежалади ва таҳлил қилишнинг
қулайлигини айтиб ўтилса бўлади.

Адабиётлар:

1. Автомобильные дороги: безопасность, эколо-
гические проблемы, экономика (Российско-
Германский ОПМТ)/ под ред. В.И. Луканина, К.Х.
Ленц. М.: Логос, 2002 - 624 стр.
2. В.В. Чванов. Сравнительный анализ междуна-
родных статистических данных о дорожно-
транспортных происшествиях. Сборник научных
трудов МАДИ (ТУ) «Проектирование автомоби-
льных дорог». М.: 2000 - 111-120 стр.
3. В.Ф. Бабков Дорожные условия и безопас-
ность движения: Учебник для вузов. М.: «Транс-
порт», 1993-271 стр.
4. Указания по обеспечению безопасности дви-
жения на автомобильных дорогах. МШН 25-2005
ГАК «Узавтоул». Ташкент, 2007 - 312 стр.
5. П.И. Поспелов, Самодурова Т.В., Малофеев
А.Г. и др. Основы автоматизированного проектиро-
вания автомобильных дорог (на базе программного
комплекса CREDO), учеб.пособие М.: 2007 - 216 с.

Калит сўзлар: Vision Zero, ўлимнинг нолинчи даражаси, атрибут маълумот, ЙТХлар концентрацияси, ЙТХ содир бўлган жой.

В статье всесторонне исследуется и анализируется зарубежный опыт учета дорожно-транспортных происшествий. Смертность от дорожно-транспортных происшествий является особым объектом статистического исследования, и утверждается, что на нее влияют специфические особенности, непосредственно связанные с ее учетом.

Ключевые слова: Vision Zero, нулевой уровень смертности, атрибут информация, концепции ДТП, место происшествия ДТП.

The article comprehensively investigates and analyzes the foreign experience of accounting for road accidents. Mortality from road traffic accidents is a special object of statistical research, and it is argued that it is influenced by specific features directly related to its accounting.

Key words: Vision Zero, zero mortality, attribute information, accident concepts, accident scene.

1995 йилда қабул қилинган ўлимнинг нолинчи даражаси тушунчаси (Vision Zero), йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммолари ва уларнинг ечимларини кўриб чиқишнинг тубдан янги усулини англатади. Vision Zero – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган кўп миллатли лойиҳа бўлиб, у ўлимга олиб келмайдиган ёки жиддий шикастланишларсиз йўл тизимини яратишга қаратилган. У Швецияда бошланган ва 1997 йил октябр ойида уларнинг парламенти томонидан маъқулланган. “Vision Zero”нинг асосий принципи шундаки, ҳаёт ва соғлиқ пул билан баҳоланадиган ва кейиналик ушбу қиймат ишлатиладиган одатий харажатлар ва фойда таққосланиш ўрнига “Ҳаёт ва соғлиқни ҳеч қачон жамиятдаги бошқа афзалликларга алмаштириш мумкин эмас”, йўл тармоғига қанча пул сарфлашни ҳал қилинг деган тушунча ётади. Vision Zero транспорт тизимида ҳеч ким ўлмади ёки жиддий жароҳатланмади деган маънони билдиради [1]. Ҳозирда ўлимнинг нолинчи даражаси тушунчаси Канада, Нидерландия, Буюк Британия, АҚШ, Норвегия ва бошқа мамлакатларда жорий қилинган.


Ўлимнинг нолинчи даражаси тушунчаси йўл-транспорт тизимини бир бутун деб ҳисоблайди, унинг таркибий қисмлари-йўллар, транспорт воситалари ва пиёдалар-бир-бири билан ўзаро ҳамкорликда хавфсизликни кафолатлайди. Бу яхлит ёндашув йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида тубдан янги ҳисобланади. Ўлимнинг нолинчи даражаси концепцияси масъулиятга янги ёндашув қилиш кераклигини англатади. Хавфсизлик учун асосий масъулият йўл-транспорт тизими яратувчилари-йўл хизматлари, автомобиль ишлаб чиқарувчилар, ташувчилар, сиёсатчилар, ҳукумат амалдорлари, қонунчилар ва полиция зиммасига юкланади. Ўлимнинг нолинчи даражаси концепцияси йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳисса қўшадиган бир қатор асосий элементлардан иборат. Булар ахлоқий тамойиллар, инсоний хусусиятлар, масъулият, илмий маълумотлар, шунингдек, йўл-транспорт тизимининг барча таркибий қисмларининг алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги [2].

Швеция йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича етакчи бўлиб, 100,000 аҳолига 3 та ўлим тўғри келади ва бу дунёдаги энг паст кўрсаткичдир.

Швецияда ЙТХлари оқибатида вафот этганлар сони 2000 йилдан 2018 йилгача 100,000 аҳолига олганда ўртача 52% га камайиб кетди. ЙТХлар оқибатида вафот этганлар 2000 йилда ҳар 100,000 аҳолига 6,7 та бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 3,2 тага тушди. Таққосланадиган бўлса, бу ҳолат Европада ҳар 100,000 аҳолига 4,9 та ўлимга тенг [3].

Швециядаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ЙТХларни рўйхатга олишнинг эскирган усули куйидаги камчиликларни юзага чиқарди: ҳисоботларни узатишни кечиктирилиши, етарличича ҳажмдаги маълумотларни юборилиши, масалан, атрибут маълумотлари ва манзилнинг аниқмаслиги [4,5]. [6,7] тадқиқотларга кўра GPS қурилмаларидан фойдаланиш ЙТХ содир бўлган жойни аниқлашда юқори самарадорликка эга бўлиши мумкин. 1-расмда ЙТХни визуализация қилиш, шунингдек, майдон, ёруғлик, об-ҳаво шароити, қоплама тури ҳақида мисол келтирилган. Ушбу дастур статистик таҳлиллар ва турли хил тематик хариталарни яратиш учун қўшимча функцияларни ишлаб чиқишга имкон берувчи очиқ манбали дастурий таъминотга асосланган, масалан, ЙТХлар концентрацияси, хавфли ҳудудлар зоналари (иссиқлик хариталари) ва бошқалар.

Адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳатто 100,000 киши бошига энг кам бахтсиз ҳодисаларга эга бўлган мамлакатлар ҳам электрон ЙТХлар ҳисоби ва таҳлилин ривожлантириш босқичида турибди.



1-расм. ЙТХ содир бўлган жойини визуализация қилишга мисол [6].

Баъзи тадқиқотчилар Internet технологиясидан фойдаланиб маълумотлар тўплашга ури-

нишган. Масалан, Нью-Жерсида Twitter ижтимоий тармоғи транспорт оқими ва ЙТХлар ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўплаш учун ишлатилган. Турли соҳаларда тадқиқотчилар ўртасида маълумот тўплашнинг муқобил процедураларининг мавжудлиги сўнгги йигирма йил ичида мобил ва симсиз қурилмалар ривожланиши билан ортди [8]. да транспорт оқими ва ЙТХларни таҳлил қилиш учун яхшиланган маълумотлар йиғиш усули тақдим этилган. Маълумотлар базасининг интеграллашган тизими онлайн манбалардан фойдаланган ҳолда реал вақтда йўл ҳаракати бўйича маълумотларни йиғади.

Шу билан бирга, тадқиқотнинг асосий мақсади – транспорт сенсори инфратузилмаси энг яхши даражада чекланган транспорт тармоқлари бўлимлари учун маълумот йиғиш ва улардан фойдаланиш. 2-расмда ЙТХ ҳақида маълумотларни реал вақт режимида қандай қилиб ижтимоий тармоқлардан олиш ва визуаллаштириш кўрсатилган. Шу тарзда тўпланган маълумотлар ЙТХ ҳақида батафсил маълумот олишга имкон бермаса ҳам, полиция ва тез ёрдамнинг ўз вақтида реакция билдиришида катта роль ўйнайди.



2-расм. Нью-Джерси штатида йўллардаги муаммолар ва ЙТХни визуализация қилиш мисоли келтирилган [8].

Шунингдек, реал вақтда коммунал хизмат билан боғлиқ муаммо бўлган йўл участкаларини аниқлашимиз мумкин. Шунингдек, фойдаланувчи ўзининг Twitter-даги akkaунтида фотосуратни жойлаштирган бўлса, воқеа жойининг фотосуратини олишимиз мумкин.

Қоғоз технологиясидан ёки ярим компютерлаштирилган ЙТХларни ҳисобга олиш тизимидан мобил қурилмалар (смартфонлар, планшетлар) ёрдамида тўлиқ электрон тизимга ўтишда бу қурилмалар аниқлик, долзарбликни ошириш, ҳодисани аудио, видео, фотосуратлар, эскизлар ва геолокация ёрдамида батафсил тасвирлаш имконини беради. Чет эл амалиётида кўринадики, ЙТХлари тўғрисида маълумот тўплашнинг эскирган усуллари маълумотни ўз вақтида тақдим этмайди, баъзида улар ЙТХ содир бўлган жойда ЙТХлари рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб 50 кунгача етиб бориши мумкин. Шунга кўра бу, нафақат маълумотлар ба-

засининг тўлиқ эмаслигига, балки ЙТХ ҳақида кам маълумот тўплашга олиб келади.

ЙТХ ҳақида кам маълумот бериш ривожланган мамлакатларда ҳам долзарблигига қолмоқда. Барча мамлакатларда жабрланганлар билан содир бўлган ЙТХ ҳодисаси тўғрисида кам маълумот бериш муаммоси мавжуд. ЙТХларни ҳисобга олиш бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган Скандинавия мамлакаларида жароҳатланганлар тўғрисида ўртача 50% маълумот қайд этилади. Буюк Британияда автомобиллар ҳайдовчилари ёки йўловчилари жароҳат олган бахтсиз ҳодисаларининг атиги 60%, Австралияда 70%, Янги Зеландия ва Испанияда 67% қайд этилган. Россияда жароҳатланганлар ЙТХларни ҳисобга олиш 10-20% ни ташкил қилади [9].

Йўл-транспорт ҳодисалари туфайли ўлим статистик тадқиқотларнинг махсус объекти бўлиб, уни ҳисобга олиш билан бевосита боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

– Биринчидан, ўлимлар сонига ЙТХ оқиба-тида жойида вафот этганлар ва кейинги 30 кун ичида унинг оқибатларидан вафот этганлар кирдилар.

– Иккинчидан, йўл ҳаракати ўлими кўп сонли таркибий хусусиятларга қараб баҳоланади. Ўлим сони стандарт демографик хусусиятларга (жинси, ёши) ҳамда ностандарт ўзига хос хусусиятларга кўра тақсимланади. Унга қуйидагилар қиради: ЙТХ сабаблар (масалан, кўчалар ва йўлларнинг қониқарсиз ҳолати сабабли ЙТХ ва жабрланганлар ва бошқалар) туфайли содир бўлган ЙТХларда ўлим сонини тақсимлаш; ЙТХ ҳодисалари субъектлари томонидан ЙТХларда вафот этганлар сонининг тақсимланиши (масалан, ЙТХ ва пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш қурбонлари, ЙТХ ва транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва бошқалар); ЙТХларда ҳалок бўлганлар сонини ЙТХларда айбдор бўлган транспорт воситалари эгаларини тоифалари бўйича тақсимлаш (масалан, ЙТХда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳалок бўлганлар ва бошқалар).

– Учинчидан, бир қатор омиллар ЙТХлар туфайли ўлим кўрсаткичларига таъсир қилади. Улар орасида: куннинг вақти ва йилнинг даври; йўлнинг ёритилиши; автомобиль йўлларининг узунлиги ва қопламаси; автомобиллар ҳаракат жадаллиги ва оқими ва бошқалар [10].

"Авария" дастури Қозоғистонда қуйидаги функциялар билан ишлаб чиқилган [11]:

- ЙТХлар карталаридан статистик маълумотлар базасидан қидириш, киритиш, ўзгартириш ва ўчириш;

- бир ёки бир нечта мезонларга мувофиқ та-

лаб қилинган картани қидириш (автоҳалокат санаси, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтган санаси, жабрланувчининг фамилияси ва бошқалар);

- ЙТХлар статистик таҳлили (микдорий, сифатли ва топографик);

- статистик маълумотларнинг умумий ҳажмидан маълум диапазонни танлашга имкон берадиган мантикий операторлардан фойдаланиш билан бирлаштирилган (тўрттагача) бир ёки бир нечта мезон бўйича маълумотларни филтрлаш;

- турли хил ҳисобот шакллари шакллантириш ва босиб чиқариш, таҳлил натижалари, бахтсиз ҳодисалар карталари ҳисоботлари;

- маълумотлар базасига маълумотларни киритишда, кириш объектини аниқ аниқлашга ва маълумотлар базасини ҳажмини камайтиришга имкон берадиган ихтисослашган луғатлардан фойдаланиш.

Илмий адабиётларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ишлаб чиқиш ва маълумотларни реал вақт режимида марказий электрон маълумотлар базасига узатиш, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати каби бўлимлар, йўл ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, суғурта ташкилотлари ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида электрон маълумотлар алмашинуви зарур. GPS модуллари билан жиҳозланган замонавий кўчма қурилмалардан (смартфонлар, планшетлар), юқори аниқликдаги фото-видеокамералардан фойдаланиш йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари дуч келадиган муаммони ҳал қилиши мумкин. Яна бир вазифа - бу маълумотларни битта электрон маълумотлар базасида сақлаш. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати аллақачон жуда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширган, аммо камчиликлар мавжуд:

1. Электрон маълумотлар базаси маҳаллий версиясига эга;

2. Маълумотлар замонавий талабларга жавоб бермайдиган эскирган дастурларда сақланади;

3. Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларни статистик таҳлил қилиш жуда эскирган;

4. Давлат идоралари ўртасида йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви мавжуд эмас. Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларни қўлда йиғиш (ёзувлар картаси) туфайли бўшлиқлар (етишмаётган маълумотлар), маълумотларни узатиш ва маълумотларни кеч қилиш, қурбонларни тўғрисида маълумотлар кам,

маълумотларнинг аниқлиги жуда паст;

5. ЙТХ содир бўлган жойнинг аниқ геолокацияси мавжуд эмас;

6. Электрон харитада ЙТХ содир бўлган жой визуализация қилинмаган;

7. ЙТХ схемасини қўлда расмийлаштириш;

8. ЙТХ базаси ҳайдовчилар ҳайдовчилик гувоҳномаларига ва транспорт воситалари базаларига уланмаган;

9. ЙТХни сақлаш ва ҳисобга олишда иқлим шароитлари ҳисобга олинмайди;

10. Юқори малакали мутахассислар танқислиги.

Адабиётлар:

1. Belin, Matts-Åke, Johansson, Roger, Lindberg, Johan, & Tingvall, Claes. The Vision Zero and its Consequences, Proceedings of the 4th international conference on Safety and the Environment in the 21st century, november 23-27, 1997, Tel Aviv, Israel.

2. Государственное дорожное управление Швеции. Номер заказа: 889 03. 2-е издание. Апрель 2006. Производство: confetti. Фото: hakan olsén, kerstin ericsson и leif forslund.

3. International Transport Forum. Road Safety Annual Report. Sweden. 2019

4. Sjöo, B., and A.-C. Ungerbäck. 2007. Nytt nationellt informationssystem för skador och olyckor inom hela vägtransportssystemet: Strada: slutrapport (New National Information System for Injuries and Accidents in the Entire Road Transport System: Strada: Final Report). Borlänge: Vägverket.

5. Peter Markus, Design and development of a prototype mobile geographic information system for real-time collection and storage of traffic accident data, Master degree thesis, 2016

6. Содиқов Ж.И. Электронный учет дорожно-транспортных происшествий с применением геоинформационных технологий, Вестник ТашИИТ №1, 2018.

7. Mattsson, K., and A. Ungerbäck. 2013. Vägtrafikolyckor: handledning vid rapportering (Traffic Accidents: Tutorial for Reporting). Borlänge: Transportstyrelsen.

8. Abdullah Kurkcu, Ender Faruk Morgul, Kaan Ozbay. Extended Implementation Method for Virtual Sensors: Web-Based Real-Time Transportation Data Collection and Analysis for Incident Management, Volume: 2528 issue: 1, page(s): 27-37, 2019

9. Фаттахов Т. А. Источники информации о ДТП и учет дорожно-транспортного травматизма в России. Демографическое обозрение. 2014. № 3. С. 127-143

10. Махова О.А. Теоретические вопросы прикладного анализа смертности из-за ДТП. Статистика и Экономика. 2014;(6):183-187. <https://doi.org/10.21686/2500-3925-2014-6-183-187>

11. Макенов А.А., Наумик О.В. Совершенствование системы учета ДТП в подразделениях дорожной полиции. Вестник АКГТУ. – 2009. -№3. – С.83-88.

УДК: 620.97

ЮҚОРИ ПОТЕНЦИАЛЛИ ИККИЛАМЧИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Эшматов Мансур Мусурмонович, т.ф.н., доц.,
Алланазаров Қўлдош магистрант, Нарзуллаев Сухроб магистрант
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Мақолада Ўзбекистон саноатида ҳам бўладиган “Иккиламчи энергия ресурслари” таҳлил қилинган, уларнинг ишлаши ва улардан фойдаланиш йўллари ўрганилган. Иккиламчи иссиқлик энергия ресурсларидан фойдаланиш учун янги теплоутилизатор схемаси тақдим этилган.

Калит сўзлар: теплоутилизатор, дисперс, иккиламчи энергия, кирраланган, ИИЭР, совутиш камераси

В статье анализируются «вторичные энергоресурсы» в промышленности Узбекистана, исследуются их эксплуатация и использование. Внедрена новая схема теплообменника для использования вторичных тепловых энергоресурсов.

The article analyzes the "secondary energy resources" in the industry of Uzbekistan, explores their operation and use. A new heat exchanger scheme for the use of secondary thermal energy resources has been introduced.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси бирламчи-бошланғич энергия манбалари ўзига етарли бўлган мамлакат. Хозирги кунда унинг энергия ресурслари, ишлаб чиқариш ички талабларидан 15-20 % ортиқни ташкил этади. Амма, бутун динёдаги энергия истеъмоли тенденцияси каби, жадал ривожланаётган Ўзбекистон саноати учун ҳам энергия танқислиги рўй берди.

Шу сабабли иссиқлик энергияси ресурсларидан тежаб фойдаланиш замонавий ишлаб чиқариш саноатида, хаёт давомийлигида долзарб масалага айланиб бормоқда. Бошланғич-бирламчи энергия ресурсларини тежаш мақсадида иккиламчи энергия турларидан фойдаланиш самара беради. Булар: қайта тикланувчи (ноанъанавий) энергия турлари (ҚТЭМ); иккиламчи иссиқлик энергия ресурслари (ИИЭР).

Асосий қисм

ҚТЭМларидан фойдаланиш бўйича, давлат томонидан бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида” ги 1997-йил 25-апрелда қабул қилинган қонун. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 13-февралдаги қарорида “2009-2013-йиллар учун мамлакат энергияси хавфсизлигини таъминлашда ноанъанавий ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишнинг асослари белгилаб берилган. Бу соҳада маълум илмий ишлар, ишланмалар (1) ва амалий ишлар мавжуд.

ИИЭР- хақида эса бундай дейиш қийин. Иккиламчи иссиқлик энергия ресурслари (ИИЭР) – технологик агрегат, қурилма ва технологик қисмлардан чиқадиغان – махсулот, чиқиндилар, йўлдош ва оралиқдаги махсулотларнинг атмосферага чиқариб юбориладиган ёниш махсулотлари (тутун газлар) нинг – энди ушбу ҳолатда ишлатиб бўлмайдиган, аммо бошқа жойда ва бошқа мақсадда ишлатса бўладиган иссиқлик потенциали.

Қазиб олинадиган ёокилгининг ярмидан

кўпика, ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 65 % ни саноат корхоналари истеъмоли килади. Уларнинг ёнилғи иссиқлигидан фойдаланиш эффективлиги паст даражада. Илғор саноат корхоналаридаги ёнилғи иссиқлигидан фойдаланиш коэффициенти (ЁИФК) 40 % дан ошмайди. Масалан, магистрал газ қувурлари компрессор станцияларининг 1 та компрессор қурилмасидан атроф мухитга, соатига температураси 400 °С лик 190 тонна тутун газлар чиқариб юборилади.

Ўзбекистоннинг кўп энергия талаб қилувчи саноат соҳаларида ҳосил бўладиган иккиламчи энергия ресурслари (ИЭР) ва улардан фойдаланиш ҳолати (млн.т. шартли ёнилғи) 1–жадвалда келтирилган.

1-жадвал.


ИЭР турлари	Амалда ишлатилган		Ишлатилиш режалаштирилган
	2015	2020	
	Металлургия		
Ёнувчи	126.9	139.3	147.4
Иссиқлик жами	32.6	41.0	51.8
	159.5	178.3	198.5
	Кимё саноати		
Ёнувчи	0.25	0.49	0.57
Иссиқлик жами	2.96	5.70	8.76
	3.01	6.19	9.33
	Газ саноати		
Ёнувчи	1.4	2.15	2.15
Иссиқлик жами	4.3	6.1	8.95
	5.7	8.25	11.10
	Нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимё саноати		
Ёнувчи	21.10	32.0	42.0
Иссиқлик жами	15.90	25.8	37.30
	37.00	57.8	79.30
	Қурилиш материаллари саноати		
Иссиқлик жами	0.16	0.375	0.635
Жами ИЭР	249.86	318.91	385.99

Жадвалдаги маълумотларни анализ қилиш Ўзбекистон саноатидаги улкан иккиламчи энергия ресурслари мавжуд эканлиги ва ундан фойдаланиш жуда паст эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, бундай энергия ресурсларидан фойдаланиш мақсадида энергия тежамкор технологияларни яратиш, эффектив иссиқлик алмашиш аппаратларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ИИЭР дан фойдаланиш йўлларида бири ха-во қиздиргичларни қўллаш бўлади.

1-расмда, ушбу ха-во қиздиргичнинг, оралик иссиқлик ташувчисини совутиш кам харажатли модернизация қилинган схемаси келтирилган.



1-расм. 1- дисперс оралик иссиқлик ташувчи, 2- оралик иссиқлик ташувчи пастга ҳаракат қиладиган трубалар, 3- қувур сиртига ўрнатилган қирраланган иссиқлик трубалари, 4- тўсиқ, 5- сув йўлақлари, 6- совутиш камераси, 7- панжара, 8- транспортер, 9- иситиш камераси.

Аппарат қуйидагича ишлайди: юқорида жойлашган иситиш камерасида (9) дисперс оралик иссиқлик ташувчи (1) юқори температурали тутун газлар ёрдамида иситилади. Ишлаб бўлган тутун газлар камерада атмосферага чиқариб юборилади (расмда кўрсатилмаган). Оралик иссиқлик ташувчи юқори камера остида ўрнатилган трубалар (2) орқали пастки совутиш камерасига (6) зинч ҳолда силжийди. Совутиш камераси тўсин (4) ва қувур (2) остида ўрнатилган панжара (7) пастки қисм-

га бўлинган. Совутилган дисперс материал транспортер (9) ёрдамида яна юқориги камерага қайтарилади. Пастдан бериладиган сиқилган ха-во дисперс материалга қарама-қарши ҳаракат қиладиган ва исийди. Қувур ичидан ундаги дисперс материал орасидан ҳаракатланаётган ха-во, совутиш камерасининг тепасида ўрнатилган трубка йўлак орқали чиқарилади ва истеъмолчига юборилади.

Совутиш камерасининг юқори бўлагидан сув иситиш тизими мўлжалланган. Совуқ сув махсус йўлақлар орқали (расмда схематик кўри-нишда тасвирланган) дисперс материал ажратаётган қувурларни ташқи томонидан ҳаракатланади, унда ўрнатилган қирраланган иссиқлик қувурлари ёрдамида иситилади ва истеъмолга юборилади.

Хулоса

Ушбу схеманинг ўзига хос томони шундаки, зарур бўлганда ха-во тўсиқ (4) да ўрнатилган томони қиррали (расмда кўрсатилмаган) қувурлар орасидаги бўшлиқга киритилиши ва иссиқлик трубини ёрдамида иситилиши мумкин.

Таклиф қилинаётган иссиқлик ўтказгични қўллаш иссиқлик алмашиш жараёнини жадаллаштиради, қурилманинг Ф.И.К.ни оширади.

Адабиётлар

1. Авторское свидетельство СССР, SU-992917 кл F23L 15\02 1983 г.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 07.02.2017 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2030-йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепсияси. 15.10.2019 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2013 йил 11 мартдаги ПФ – 4512-сонли Фармони.
5. Хошимов Ф.А., Таслимов А.Д. Энергия тежамкорлик асослари. –Т.: “Ворис нашриёти”, 2014.
6. ГОСТ Р 51596-2000. Нетрадиционная энергетика. Солнечная энергетика. Коллекторы солнечные. Методы испытаний. - М.: ИПК Изд-во стандартов, 2000.

ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВОМ

УДК 658.5 : 69 (075.8)

МАЖМУА ҚУРИЛИШНИ ТАҚВИМИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Мирахмедов М.М., д.т.н., проф. – Тошкент Давлат Транспорт университети
Юсупова Л.С., докторант – Тошкент архитектура-қурилиш институти

Лойиҳалаш амалиётида ишлаб чиқилган қурилишнинг тақвимий режаси қурилишда задел меъёрлари талабларига мос келмайди, ташкилий-технологик схемалари ва қурилишни ташкил этиш услубига асосланмаганлиги сабабли экспертиза босқичида исботловчи маълумотлар етарли даражада ишонarli эмас ҳамда ҳисоб-китоб орқали тасдиқланмаган. Шу боис қурилишни ташкил этиш (ҚТЛ) лойиҳасини задел меъёрларига мувофиқлаштириш мақсадида тақвимий режани ишлаб чиқиш усули таклиф этилган. Бунда асос қилиб қурилишни оқим услубида ташкил қилиш ва унинг модели сифатида бир маром(ритм)ли циклограмма танланиб тузилган дастур воситасида капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишларининг мақбул тарзда тақсимланишини таъминловчи ҳисоб-китоблар автоматлаштирилган.

Калит сўзлар: қурилишни ташкил қилиш, оқим услуби, қурилишда задел меъёри, тақвимий режани тузиш усули, ҳисоблаш методикаси, мақбуллаштириш.

Calendar planning of construction of the complex

The construction schedule developed in the construction organization project does not meet the requirements of the reserve for construction, is not based on the choice of construction and technological schemes and the method of construction organization, therefore, it is not sufficiently reliable, the evidence base stored in the project archive is not confirmed by calculations and Therefore, it cannot be subjected to reliable examination. To eliminate this drawback, a technique is proposed that takes into account the lack of information. The methodology is based on the graph-analytic model of the flow organization of the construction of the complex, which allows you to develop a schedule that corresponds to the reserve rate. A calculation program has been drawn up, which allows in an automated mode to achieve the optimal distribution of capital investments and construction and installation works.

Key words: design, reserve margin, flow method, calculation method, optimization.

Қириш. Иқтисод, фан, техника ва технологияларнинг ривожланишига мувофиқ доимий равишда янгилашиб, ўзгартирилиб, тўлдирилиб туриладиган қурилиш меъёрий базаси (ПҚ-5577, 2018), уни ташкил этишнинг муҳим элементи ҳисобланади (ПП 3550, 2018; ШНК 3.01.01-03; Ezeldin, 2018).

Мувофиқлаштириш функцияси ва ечимларни мақбуллаш қурилиш лойиҳасини амалга оширишнинг ҳамма босқичларида ҳар доим ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган (Дикман, 2018; Oberlender, 2000).

Қурилишни ташкилий-технологик тайёрлаш олдинги даврларда қабул қилинган одат бўлиб қолган (эскирган) келишиш тамойили асосида амалга оширилган (Михайлов, 2016; Цай и др., 1999). Ваҳоланки, ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ)да қабул қилинадиган ечимлар ҚТЛда қабул қилинган ечимларга зид келмаслиги лозим деб меъёрларда (қоидалар тўплами СП 48.13330.2011, 2011)да таъкидланган. Шунга қарамадан, лойиҳани бошқариш тизимида кўплаб қоида бузилиш ҳоллари учрайди. АҚШ да ўтказилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, "...қурилиш майдонларининг ёмон ёки адекват бўлмаган мувофиқлаштирилиши қурилиш амалиётининг энг ёмон координация деб ҳисобланган, уларни кўплаб қурилиш майдонларида кузатиш мумкин. Ҳали ҳанузгача қурилишни бошқаришда қурилишни меъёрий тарзда ташкил этиш умуман эътибордан четда қолдирилмоқда" (Ezeldin, 2018).

Қурилишнинг асосий иштирокчилари "бюро-мачи – лойиҳа ташкилоти – бош пудратчи" ўртасидаги ўзаро алоқа қоидаларидаги субъектив ечимлардан қутулиш учун қурилиш меъёрлари тизимида задел, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни бир маромда шакилланиши мақсадида қурилиш даврларида (ой, йил чораги ёки йил) кесимида бажарилиши керак бўлган иш ҳажми ёки қийматларига риоя қилиш назарда тутилган (СНиП 3.01.01-85*, 1990). Меъёрга амал қилинишини ҚТЛ ёки ИБЛларнинг тақвимий режасида кузатилиши лозим. Тақвимий режадан қурилиш босқичларининг давомийлиги, бошланиш ва тугаш муддатлари, қурилиш босқичлари ёки даврлари бўйича молиялаштириш (СНиП 12-01-2004, 2005), бундан ташқари, режадан келиб чиққан ҳолда моддий-техника ва меҳнат ресурслари (захиралари, манбалари)га бўлган эҳтиёжлар ҳам аниқланади, буларнинг ҳаммаси лойиҳани амалга оширишнинг бошланғич босқичида ўз ифодасини топган ечимлар изчиллигини шундай тарзда аниқлаб белгиланган ҳолда пудрат шартномаларига киритилиши лозим.

Ҳозирги кунда бино ва саноат иншоотлари қурилишида заделларга риоя қилмаслик кузатилмоқда.

Юқорида таъкидланганларга боғлиқ ҳолда ҚТЛни лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида тасдиқланадиган тақвимий режани ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади, чунки амалдаги меъёрларга мувофиқ унга

риоя қилиш қурилишнинг кейинги барча босқичларида ва қурилиш учун белгиланган молиялаштириш ҳамда бу борада қабул қилинадиган ечимларнинг ишончилигини ошириш учун мажбурийдир. Тақвимий режани заделларга мос услубини ишлаб чиқишдан қўзланган мақсад – унинг исботловчи базасини, хусусан, капитал маблағларни қурилиш даврлари бўйича меъёрга мувофиқ равишда тақсимланишини таъминлашдан иборат бўлиб, бу қабул қилинадиган лойиҳавий ечимнинг ишончилигини оширади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур методика лойиҳа экспертизасида етишмаётган элементни тўлдиради.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда, дастлабки техник-иқтисодий асослаш (ДТИА) ва техник-иқтисодий асослаш (ТИА) таркибида ишлаб чиқиладиган тақвимий режалар ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишга қадар анча аввал тузилган бўлиб, улар батафсил ҳажмий-режавий ва айниқса конструктив ечимларга таянмайди. Шунга боғлиқ ҳолда юқорида эслатилган лойиҳаларнинг тақвимий режаларини задел меъёрларига мос келиши тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Хулоса қилиб айтиш жоизки ҚТЛ лойиҳаларида тузилган тақвимий режалар етарлича исботловчи базага эга эмас, чунки ташкилий-техник тайёрлашда задел меъёрларига мувофиқлаштирилган услуб йўқлиги туфайли юзага келган.

1. Қурилишни оқим услубида ташкил этиш модели

Қурилишни оқим услубида ташкил этиш унинг ташкилий-технологик схемаларидан келиб чиқиб мантиқий ва вақтга боғлиқ структурасига эга бўлган комплекс оқим циклограммаси билан ифодаланган модели деган тахминни олдинга суриш мумкин. Моделнинг, яъни комплекс циклограмманинг асосий тамойили бўлиб бинолар ва иншоотларнинг қайси вазифани бажаришга мўлжалланиши ҳамда оқимларнинг ривожланиш характеридир. Булардан келиб чиқиб бино ва иншоотлар мажмуи қурилишига оид объект оқимлари шакллантирилади. Буларнинг бири асосий, қолганлари тобъ оқимлар.

1.1. Моделлаштиришнинг методологик ёндашуви.

Асосий оқим лойиҳа мақсадига мос келувчи асосий бинолардан, тобъ оқимлар асосий бино ва иншоотларнинг вазифасини бажаришга керак бўлган ёрдамчи бинолар ва муҳандислик коммуникацияларига бўлинади (Attebery, 2018; Billington, 2017).

Ёрдамчи бинолар, иншоотлар ва муҳандислик коммуникациялари СНиП 3.01.01-85*, 1990; ШНК 4.01.16-04, 2004 га мувофиқ асосий объект (лар) тайёр бўлгунга қадар қуриб битирилиши ва фойдаланишга тайёр бўлиши лозим. Шу тамойилга мос равишда муҳандислик коммуникациялари (сув, канализация, иссиқлик,

электр таъминоти тармоқлари ва бошқа чизикли объектлар) эксплуатация қилинишига ёрдамчи бинолар (насос станциялари, трансформатор станциялари, омборхоналар ва ш.ў.лар)ни қабул қилгунга қадар тайёр бўлиши лозим. Ишчи комиссия (пудратчи-буюртмачи) томонидан объектларни фойдаланишга қабул қилишнинг навбатлилиги ва ишлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда битта оқимнинг бошқа оқимга нисбатан олдинга минимал илгарилаб кетиши 1-2 ҳафтадан кам бўлмаслиги лозим.

Комплекс циклограмманинг параметрлари бўлиб қурилиш давомийлиги, шу жумладан, тайёрлов даврининг, тобъ оқимларнинг илгариланиш давомийликлари ҳамда қурилиш даврлари бўйича капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишларининг тақсимланишини акс эттирувчи қурилиш заделлари ҳисобланади (Бутенко, 2018). Асосий оқимдан ташқари, тобъ оқимларнинг вақт параметрлари тақвимий режани мақбуллаштириш давомида мақсадли ўзгартирилади.

Мажмуага кирувчи объектларнинг нархи меъёрларга мувофиқ алоҳида аниқланади (Мирахмедов, 2016), сўнгра объектларнинг нархлари гуруҳга мос тарзда жамланади ва тақвимий режани лойиҳалаш ва тасдиқлаш даврида ўзгармас қийматлар шундай кўринишда сақланади.


Қурилиш давомида капитал маблағларни ўзлаштириш жадаллиги тайёр маҳсулотни чиқариш даврига яъни моделдаги иккинчи оғма чизикка шартли равишда мос келадиган охири бригаданинг ишини бошлаши ва тугатишига боғлиқ ҳолда аниқланади. Ҳар бир оқимнинг тайёр маҳсулотини чиқариш даври давомийлиги шу оқимнинг тайёрлов ва ривожланиш даврларининг давомийлиги ҳамда бошқа оқимга нисбатан илгариланишидан келиб чиқиб ҳисобланади (ШНК 3.01.04-04, 2004).

Қурилишнинг тақвимий режасини ишлаб чиқиш жараёнида задел меъёрларига мувофиқлаштирилади. Бунга иккинчи оқимдан бошлаб вақтга боғлиқ параметрларини қадамма-қадам ўзгартириш билан оптималлаштириш билан эришилади.

1.2. Бино ва иншоотлар мажмуаси қурилишининг граф-аналитик модели

Тақвимий режани ишлаб чиқиш кўп босқичли жараён бўлиб, қурилишни график ифодалаш, ундан капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишларини тақсимлаш кўринишидаги якуний натижаларни график ва жадвал шаклларда олишдан иборат бўлади, яъни тақвимий режани тузиш ва мақбуллаштиришни автоматлаштириш имконини берувчи етарли даражада алгоритмлаштириладиган жараёндир. Таклиф этилаётган услуб қурилишни ташкил этиш лойиҳасини, хусусан, тақвимий режасини ишлаб чиқувчи лойиҳачининг автоматлаштирилган иш жойини яратишга йўналтирилган, бунда қурилишни оқимли ташкил этиш моде-

лини қурилишни қабул қилинган ташкил этиш услуби доирасида ишлаб чиқиш тақозо этилади (Белова, 2012; Мирахмедов и др., 2016).



1-расм. Оқим услубида ташкил этишнинг граф-аналитик модели:

T – қурилиш давомийлиги, йил/квартал/ой;

T_n; T_{n1} – биринчи ва иккинчи оқимларга мос келувчи тайёрлов даври давомийлиги, квартал/ ой; T_{np1}; T_{np2}; T_{np3} – оқимлар бўйича маҳсулот чиқариш даврларининг давомийлиги, йил/квартал/ой; τ₁; τ₂; τ₃ – оқимларнинг ёйилиш (кенгайиш) даври, квартал/ой; O₁; O₂ – иккинчи оқимни биринчи ва учинчига оқимларга таққослаганда иккинчи оқимнинг ўзиб кетган ҳолда яқунланиши, ой/ҳафта.

Қурилиш муддатини белгилаш икки усулда амалга ошади: директив тарзда берилиши ёки СНиП 1.03.04-85* га мувофиқ ўрнатилади, мазкур янги қурилиш ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги ишлаб турган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини кенгайтиришда максимал йўл қўйиладиган давомийликларини аниқлаш ҳамда капитал қурилишни режалаштиришда, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЛ)ни II, III ва IV кварталларда объект қурилишининг бошланишини режалаштиришда асосий фондларни ҳаракатга кiritиш ва объектни эксплуатацияга топшириш муддатлари қурилиш давомийлигини тақвимий йиллар бўйича мос равишда биринчи, иккинчи, учинчи кварталларга сил-житиш билан умумий давомийлик-дан келиб чиққан ҳолда аниқланади (8-банд). Йирик корхона қурилиши ва бунинг учун қурилиш индустрияси объектларини яратишда даво-мийлик меъёри ошади, лекин асосий объект ва қуриладиган корxonанинг бинолари ва иншоотлари қаторига кирмайдиган ёрдамчи объектларнинг қурилиш вақтида сурилишини ҳисобга олган ҳолда бу ошиш 30% дан юқори бўлмайди. (1-банд). Баландлиги 1500 м дан юқори бўлган тоғлар жойлашган ҳудудлар ва баландлиги 300 мм дан кам бўлган чўлли районлардаги қурилиш шароитларида қурилиш давомийлигига мос равишда 1,3; 1,5 коэффициент қўлланилади, бироқ чўлларда турар-жой ва ижтимоий вазифасини бажарадиган объектлар учун коэффициент 1,1 (10-банд) қабул қилинган. Пасайтирувчи коэффициентлар енгил конструкцияли объектлар учун 0,75, йирик блокли объектлар учун 0,5 ва қурилиш машиналари билан бажариладиган қурилиш-монтаж ишларини 2 сменада ташкил

этишда, қолган ишларни 1,5 сменада ташкил этишда ёки барча ишларни 2 сменада ташкил этишда - 0,9, ёки 3 сменада бўлса – 0,8 коэффициентлар қўлланади (13-15 - бандлар), бироқ бир нечта шарт-шароитлар бўлганда фақат битта коэффициент қўлланади (16-банд).

Қурилиш давлари бўйича бажарилиши лозим бўлган қурилиш-монтаж ишлари ва капитал маблағларни ўзлаштириш (заделлар) СНиП 3.01.01-85*, 1990 бўйича ўрнатилади. Қурилиш давомийлиги СНиПга нисбатан ўзгарганда эса заделларнинг қиймати қуйидаги усулни қўллаб аниқлаштирилади: задел кўрсаткичининг коэффициенти қуйидаги формула (1) бўйича аниқланади:

$$\delta_n = \frac{T_n}{T_p} \cdot n, \quad (1)$$

бу ерда T_n – корхона қурилишининг меъёр бўйича давомийлиги;

T_p – объектни конкрет шароитларга боғлашни ҳисобга олган ҳолда ҳисобий (директив) давомийлиги;

n – объектни катта-кичиклигига қараб СНиПда қабул қилинган қурилиш давлари (ой, квартал, йил)нинг тартиб номери.

Капитал маблағлар бўйича задел K'_n қурилишнинг ҳисобий давомийлиги учун қуйидаги формула (2) бўйича аниқланади:

$$K'_n = K_n + \frac{(K_{n+1} - K_n) \cdot \alpha_n^3}{m} \cdot n, \quad (2)$$

бу ерда K_{n+1}; K_n - квартал тартиб номери

билан аниқланадиган α_n коэффициентда бутун сонга мос келадиган n- квартал охирига келиб меъёр (1-жадвал) бўйича қабул қилинган қурилиш давомийлиги учун капитал маблағлар бўйича задел кўрсаткичлари;

α_n - d_n коэффициентнинг каср қисмига тенг бўлган коэффициент;

T - i+1- кварталдаги ойлар сони.

Мажмуа қурилишини ташкил этиш услуби қандай бўлишдан қатъий назар, қурилишнинг умумий давомийлиги (муддати) асосий объектнинг муддатидан кўп бўлмайди. Бунинг исботи: меъёрга мувофиқ саноат корxonасига кириб келувчи ташқи йўллар битмагунча саноат корxonаси яқунланган деб ҳисобланмайди (СНиП 12-01-2004, 2004). Бу ҳолда, албатта, ички йўллар ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг учун графа-аналитик моделда бинолар ва иншоотлар (оқимлар) иккинчи ва учинчи гуруҳлари объектларининг илгарилаб яқунланишини кўзда тутиш тақозо этилади. Аниқланган камчиликларни тузатишга ажратилган муддатдан келиб чиқиб минимал илгарилаш бир ҳафтадан кам бўлмаган муддатда белгиланади, яъни саноат корxonасининг асосий биноси (бинолари)ни қабул қилиб олиш вақтига яқин қолиши инobatга олинади. Бунда ўрнатилган тартибга кўра (туғалланган объектларни фойдаланишга

қабул қилиш ҚМҚси) ёрдамчи биоларни бош пудратчи субпудратчилардан қабул қилиб олиниши назарда тутилади.

2. Комплекс оқим циклограммаси восита-сида тақвимий режа параметрларини ҳисоб-лаш

Капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишларининг қиймати оқимни ривожланиши даврида (τ), яъни иш фронтлари очилиб бориши ва қурилиш жараёнига янги бригадаларнинг қўшилиши билан, аста-секин ошиб боради, сўнгра моддий-техник ва меҳнат ресурсларидан максимал фойдаланиладиган даврлари бошланади (I_j). Бу даврларни оқимнинг турғунлашган даври деб аталади. Оқимга кирган биринчи ишнинг тугалланиши билан бригадалар аста-секин оқимдан чиқа бошлайдилар, яъни оқимга кирган ишларнинг тугалланиш даври бошланади. Шу пайтдан бошлаб капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари секин камаё боради (Бурлаченко, 2012). Капитал маблағларнинг йил/квартал/ойга тўғри келадиган максимал солиштирма миқдори (суммаси) қуйидаги (3) формуладан аниқланади

$$(I_j) = P_j / T_{пр,j} \quad (3)$$

бу ерда P_j - ҳисобдаги j оқимга кирувчи объект(лар)нинг жамлама нархи, млн. сўм;

$T_{пр,j}$ - қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқариш даври, йил/квартал/ой.

Қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқариш даври – бу шундай вақтки, шартли равишда, мазкур оқимга охириги бригаданинг кириш пайтидан шу бригада томонидан унга (4) формуладан аниқланиб, топшириладиган иш якунланганга қадар бўлган вақт давомийлигидир

$$T_{пр,j} = T_0 - (T_{п,j} + \tau_j), \quad (4)$$


Мажмуа ва қурилиш давлари бўйича ҳамда заделни ҳисоблаш учун жамланиб борилувчи капитал маблағлар

Мажмуага йўналтирилган капитал маблағлар интенсивлиги		$I_3/2$	$I_3+I_2/2$	$I_3+I_2/2+I_1/2$	$I_3+I_2+I_1/2$	$I_3/2+I_2+I_1$	$I_2/2+I_1$	$I_1/2$	
Ўсиб боровчи жамланмалар a,b,c,d...		$a=(I_3/2)$	$b=a+(I_3+I_2/2)$	$c=b+(I_3+I_2+I_1/2) \times 0,5$	$d=c+(I_3+I_2+I_1/2) \times 0,5$	$e=d+(I_3/2+I_2+I_1) \times 0,5$	$f=e+(I_2/2+I_1) \times 0,5$	$g=f+(I_1/2) \times 0,5$	$I_1/2$
Назорат $g = \sum_{j=1}^m P_j$									
Заделлар	ҳисоб	$\frac{a}{g} \cdot 100$	$\frac{b}{g} \cdot 100$	$\frac{c}{g} \cdot 100$	$\frac{d}{g} \cdot 100$	$\frac{e}{g} \cdot 100$	$\frac{f}{g} \cdot 100$	$\frac{g}{g} \cdot 100$	
	меъёр								

Ҳисобланган ва меъёр заделлари орасидаги фарқлар 1% дан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда ёрдамчи ва коммуникациялар оқимларининг вақтинчалик параметрларини ўзгартириб капитал маблағлар тақсимланишини мақбуллаштириш зарур бўлади.


Биолар ва иншоотлар мажмуасини тақвимий режалаштиришнинг таклиф этилган услубига ҳисоблаш алгоритми, блок-схема ва Си+ тилида дастур ишлаб чиқилган [22].

Хулосалар:



2-расм. Капитал маблағларни ўзлаштириш жадаллиги (интенсивлиги)

Капитал маблағларни ўзлаштириш жадаллиги (интенсивлиги) ўзида қурилишнинг (йиллар, кварталлар ёки ойлар бўйича) белгиланган давларида солиштирма капитал маблағлар ҳажмларини мужассам этади, унинг график тасвири қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Оқимлар бўйича ўзлаштирилган капитал маблағлар дифференциал (а) ва интеграл (б) графикалари

Бу солиштирма капитал маблағларни ўсиб бориши бўйича жамлаб йил, квартал, ой охирига келиб ўзлаштирилган капитал маблағлар қийматлари олинади (2-жадвал). Бу ерда ҳар бир давр охирига келиб қийматлар умумий нархга нисбатан фоизларда олинади ва задел қиймати билан солиштирилади.

2-жадвал

1. Лойиҳани муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири - бу бозор иштирокчиларининг шартнома асосида ўзаро алоқасидир - унинг натижаси ташкилий-техник даврида ишлаб чиқиладиган қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЛ)да қабул қилинган ечимларга, хусусан, тақвимий режага боғлиқ.

2. Экпертиза қурилиш иштирокчиларининг ўзаро алоқалари элементи сифатида лойиҳада қабул қилинган ечимларнинг меъёрлар ва директивалар билан мувофиқлиги (мослиги)ни

ўрнатилишида муҳим ролни бажаради. Эксперт, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилинган қарор (ечим)нинг ишончилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида лойиҳанинг қабул қилинган ечимларини исботловчи базаси бўлиб хизмат қилади архивига қўшимча маълумотларига мурожаат қилади. Бугунги кунда тақвимий режани тузишда амалга оширилган ҳисоб-китоблар услуб сифатида шаклланмаган.

3. Бинолар ва иншоотлар мажмуаси қурилишини оқим услубида ташкил этишнинг граф-аналитик модели асосида тақвимий режа ишлаб чиқиш услуби тақлиф этилди. Унинг параметрлари (қурилиш ва тайёрлов даври давомийлиги; оқимнинг ривожланиш давлари, оқимларни илгариланиши қатор меъёрлар, директив материаллар ва дарсликларни таҳлили натижасида, мажмуа таркиби лойиҳа хужжатларидан аниқланади. ҚТЛдаги объектларнинг нархи аналоглар бўйича ёки ШНК 4.01.16-04 мувофиқ ҳисоблаш йўли билан, ИБЛда сметадан аниқланиш назарда тутилган.

4. Зарурий ҳисоб-китоблар учун алгоритми, блок схемаси ва С+ тилида тузилган дастурдан фойдаланиб капитал маблагларнинг ва қурилиш-монтаж ишларининг задел меъёрларидан, оқимлар бўйича молиялаштириш (дифференциал ва интеграл) графикларидан ва мажмуа бўйича умумлаштирилган молиялаштириш графигидан минимум оғиши билан мақбул тақсимланиши олинади. Тизимли ҳисоб-китоблар лойиҳа архивида тақвимий режани исботловчи база бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Attebery, R., Hascall, J. The Blue-beam Guidebook: Game-changing Tips and Stories for Architects, Engineers, and Contractors. Wiley, 2018. — 327 p.
2. Белова, Е.М. Планирование и моделирование строительного производства. Уч. Пособие. – Кемерово: КузГТУ, 2012. - 31 с.
3. Billington, M.J. et all. The Building Regulations: Explained and Illustrated. 4th edition. — Wiley Blackwell, 2017. — 1005 p.
4. Бураченко, О.В. Проектирование, расчет и оптимизация потоков строительного производства/Учебно-практическое пособие. -Волгоград: ВолгГАСУ, 2012. - 60 с.
5. Бутенко, Е.А., Аксенова, Н.А. Календарное планирование. –Волгоград: ВолгГТУ, 2018. - 124.
6. Свидетельство на программный материал от 17.03.2016 № DGU 03620

7. Свидетельство на программный материал Агентства по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан от 17.03.2016 № DGU 03620.

8. СНиП 3.01.01-85* Нормы продолжительности строительства и задела в строительстве предприятий, зданий и сооружений. Част 1 и 2/ Переиздание с изменениями на 1 июня 1990 г. М.: РОССТРОЙ, 1990.

9. СНиП 12-01-2004 Организация строительства. -М.: Госстрой, 2005.

10. СП 48.13330.2011 Организация строительства. -М.: Минрегион РФ, 2011.

11. Ching, Francis D.K., Winkel, Steven R. Building Codes Illustrated: A Guide to Understanding the 2015 International Building Code. John Wiley & Sons, 2016. - 451 p.

12. Дикман, Л.Г. Организация строительного производства: учебник / [Под общей редакцией Цая Т. и Грабового П. М.: Издательство АСВ, 2018.

13. Garold, D. Oberlender. Project Management for Engineering and Construction. USA, McGraw-Hill, 2000. - 220 p.

14. Ezeldin, Samer. Construction Site Coordination and Management Guide. Momentum Press, 2018. — 182 p.

15. Мирахмедов М., Расулмухамедов М. М., Тохташева Н. Программа для ЭВМ: «Оптимизация календарного плана строительства комплекса зданий и сооружений поточным методом».

16. Мирахмедов М., Расулмухамедов М. М., Тохташева Н. Про-грамма для ЭВМ: « Оптимизация календарного плана строительства комплекса зданий и сооружений поточным методом»..

17. Михайлов А.Ю. Организация строительства. Календарное и сетевое планирование. М.: Инфра-Инженерия, 2016. - 296 с.

18. ПП 3550 от 20.02.2018 «О мерах по совершенствованию порядка проведения экспертизы предпроектной, проектной, тендерной документации и контрактов»

19. УП-5577 от 14.11.2018 «О дополнительных мерах по совершенствованию государственного регулирования в сфере строительства»

20. ШНК 3.01.01-03. Организация строительного производства

21. ШНК 3.01.04-04 "Приемка в эксплуатацию законченных строительством объектов". Утв. Госком-архитектстрой от 25 декабря 2003 г. N 81.

22. ШНК 4.01.16-04 Правила по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах / Утв. Госархитектстроем № 49 от 20.07.2004

23. Цай Т.Н., Грабовой П.М., Большаков В. Организация строительного производства. Учебник для вузов. М.: АВС, 1999. – 432 с.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАСИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Сиддиқов Мумин Юнусович, Бердиқулов Аззам – Жиззах политехника институти

Корхоналарни реструктуризациялашга нисбатан тизимли ёндашув ва унинг илмий-методологик базасини ишлаб чиқиш корхонанинг бозордаги ўрнини белгилаб берувчи омиларни аниқлашни ва таснифлашни талаб қилади. Қурилиш материаллари саноати корхонасини реструктуризациялашнинг методологик асослари кўриб чиқилди, ички ва ташқи омиларнинг таъсири яхлит тизимга келтирилди, корхонанинг кониқарсиз фаолияти ва молиявий беқарорлиги белгилари кўрсатилди, корхоналарни реструктуризациялаш учун асосий сабаб бўладиган вазиятлар намоён этилди.

Таянч иборалар: Реструктуризациялаш, модернизация қилиш, диверсификация қилиш, стратегия, ички

ва ташқи муҳит омиллари, дебиторлик қарзлари, бизнес –муҳит, иктисодий муҳит, сиёсий муҳит, ҳуқуқий муҳит, ижтимоий муҳит, илмий-техник муҳит, ишлаб чиқариш, маркетинг, менежмент, молиявий ресурслар, меҳнат унумдорлиги

Методологические основы реструктуризации промышленности строительных материалов.

Системный подход к реструктуризации предприятий и развитию его научно-методической базы требует выявления и классификации факторов, определяющих положение предприятия на рынке. Рассмотрены методологические основы реструктуризации промышленности строительных материалов, интегрировано влияние внутренних и внешних факторов, выявлены признаки неудовлетворительной деятельности и финансовой нестабильности предприятия, определены основные причины реструктуризации предприятий.

Ключевые слова: Реструктуризация, модернизация, диверсификация, стратегия, внутренние и внешние экологические факторы, дебиторская задолженность, бизнес-среда, экономическая среда, политическая среда, правовая среда, социальная среда, научно-техническая среда, производство, маркетинг, менеджмент, финансовые ресурсы, производительность коктейля

Methodological foundations for restructuring the building materials industry.

A systematic approach to the restructuring of enterprises and the development of its scientific and methodological base requires the identification and classification of factors that determine the position of the enterprise in the market. The methodological bases of the restructuring of the construction materials industry were considered, the impact of internal and external factors was integrated, the signs of unsatisfactory performance and financial instability of the enterprise were identified, the main reasons for the restructuring of enterprises were identified.

Keywords: Restructuring, modernization, diversification, strategy, internal and external environmental factors, receivables, business environment, economic environment, political environment, legal environment, social environment, scientific and technical environment, production, marketing, management, finance resources, cocktail productivity

Курилиш материаллари саноати корхоналарининг ҳозирги фаолиятида реструктуризациялаш – ҳўжалик тизимининг, шунингдек уни шакллантирувчи элементлар таркибини ички ва ташқи муҳит омилларининг таъсири остида ўзгартириш мажбурий амалиётга айланиб бормоқда.

Бозор муҳитида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун улар ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутиб, ишлаб чиқаришни доимий тарзда модернизациялаш, унга янги техника ва технологияларни жорий этиш, бошқаришнинг илғор усулларини мунтазам қўллаб боришлари лозим.

Корхоналарни реструктуризациялашга нисбатан тизимли ёндашув ва унинг илмий-методологик базасини ишлаб чиқиш корхонанинг бозордаги ўрнини белгилаб берувчи омилларни аниқлашни ва таснифлашни талаб қилади. Тасниф умуман инсон амалиётида ва хусусан, тизимли тадқиқотларда муҳим ҳодиса ҳисобланади. Илмий тасниф ўзида акс эттирилган воқелик соҳасига хос бўлган қонунлар тизимини ифодалайди.

Биз тақлиф этган тасниф қуйидагиларни тақомиллаштириш имконини беради:

1) Яқуний мақсадга эришиш – узлуксиз тақомиллашувчи ва ривожланувчи корхонани ташкил этиш учун фаолият кўрсатиш мақсади, таркиби, мезонлар, чекловлар, ташқи ва ички алоқаларни тўғри аниқлаш, шунингдек ўзаро алоқалар ва таркибий унсурлар (маркетинг, молия, ишлаб чиқариш операциялари ва б.) кичик мақсадларини кўриб чиқиш учун корхона тўғрисида умуман тизим тўғрисидаги каби тақаввур.

2) Тизимли ёндашув, у корхонанинг таркибий бўлинмалари фаолиятининг соҳасидан бошлаб, улар стратегиясини таҳлил қилиш, ре-

структуризациялаш ва олдинга қўйилган мақсадга эришиш бўйича бошқа тадбирларга таснифий белги бўйича таснифий даражани тузишнинг мантиқий таркибида ўз ифодасини топади.

3) Корхона фаолиятининг ҳар бир соҳаси бўйича уни тақомиллаштириш бошқичларини ташхис ҳилиш.

4) Корхонанинг ривожланишига нисбатан ёндашувлар, унинг асосини корхона таркибий бўлинмалари фаолиятининг соҳаларидан «қаркас» ташкил этади, уларнинг ҳар бири ўзининг муайян кичик мақсадларини ҳал қилади.

Муҳит ва корхонанинг ўзаро ҳамкорлиги. Аксарият тадқиқотларда корхона бевосита ўзаро ҳамкорликда бўладиган ички ва ташқи муҳит ажратилади.

Корхонанинг барча таркибий қисмларини реструктуризациялашни амалга оширишда корхонанинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни яхлит тизимга келтириш муҳим методологик жиҳат ҳисобланади. Корхона фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи реструктуризациялашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар бир соҳага мос келувчи тегишли таҳлилни ўтказишни назарда тутаяди, унинг натижалари асосида мақсадга эришиш стратегияси ишлаб чиқилади. Мақсадга эришиш стратегиясига мувофиқ корхона фаолиятининг ҳар бир соҳаси функционал унсурларининг самарадорлигини таҳлил қилиш натижалари реструктуризациялаш ва амалга оширилаётган тадбирлар турларининг мазмунини ишлаб чиқиш учун бошланғич материал ҳисобланади.

Қатор ҳолатларда корхонанинг молиявий ночорлиги корхона ички муҳити омилларининг таъсири туфайли юзага келади .

Корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этишнинг суғлиги ўтиш даврининг ўзига

хос хусусиятлари, шунингдек хўжалик юриштишининг ҳар қандай янги шаклига хос бўлган ҳам объектив, ҳам субъектив қийинчиликларни енгиб ўтиш зарурати билан шартланган.

1 – жадвал

Корхона қониқарсиз фаолият юриштишининг белгилари

Белгилар	Бевосита сабаблар	Сабабларга таъсир кўрсатувчи экзоген омиллар.
1. Ўтган даврга қараганда пул оқимининг пасайиши	1. Маҳсулотни сотишдан тушган тушумга қараганда ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб кетиши; 2. Хусусий айланма капитали етишмаслигининг ортиши.	1. Хомашё нархи ўсишининг сотиладиган товарлар нархларининг ўсишидан илгариллаб кетиши; 2. Валюта бозорининг беқарорлиги; 3. Инфляциянинг ўсиши.
	3. Маҳсулотни сотишдан тушган тушумнинг пасайишига олиб келган сотиш бозоридagi аҳволнинг ёмонлашуви.	1. Тўловга қобил талабнинг пасайиши; 2. Рақобатнинг кучайиши; 3. Дебиторлик қарзининг ўсиши.
2. Паст рента-беллик (активлар, сотувлар)	1. Маҳсулот таннархининг ошиши; 2. Активлар айланувчанлигининг секинлашуви; 3. Молиявий мустақамлик захирасининг пасайиши.	1. Етказиб берувчилар мопополлизми; 2. Меҳнат унумдорлигининг пастлиги; 3. Юксак рақобат.
3. Зарар кўриб ишлаш	1. Маҳсулотнинг рақобатдош эмаслиги; 2. Молиявий ресурсларнинг паст самарадорлиги; 3. Салбий операцион восита; 4. Салбий молиявий восита; 5. Талабнинг пасайиши	1. Ҳато сотиш сифати; 2. Ёмон молиявий менежмент; 3. Сифатлироқ ёки арзон товарларнинг пайдо бўлиши.

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Ўзгаришларга бўлган эҳтиёжларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири – бу корхона бошқаришнинг самарасиз тизимидир.

УДК 322.6(075.32)

ТУРАР ЖОЙ КЎЧМАС МУЛКИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ.

Суюнов Яхшигул, Рахмонова Феруза – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти
Раупова Нигора – ТТЕСИ (Ўзбекистон)

Ушбу мақола турар-жой кўчмас мулкни баҳолашни назарий ва амалий тамоилларини урганиш орқали баҳолашнинг инновацион усуллари ва воситаларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга бағишланган. Бу эса келажакда мутахасисларга замонавий ривожланиш тенденциялари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усуллар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам курсатади.

Калит сўзлар: кўчмас мулк, баҳолаш, ташқи омил, ички омил, эскириш даражаси, бозор баҳоси, молиялаш, худуд.

Шунинг учун, корхонанинг қониқарсиз ишлашига олиб келувчи омилларни билган ҳолда, ўзгаришларни ўз вақтида амалга ошириш ва инқирозли вазиятларга барҳам бериш мумкин.

Корхона қониқарсиз фаолият юриштишининг энг кенг тарқалган белгилари 1– жадвалда келтирилган [3].

1–жадвалда келтирилган корхона қониқарсиз фаолият юриштишининг белгилари корхонани соғломлаштириш бўйича қатъий чоралар кўрилмаган тақдирда унинг молиявий беқарорлигига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида кўплаб корхоналар молиявий беқарорлиги муаммосининг кескинлашуви сабаб шуки, улар ўз маблағларининг катта қисмидан ажраб қолди ва бозор шароитларига қийин мослашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли “Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни реструктуризациялаш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва кейинчалик ушбу қарорга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар корхоналарнинг тикланишига ёрдам бермоқда [1]. Таъкидлаш лозимки, реструктуризациялаш нафақат самарасиз бошқарув тизимига эга бўлган “муаммоли” корхоналар учун, балки нормал ишлаб турган корхоналар учун ҳам зарур.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

2. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. / Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқ. // С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.

3. Методология оценки стоимости строительного предприятия. Бердикулов А, Сиддиқов М. «Молодой учёный» № 7.2 (111.2) г.Казань 2016 г.

4. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И, Бердикулов А, Сиддиқов М. Экономика и организация реконструкции при реструктуризации предприятия. // Учебное пособие. Издательство Фан АН РУЗ 2010 г.

Статья посвящена разработке предложений по совершенствованию инновационных методов и инструментов оценки путем изучения теоретических и практических принципов оценки жилой недвижимости. Это окажет практическую помощь будущим специалистам в разработке методов оценки и критериев оценки с учетом современных тенденций и особенностей развития.

Ключевые слова: недвижимость, оценка, внешний фактор, внутренний фактор, степень морального износа, рыночная стоимость, финансирование, территория.

The article is devoted to the development of proposals for improving innovative methods and assessment tools by studying the theoretical and practical principles of residential real estate appraisal. This will provide practical assistance to future specialists in the development of assessment methods and assessment criteria, taking into account current trends and developmental characteristics.

Key words: real estate, appraisal, external factor, internal factor, degree of obsolescence, market value, financing, territory.

Кириш. Ички иқтисодийнинг ривожланиши, инвестиция ва қурилиш соҳасидаги бозор ислохотларининг энг аниқ натижаларидан бири бу кўчмас мулк бозорининг шаклланиши бўлди. Замоनावий кўчмас мулк бозори 20 йилдан ошиқроқ вақтни ташкил этади, аммо у аллақачон ўзига хос хусусиятларга ва маълум ривожланиш тенденцияларига эга. Бозор шаклланишига кўчмас мулк бозори субъектлари ўртасида қонунчилик базаси ва маданиятли муносабатларнинг шаклланиши ижобий таъсир кўрсатди [2].

Мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай, янги уй-жойларнинг қурилиши ҳам давлат ҳам маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ва хусусий сармоядорлар ҳисобидан давом этмоқда ва янги объектларни фойдаланишга топширишнинг умумий ҳажмидаги улуши ортиб бормоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда шаҳарларида аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминлаш даражаси ўртача Европа даражасидан икки баравар ва АҚШдаги кўрсаткичдан тўрт баравар паст. Аҳолини ижтимоий муассасалар билан таъминлашга кўра, турар жойлар ва жамоат бинолари сифати даражасидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда, бу фарқ янада юқори.

Асосий қисм. Шуни ҳам ёдда тутиш кераки, кўчмас мулк бозори мукамал бўлмаган бозор турларига тегишлидир: унда айланиб юрадиган объектлар ностандарт, сифат жиҳатидан таққослаш қийин; бу бозор ҳар доим маҳаллий (талаб, таклиф ва нархлар объектларнинг жойлашишига боғлиқ) ва ўта ноаниқ (таъминот ҳар доим ҳудуднинг табиий танқислиги туфайли чекланган). Бу барча қийинчиликлар кўчмас мулкни баҳолаш жараёнида қийинчиликларга олиб келади. Бозор иқтисодиётига эга бўлган аксарият мамлакатларда кўчмас мулкни солиққа тортиш мақсадларида оммавий баҳолаш ва қайта баҳолаш - сўнгги йилларда замоनावий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда автоматлаштиришга уринишлар анча оғир ва мураккаб жараёндир.

Кўчмас мулкни баҳолашнинг мавжуд усуллари тамоили жиҳатдан бозор тизимининг барча шартлари ва талабларига жавоб беради, чунки улар бозорнинг асосий таркибий қисмлари -

талаб ва таклифга асосланган. Шу билан бирга, турар жой ва жамоат биноларини баҳолаш нафақат методологик хусусиятга эга, балки ўзига хос хусусиятларга ҳам эга, чунки кўчмас мулкни баҳолаш жараёнига кўплаб ижтимоий, умумий иқтисодий омиллар таъсир қилади. Шу сабабли, кўчмас мулкни баҳолашнинг барча ҳолатлари учун Ўзбекистон бозорининг ижобий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ва функционал, архитектура ва қурилиш, таркибий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли хил услубий ёндашувлар талаб қилинади.

Замоनावий кўчмас мулк бозорида уй-жой ва фуқаро объектларининг деярли барча турлари намойиш этилган. Сўнгги йилларда уй-жой қурилиши соҳасида, шунингдек, фуқаролик объектлари билан битимлар ҳажми доимий равишда ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда кўчмас мулкнинг бирламчи бозори тулиқ шаклланиганда сунг, иккиламчи бозорни шакллантириш бошланди. Бозор ривожланишининг ушбу bosқичининг ўзига хос хусусияти кўчмас мулкка инвестиция фаолияти объекти сифатида ёндашиш бўлиб, у нафақат бир вақтнинг ўзида фойда олиш учун бирламчи бозорда сотиб олинган объектларни (квартираларни) қайта сотиш, балки доимий равишда пул маблағларини тежашга қаратилган, масалан, ижарадан.

Шу муносабат билан, умумий мезонларнинг ва уй-жой ва фуқаролик мақсадлари учун турли хил вариантларни баҳолаш учун таққосланган кўрсаткичлар тизимининг йўқлиги ижтимоий инфратузилманинг моддий базасининг номувофиқлиги ва нотекис ривожланишига, шунингдек кўчмас мулк бозорида уларни амалга оширишга олиб келади. Шунинг учун, баҳолашнинг методологик воситаларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган кўчмас мулкни (турар-жой ва жамоат биноларини) баҳолаш муаммосини назарий ва амалий ўрганиш ҳамда изланишларни талаб этади.

Шундай қилиб, мақсад ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, турар жой ва фуқаролик объектларини

яхлит тизим сифатида, биноларнинг алоҳида турлари ва дизайнини ҳар томонлама баҳолашга илмий асосланган инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Бунинг учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш зарур ҳисобланади[3]:

- кўчмас мулкни инвестиция, бошқарув ва баҳолаш фаолияти объекти сифатида тадқиқ қилиш, кўчмас мулк объектлари таснифини таҳлил қилиш;

- умумий ва ўзига хос хусусиятларни, шунингдек ҳар хил кўчмас мулк турларини баҳолашнинг асосий принципларини аниқлаш ва асослаш;

- кўчмас мулк бозорида турар жой ва коммунал объектларнинг асосий таркибий қисмлари, ривожланиш йуналишлари ва нархлар динамикасининг ҳар томонлама таҳлили;

- кўчмас мулк объектларини баҳолашнинг мавжуд усуллари ва алгоритмларини умумлаштириш, ҳар хил турар жой объектлари учун уларни амалий қўллаш хусусиятларини асослаш;

- замонавий иқтисодий шароитда кўчмас мулк бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулк объектларини ҳар томонлама баҳолаш учун услубий воситаларни ишлаб чиқиш ва ҳақозлардир.

Инвестицион қурилиш лойиҳалари ва кўчмас мулк лойиҳаларини баҳолаш тамойилларини таҳлил қилиш камида тўртта тадқиқот блокларини ўз ичига олади: а) таркибий жиҳат; б) моҳиятли жиҳат; в) услубий тамойиллар; д) операцион тамойиллари.

Шу билан бирга, ушбу муаммоларни ҳал қилиш объектнинг сифатига зид келмаслиги ва унинг ижтимоий хусусиятларига зарар этказиши мумкин эмас. Ўнлаб йиллар давомида амалда бўлган қурилиш кодлари бекор қилинган ва уларнинг асосида янгилари ишлаб чиқилган бугунги кунда бу айниқса муҳимдир.

Инвестицион қурилиш лойиҳалари ва кўчмас мулк лойиҳаларини баҳолаш тамойилларини таҳлил қилиш камида тўртта тадқиқот блокларини ўз ичига олади, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: а) таркибий жиҳат; б) моҳиятли жиҳат; в) услубий тамойиллар; д) операцион тамойиллари. Қуйида биз охириги икки тамойилга тўхталиб утаимиз.

Тузилиш жиҳатидан мулкчилик шакллари, нархларни белгилаш усуллари ва бошқалар каби муҳим жиҳатлар нуқтаи назаридан ҳар хил иқтисодий тизимлар жиддий фарқларга эга. Шу билан бирга, кўчмас мулкни баҳолашга фундаментал ёндашувлар кўп ўхшашликларга эга (гарчи улар ушбу умумий тамойилларни амалга оширишда сезиларли фарқ қилиши мумкин).

Услубий тамойиллар лойиҳанинг (объект-

нинг) самарадорлиги уни амалга оширишнинг ижобий таъсирини англатади, яъни олинган натижалар йиғиндисининг лойиҳани (объектни) амалга ошириш учун зарур бўлган умумий харажатларни баҳолашдан ошиб кетишини олдини олишдир. Тўғри, қўлланиладиган баҳолаш усуллари, қоида тарихида, биринчи навбатда қуйидагиларни ўз ичига оладиган умумий расмий талабларга жавоб бериши керак:

- натижаларни ошириш ва харажатларни қисқартиришда лойиҳа (объект) самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар;

- иккита лойиҳани (ёки вариантларни) таққослашда улардан биттасининг фойдалари миқдорининг миқдорий ифодаси бошқа лойиҳанинг катталигини ифодалашга тўғри келиши керак. Шунинг ҳисобга олиш керакки, лойиҳа (объект) мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимга «мос келади», масалан, тўлов қобилияти, шунинг учун уни амалга ошириш жараёнида нафақат ички, балки ташқи таъсирлар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Баҳолашда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, иқтисодий бўлмаган соҳага қараб тақсимлашни ҳам ҳисобга олиш ва натижалар ва харажатларнинг тегишли турлари ва қийматларини аниқлаш керак. Одатда барча иқтисодий бўлмаган оқибатларини уч гуруҳга бўлиш мумкин[3, 4]:

- 1) маълум кўрсаткичлар тизимида иқтисодий баҳоланиши мумкин бўлганлар (талаб қилинмаган хизматлар, давлат муассасаларига потенциал ташриф буюрувчиларни тўлиқ қамраб олинмаслиги ва бошқалар);

- 2) тўғридан-тўғри иқтисодий баҳо беришни тубдан амалга оширишга имкон берадиган, ammo ҳозирда уни аниқлаш учун маълумот базаси ва алгоритмлари йўқ, масалан объектларни квалификация баҳолаш учун маълумотларни йўқлиги;

- 3) бундай баҳолашга, масалан, спорт ва театр ва кўнгилочар муассасаларда тақдим этиладиган ижодий хусусиятдаги хизматлар сифати билан боғлиқ равишда тулиқ баҳо беришга имкон бермайдиганлар.

Сўнги икки ҳолатда, иқтисодий бўлмаган оқибатларни ҳисобга олиш эксперт даражасида амалга оширилади. Интеграциялашган ёндашув бошқа бир қатор ҳолатларга, масалан, вақт жиҳатига нисбатан қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолда, лойиҳанинг бутун ҳаёти учун баҳолаш ўтказилиши керак.

Шунинг айтиб утиш лозимки, операцион тамойиллар замонавий тамойиллардан бўлиб қуйидагиларни ўз ичига олади:

- моделлаштириш - хизматларни (жамоат биноларини) ва яшаш майдонини (турар-жой биноларини) сотиш (сотиб олиш) имкониятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашнинг иқти-

содий-математик моделини шакллантириш;

- компьютер ёрдами - асосан тижорат объектлари, шунингдек иккиламчи уй-жой бозори жараёнининг динамикасини кузатиш учун дастурий таъминот тўпламининг маълумотлар базасини шакллантириш;

- соддалаштириш - баҳолашнинг алтернатив усулларидан фойдаланган ҳолда, сиз маълумот-ҳисоблаш нуктаи назаридан энг қулайини танлашингиз мумкин ва шу билан бирга ушбу турдаги объектнинг самарадорлиги шартларига жавоб беришингиз мумкин.

Шундай қилиб, тўртта принциплар блокинни ўрганишни ўз ичига олган лойиҳалар ва кўчмас мулкни баҳолаш тамойиллари таҳлили шуни кўрсатадики, баҳолаш даражалари уларнинг қийматга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолатларни ўз ичига олади.

Биз олиб борган илмий тадқиқотлар натижасида турар-жой ва жамоат биноларини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги **бир қатор услубий тавсияларни** келтираемиз.

Кўчмас мулк объектларини (шаҳар ерлари, турар-жой бинолари ва жамоат бинолари) баҳолаш зарурати ва уларни гуруҳларга бирлаштириш қуйидаги сабабларга боғлиқ:

1. Солиққа тортиш муаммоларини ҳал қилиш, чунки баъзи ҳолларда давлат мулкни сотишда ёки уни ижарага беришда кўчмас мулкнинг қиймати етарлича ҳисобга олинмайди, бу шаҳар бюджетида йўқотишларга олиб келади. Биз йирик объектлар қаторига киритилган кўчмас мулкни оммавий баҳолаш деб аталадиган нарсалар ҳақида гапираяпмиз (масалан, маълум сифат кўрсаткичлари тўплами билан ажралиб турадиган уй-жой ёки шаҳар жойлари). Оммавийдан фарқли ўларок, кўчмас мулкни индивидуал баҳолаш маълум бир мулкка тегишли бўлиб, ҳар бир вазиятнинг ўзига хос шартларини ва эгаси ва харидорининг шахсини (унинг хоҳиш ва имкониятлари) билан боғлиқ бўлган ҳолатни ҳисобга олади. Бундан ташқари, кўчмас мулкни баҳолаш солиқларни тўлашдан озод қилинаётганда ва ушбу жараёни тегишли тартибга солишда шаҳар бюджети даромадларининг йўқолишини аниқлаш учун зарурдир.

2. Турли хил объектларни объектив баҳолаш кўчмас мулк бозорини легаллаштиришга ёрдам беради, "қора бозор" кўламини камайтиради.

3. Кўчмас мулкни баҳолаш (солиққа тортиш мақсадлари учун), кўчмас мулкка оид битимлар

тузишда мулкдорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган муайян объектларни индивидуал баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4. Баҳолаш ҳокимият ердан фойдаланиш мақсади ёки уни бошқа мақсадга ўтказиш тартибини ўзгартирган тақдирда эгаларига компенсация бериш учун зарурдир.

5. Ернинг баҳоси (меъёрий нарх) ерни мулкка ўтказишда, мерос қилиб беришда, ҳада қилишда, ернинг биргаликдаги эгалик ҳуқуқини таъсис этишда ва ер участкалари билан кафолатланган кредитлар олишда талаб қилади.

6. Кўчмас мулкни баҳолаш шаҳарни режалаштириш ва шаҳарни узоқ муддатли ривожлантириш жараёнида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-меъморий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

7. Ушбу баҳолаш ижтимоий зиддиятлар юзага келганда солиқ сиёсатининг салбий оқибатларини олдини олиш учун зарур (масалан, кўчмас мулк солиғи асоссиз равишда юқори бўлган тақдирда).

Хулоса қилиб айтганда, баҳолашга инновацион ёндашувларни шакллантириш замонавий кучмас мулк бозорида баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишда бизга ёрдам беради, келажакда мутахассисларга замонавий ривожланиш тенденциялари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усуллар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга амалий ёрдам курсатади деб уйлаймиз.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураемиз.- Т.:Ўзбекистон. 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш тўғрисида»ги қонуни;
3. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И.. Оценка недвижимости: Учебное пособие – Ташкент, 2010. – 232 с.
4. Суёнов А.С., Бўриев Х.Т., Суёнов Б.А. Рақамли иқтисодиёт технологиялари ёрдамида кўчмас мулкни баҳолаш жараёнини такомиллаштиришнинг иқтисодий асослари. Монография. Самарқанд, 2020.
5. Chernyshev, S.L. Modeling of economic systems and forecasting their development: textbook / S.L. Chernyshev. - M: Publishing house of MSTU im. N.E. Bauman, 2013. - 231 p.
6. Economic and mathematical methods and applied models. Ed. V.V. Fedoseeva. - M.: UNITY-DANA, 2015. - 391 p.

УДК – 332.74

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР ТИЗИМИ

Искандаров Э.Б. инженер.

Мақолада қурилиш соҳасида кластер тизимини яратиш масалалари, бу тизимни инновацион ривожлантиришдаги ўрни ва амалиётга жорий этишни алгоритми келтирилган.

Калит сўзлар: инновацион ривожланиш, кластер тизими.

В статье рассматриваются вопросы создания кластерной системы в строительной отрасли, роль этой системы в развитии инноваций и алгоритм ее внедрения в практику.

Ключевые слова: инновационное развитие, кластерная система.

This article is devoted to the introducing construction cluster system. It is concerned with the issues of developing this system innovatively and presents algorithm of implementing it

Key words: innovative development, cluster system.

Кириш. Замоनावий шароитда саноатнинг ёки минтақанинг инновацион ривожланиши, сўнги ўн йилликлар давомида, кластерли тузилмалар ёрдамида таъминланди. Кенг маънода кластерлар ўзаро боғлиқ ташкилотларнинг бирлаштирилган гуруҳидир.

Кластер бўлиш учун ўзаро боғлиқ компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳи маълум бир соҳада ҳаракат қилишлари ва бир-бирини ўзаро тўлдиришлари керак.

Умуман олганда кластерларни қуйидаги учта асосий хусусиятлари билан таърифлаш мумкин:

- вертикал ишлаб чиқариш занжирлари, яъни ишлаб чиқариш жараёни кластерни ядросини ташкил этади. Бош фирмалар атрофида шаклланган тармоқлар;

- у ёки бу илмий муассасага (илмий-тадқиқот институти, университет ва бошқ.) боғлиқ бўлган тегишли соҳаларда иқтисодий фаолликнинг минтақавий чекланган шакллари;

- жамлаш даражаси юқори бўлган саноат тармоқлари (фармацевтика кластери) ёки секторлар бирлашиши (агросаноат кластери).

Юқоридаги назарий фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш, инновацион ва таълим кластерини яратишга объектив шарт-шароитлар мавжуд. Улар бизнинг фикримизча қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Ўзб.Рес. қурилиш вазирилик, қуйи ҳудудий бирликлари билан;

- лойиҳа-қидирув ва лойиҳалаш ташкилотлари;

- қурилиш соҳаларидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари;

- қурилиш ва қурилиш-монтаж ташкилотлари;

- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари саноати корхоналари;

- қурилиш саноатига хизмат кўрсатувчи бошқа корхона ва ташкилотлар. Шу жумладан, транспорт ташкилотлари, механизмларни таъмирлаш корхоналари, қурилиш материалларини етказиб берувчилар ва бошқалар.

Таҳлил ва натижалар. Бўлажак кластер ташкилотларининг юқорида келтирилган рўйхатдаги ҳар бир гуруҳ ўз вазифалари, мақсадлари ва афзалликларига эга. Мақсад кластер ичида қулай муҳит яратиш орқали рақобатдош ташкилотлар ва корхоналардан шерик корхона ва ташкилотларга айлантириш. Ушбу ўзгаришларни таъминлаш учун кластер ичида янги бошқарув функцияларини шунингдек таъсир қилишнинг зарур усуллари кўшимча ташкилий чоралар зарур.

Кластер тизимини жорий этишда унинг ҳаёт айланиши қуйидаги бир неча босқичларга эга эканлигини эътиборга олинishi керак, яъни:

- 0 босқич – кластерни яратиш учун зарур шарт-шароитлар пайдо бўлиш даври (анъаналар, географик жойлашуви, табиий ресурслар, макроиктисодий муҳит);

- I босқич. Кластер ўсиши-кластерни шакллантириш. Уларнинг ҳаракатлари ҳали мувофиқлаштирилмаган. Мавжуд бозор механизмининг бир қисми кўринишида.

- II босқич. Қўллаб-қувватланадиган кластер минтақанинг микро муҳитни яратишга қаратилган ҳаракатлари. Инновацион инфратузилмани яратиш.

- III босқич. Ўз-ўзини ўқитиш кластери. Кластер аъзоларининг уни ривожлантириш бўйича ҳаракатлари (инсон капиталини ўқитиш, бизнес муҳитини ривожлантириш, инновациялар ва технологиялар).

Соҳавий инновацион кластерни шакллантиришнинг ўзи инновацион ҳисобланади.

Изланишда олиб борилган таҳлиллар асосида қурилиш соҳасида кластернинг иерархик таркиби ва асосий вазифалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Шу билан бир қаторда ушбу масала бўйича экспертлар фикри ўрганилди.


Экспертлар ёрдамида инновацион ривожланишни бошқариш тизимини шакллантиришни муҳимлигини ва устивор йўналишни аниқлаш бўйича фикр билдиришди. Сўров натижалари 2-жадвалда келтирилган.

1- жадвал


Тармоқ инновацион кластерининг иерархик таркиби ва асосий вазибалари

Кластер даражаси	Ҳосилалар (элементлар) таркиби	Ушбу даражада ҳал қилинган энг муҳим вазибалар
Энг юқори синф даражаси	Қурилиш вазирилиги ва унинг худудий бўлинмалари	1. Тармоқни инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш 2. Тармоқни инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишни бошқариш
Иккинчи синф даражаси	Қурилиш вазирилиги ва унинг таркибидаги олий ўқув юртлари	1. Тармоқнинг инновацион ривожланиш йўналишларини аниқлаш 2. Соҳада инсон капиталини такомиллаштириш
5. Statistics of road traffic accidents in Europe and North America: Economic commission for Europe. - Geneva: United Nations, 2001. - Vol. XLVI. - 139 p.
6. Терехова Л.О., Лабанов П.А. Влияние дорожных условия на безопасность движения. - Минск. БНТУ. Данные из репозитории. С. 20-23.
7. «Влияние развития и состояния дорожной сети на уровень безопасности движения на дорогах России». Обзорная информация. Москва, 2003 г. Выпуск 4. С. 25-46.
8. Чванов В.В. Сравнительный анализ международных статистических данных о дорожно-транспортных происшествиях. - М., 2000. - С. 111-120. - (Сб. науч. тр./МАДИ (ГТУ).

УДК: 69.007-05

ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИ УЧУН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Абдусаматов Ш.Б., Абдуманнонов Б.М. Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институти

Мақолада “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари яъни таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда Республикамизда бўлгуси ёш кадрларга яратилаётган шарт – шароит ва имкониятлар учинчи Ренессансинг албатта амалга ошиши тўғрисида мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: Ренессанс, қурилиш меъёрлари, стандартлар, лойиҳа, ҳаракатлар стратегияси, шаҳар-созлик қоидалари, Давлат стандартлари.

В статье рассматриваются приоритеты развития социальной сферы в «Стратегии действий по пяти приоритетам развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», то есть условия и возможности, создаваемые для будущих молодых специалистов в развитии образования и науки, о верном завершении эпохи третьего Ренессансе.

Ключевые слова: Ренессанс, строительные нормы, стандарты, проект, стратегия действий, градостроительные нормы, государственные стандарты.

The article examines the priorities for the development of the social sphere in the "Strategy of actions for five priorities of the development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021", that is, the conditions and opportunities created for future young professionals in the development of education and science, on the correct end of the era of the third Renaissance.

Key words: Renaissance, building codes, standards, design, action strategy, town planning rules, state standards.

Кириш. Бу масалани кўтаришдан мақсад Республиканинг иқтисодини ривожлантирувчи ва янги иш ўринлари яратувчи муҳим омилларидан бири қурилиш соҳасидир. Ҳар доим ҳар бир мамлакат учун мутахассислар тайёрлаш, етук кадрларни вояга етказиш муҳим вазифалардан бири сифатида қаралган. Шу боис ҳам олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратиш, педагог кадрларга эътибор бериш, мутахассислар тайёрлашни кучайтириш муҳимлиги бугунги куннинг долзарб бўлиб турган масалаларидан биридир.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувида, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янги фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир» [1].

Республикамызда иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий жараёнларидан бири бўлган қурилиш соҳасининг қонуний асослари, меъёр ва стандартлари ҳамда технологиялари жаҳон стандартларидан орқада қолиб турганлиги бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, ечимини топиш учун зарур бўлган масалага айланиб турибди. Демак, қурилиш соҳаларини замонавий техник воситалар ҳамда мутахассислар билан таъминлаш ҳам орқада қолиб ўз ечимини топишини кутмоқда. Натижада чет эл қурилиш корхоналари ўз хизматларини экспорт қилиш билан шуғулланиб мамлакатимизга валюта олиб кириш билан шуғулланмоқда. Миллий қурилиш ташкилотларимиз эса, бу талабларга жавоб беролмасдан Президентимиз тамонидан яратилаётган имконият ва шарт – шароитлардан фойдаланмаётганлиги кўриниб қолмоқда.

Тадқиқот методлари. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**да амалга оширишга оид қабул қилган Давлат дастурида [6] ҳам кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган, яъни олий таълим муассасалари тамонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг истиқболдаги эҳтиёж-

ларини, шунингдек, муассасаларнинг кадрларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилашни жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти тамонидан кўрсатма берилган эди.

Халқ Демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов ўзининг сайлов олди дастурида "Малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак, уларни чет давлатларга ўқишга юбориш керак. Янги материаллар ва технологиялар ҳамда мамлакатимизда олиб борилётган ислохотлар Ўзбекистон корхоналарининг чет эл қурилиш хизматлари бозорларига чиқишига имконият яратиши мумкин" шу билан бирга, Республикадаги қурилиш ташкилотлари замонавий биналарни қуришда ва лойиҳалашда эски стандартлардан воз кечиб - еврокандлар ва евро-стандартлар асосида лойиҳалаш ва қуришни амалга ошириш замон талаби эканлигини айтган [7].

Асосий натижалар. Қурилиш объектларни лойиҳалаштириш ва уни қурилишини амалга оширишдаги меъёрий талабларга риоя қилишда инновацион лойиҳавий ечимлар ва янги илмий-техник ишланмаларни қўллашда тўғри қарорларни қабул қила олмаслик, қурилиш соҳасига жалб этилаётган ҳорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнининг муддатини чўзиб юборишга олиб келмоқда. Демак, бу соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни талаб этилмоқда.

Республикамызда бу масаланинг ҳам ечими топишган. Қурилиш соҳасини давлат тамонидан тартибга солишни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича Президентимиз фармонлари қабул қилинган [5].

Қурилиш соҳасига оид яъни, қурилиш жараёнини олиб боришда бир қанча муаммолар мавжудлиги ривожланиш даврида кўриниб қолмоқда:

- соҳага доир меъёрий (норматив) ҳужжатлар, жумладан, шаҳарсозлик қоидалари ва қурилиш (СНиП) меъёрларининг аксарият қисми эскирган, ҳозирги вақтда ҳам ундан фойдаланиш давом этмоқда;

- қурилиш лойиҳаларини ўзбошимчалик билан билимсиз кадрлар бажараётганлиги учун сифати паст, нархи эса юқори даражада сақла-

ниб қолмоқда.

Лойиҳани бажаришда асосан:

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда ҳудуднинг экологик жиҳатини албатта эътиборга олиши;

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда хавфсизлик даражасининг муҳимлигини эътиборга олиши;

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда муқобил тежамкор энергия билан таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилиши;

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда бир қолипдан чиққандай кўримсиз бўлиб, аҳоли яшаш пунктларининг бир хиллик кийфасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Демак, юқоридаги лойиҳалаш жараёнидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳам, 2018 йилда “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт - шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш” бўйича Президентимиз фармонлари қабул қилинган.

Президентимиз фармонларида 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш стандартлари, техник регламентлари, қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш (1-жадвал) бўйича аниқ кўрсатмалар берилган.

1-жадвал

Т/р	Норматив-техник ҳужжатларнинг номланиши	Жами	Шундан		
			2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Ташкилий - услубий нормалар	29	6	12	11
2.	Лойиҳалашнинг техник нормалари	120	30	50	40
3.	Қурилиш саноатини ташкил этиш қоидалари ва технологияси	43	12	24	7
4.	Иқтисодий меъёрлар	145	40	60	45
5.	Умумий техник регламентлар	2	2	-	-
6.	Давлат стандартлари	126	30	50	46
7.	Жами	465	120	196	149

Президентимизнинг бу фармонида лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги кадрларнинг, шу жумладан, профессор ва ўқитувчиларнинг хорижий мамлакатларда албатта амалиёт ўтказишини ташкил этган ҳолда узлуксиз, шу жумладан, масофавий касбга ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини яратиш;

- лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида ишлайдиган архитекторлар ва муҳандислар малакасига талаблар қўйган ва уларнинг жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик даражасини белгилаган ҳолда қурилиш тармоғини профессионал жиҳатдан тартибга солиш бўйича кўрсатмалар берилганлиги қуво-

нарли ҳолдир.

Хулоса ва таклифлар. Республикамиз қурилиш тармоғида фаолият олиб бораётган ходимларнинг тоифалари бўйича тақсимога бир назар солайлик:

- Раҳбарлар – 4,6 % фоиз;

- Мутахассислар – 10,4 % фоиз;

- Техник ходимлар – 4,1 % фоиз;

- Хизмат кўрсатувчи ходимлар – 9,7 % фоиз;

- Ишлаб чиқариш ходимлари – 71,2 фоизни

ташкил этади.

Аҳолининг ёши бўйича “қурилиш” соҳасида хизмат қилувчи ишчи ходимлар сони:

- 18 ёшгача – 0,0 % фоиз;

- 18-29 ёшгача – 27,3 % фоиз;

- 30-39 ёшгача – 28,5 % фоиз;

- 40-49 ёшгача – 23,0 % фоиз;

- 50-54 ёшгача – 12,6 % фоиз;

- 54 ва ундан катта – 8,6 % фоиз.

“Қурилиш”и бўлган корхона ва ташкилотларда аҳоли сонининг маълумот даражаси бўйича тақсимланиши:

- Олий – 14,8 % фоиз;

- Ўрта махсус – 44,2 % фоиз;

- Ўрта ва тугалланмаган ўрта – 41% фоиз [4].

Бу кўрсаткичлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигига катта маъсулият юклаб, яъни етук билимга эга бўлган кадрлар тайёрлашни талаб этади. Президентимиз томонидан бу кадрлар тайёрловчи даргоҳларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва замонавий асбоб – ускуналар билан таъминлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017 - 2021 йилларда риқожлантириш дастури қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасининг ривожига кадрлар тайёрлаш бўйича ўз хиссасини қўшиб келаётган 1962 – 1983 йилларда қурилиб фаолият юритаётган Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура – қурилиш институтида 2018-2021 йилларда ривожлантириш дастурига бир назар ташлайлик (2-жадвал).

Давлатимиз тамонидан битта институтга 2018 - 2021 йилларда ривожлантириш учун жами бўлиб 48 653,1975 млн.сўм маблағ ажратиши натижасида эса албатта, кадрларга бўлган эҳтиёж яна ошишидан далолат бермоқда. Қайд этиш жоизки, Самарқанд Давлат архитектура – қурилиш институтини ҳар йили мингдан ортик талаба битиради (3-жадвал).

Бу таълим олган кадрлар эртага соҳада эришиладиган янги – янги ютуқларни таъминлайди ва уларнинг билимини, соҳа эгаларининг малакасини янада ошириб бориш, тизимни замонавий мутахассислар билан таъминлашда қўл келади.

Бу Президентимиз тамонидан амалга оширилаётган ишларнинг натижасида, яъни учинчи Ренессанс ғояси албатта амалга ошишидан да-

лолат беради.

2-жадвал

Самарқанд Давлат архитектура – қурилиш институтини 2018-2021 йилларда капитал таъмирлаш ва моддий – техник ресурслар билан таъминлаш учун кетадиган харажатлар тўғрисида маълумот

т/р	Кўрсаткичларнинг номла-ниши	Миқ-дори сони	Талаб этила-диган маблағ (млн.сум)
1	Ўқув бинолар ва талаба-лар турар жойини таъмирлаш ва рекон-струкция қилиш	7	39 173,5
-	Ўқув бинолари	5	29 693,8
-	Талабалар турар жойи	2	9 479,7
2	Ўқув лаборатория бино-ларини модернизация қилиш	12	7 559,9
3	Компютер ва бошқа орг-техникалар билан таъминлаш	742	1 919, 7975
-	Компютер	280	1018, 640
-	Видиопроекторлар	185	557, 775
-	Сервер хизматлари	3	164, 6025
-	Симсиз хизмат кўрсатиш (Wi – Fi)	72	47,4800
-	Тизимда электрон иден-фик анжом	202	131, 300
ЖАМИ			48 653,1975

3-жадвал

2017-2018, 2018-2019 ва 2019-2020 ўқув йилла-рида Самарқанд Давлат архитектура – қурилиш ин-ститутини битирган талаблар тўғрисида маълумот

Олийгоҳнинг номи	Битирувчилар сони, шу жумладан			
	Жами	ўқув йили		
		2017-2018	2018-2019	2019-2020
Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институти	3112	971	1062	1079

Бунинг учун:

- олий таълим муассасалари хорижий таълим даргоҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурдир;
- олий ўқув юртлари нуфузини янада ошириш учун, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириш лозим;
- олий таълим муассасаларида соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиб билим бериш жараёнида рақобатни кучайтиришни талаб этади;
- олий таълим муассасаларидаги ёшларга ўзини – ўзи бошқариш учун кўпроқ имкониятлар яратиш керак;
- олий таълимда ёшларнинг ўрни борлигини уларга сингдириш зарур (чунки улар доимо кўрқиб ҳаракат қилади);
- қурилиш соҳасининг ривожда ёшларга хорижий тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини англай билишига ёрдам беришни ташкил этиш лозим;

- қурилиш соҳасини ўрганаётган ёшлар, ўз билимини ошириш учун кўпроқ амалиёт билан боғлаб ўтиш вақти келганлигини билиши зарур;
- ёшлар шу соҳанинг келажаги эканлигини билиши керак албатта.

Президентимиз халқимиз ва ёшларга қарата: “Оғир йил кутиб турибди. Қилсак бўлади, лекин халқимиз таъбири билан айтганда сув келса симириб, тош келса кемириб, танлаган йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда ҳаётда ҳеч нарса ўз ўзидан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди. Бугун гап халқимиз, ватанимиз, болаларимиз келажаги ҳақида бормоқда. Барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, барча тажрибаимизни ватанимизга сафарбар этишимиз керак. Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмаслигимиз керак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол ишласак, ўз олдимизга қўйган мақсадларга албатта етамиз” [2] дея сўзини яқунлаган.

Бу сўзлар ҳам учунчи Ренессанс ғоясини албатта амалга ошишига ишончининг пайдо бўлишидан далалот бериб турибди.

Самарқанд Давлат архитектура – қурилиш институтида таълим олаётган ёшлар ҳам Президентимизнинг мазкур даъвати ва кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан, намунали хулқи, етук билими ва тафаккури, қурилиш соҳасидаги истиқболли ғоя ва ташаббуслари билан юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшади деган фикрдаимиз.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тараққёт омили. - Т.: «Ўзбекистон», 1995, 22-бет.
2. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” Тошкент шаҳри 2018 йил, 28 – декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. www.uza.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси “Ўзбекистонда қурилиш”. Тошкент-2018.
5. “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги №5577-сонли Фармони, Тошкент ш, 2018 йил 14 ноябрь.
6. “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг фармони. Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 январь.
7. Readmore:<https://sputniknewsuz.com/economy/20161025/3972220/Ketmonov-qurilish-sohasida-evropa-standartlari-kiritish-tarafdori.html>.
8. Баймурадов Ш.М. Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш учун кадрларни тайёрлашда ноанъанавий ёндашувнинг аҳамияти. Замонавий таълим / Современное образование 2017.
9. Lewin B. Transforming People Management. Lessons Learnt and Predictions of Future Success. Bookboon, 2014. – 59 p.
10. Пуляева В.Н. Управление человеческими ресурсами в экономике знаний: монография. – М.: Издательский дом ГУУ, 2018. – 159 с.

ТРАНСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Уролбоев АнварУбайдуллаевич – Самарқанд Давлат архитектура- қурилиш институти

Мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар асосан автотранспорт воситаларини эксплуатация қилиш даврида меъёрий кўрсаткичларни ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини оширишга хизмат қилади.

Калиг сўзлар: автомобиль, хизмат кўрсатиш, иқлим, ҳаракат хавфсизлиги, кўрсаткич, микдор.

В статье приведена разработка методических рекомендаций и применение их результатов в производство в целях усовершенствования во время при эксплуатации и обеспечение безопасности дорожного движения автомобильного транспорта.

Ключевые слова: автомобиль, технических обслуживания, безопасности дорожного движения, показатели, количество.

This paper provides designing methodical recommendations and using there results to improve traffic safety in transport.

Key words: car, traffic safety, traffic, traffic signs, dangerous site

Ўзбекистонда транспорт фаолият хизмат тизимининг вазифаларидан бири – юкларни ташиш самарадорлигини оширишдан иборатдир. Бундан ташқари, айрим харажатлар юкларни ташувчилар ёки инфратузилманинг ёмон ҳолати оқибатида юзага келган самарасизлик ва логистик тизимнинг бошқа камчиликлари туфайли пайдо бўлади. Иккинчи бир вазифа - транспорт фаолият хизмат ва йўналишларга чиқадиган ягона юкларни ташиш сектори бўлиши мумкин.

Транспорт соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш механизмини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон автомобиль транспорти вазирлигига қўшимча мувофиқлаштирувчи ваколатлар бериш, транспорт тармоғига инвестициялар жалб этишнинг кўп йиллик миллий режаларини ишлаб чиқиш, йўл қурилиши ишларини инвестициялаш тизимида ислохотларни тезлаштириш (йўллардан фойдаланиш учун асосий тўлов ёқилғи акцизини ошириш; транспорт воситалари солиғини жаҳон даражасига кўтариш; турли хил йўл тоифа маблағлар йўналтириш тартибини яхшилаш ва ҳоказо); йўл маъмурияти фаолиятини ислох қилиш ва бошқалар. Бу тадбирлар йўл тармоғи ҳолатини яхшилаш бўйича ишларнинг ҳозирги замон талабга берадиган даражага келтириш имконини беради.

Ушбу мақсадлар йўлида транс ва интерконтинентал транспорт йўлақларида фаолият юритиш шартларини бажариш, олинган маълумотларни транспорт режаси тизимига киритиш лозим. Юкларни ташишнинг Трансевропа тизимдан (ТЕН-ТИНА-ТИР ва ҳакозолар) фойдаланиш имкониятини ўрганиш лозим. Бу иш айрим мамлакатларнинг манфаатларини инобатга олиб, уларнинг Европа интеграция тизимидаги мавқеига мувофиқ ва Европа тармоғига улаб, тўла миқёсдаги ва узлуксиз тизимини яратган ҳолда амалга оширилади. Европа – Марказий Осиё – Яқин Шарқ – Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги алоқани таъминлашга урғу бериш ишлари тадқиқот этилиши лозим.

Шу ўринда, юк ва йўловчи ташиш жараёнларини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосан юк ва йўловчи ташиш суратлари ва аниқ микдорлари асос қилиб олинган. Йўловчи айланмаси бўйича юқори ўсиш суръатлари 2019 йилда автомобиль транспортида бу кўрсаткич 102,7% ни, юк айланмаси 1,5 млрд. т-кмга ошиб, 16,2 млрд. т-кмни ташкил этди ёки 2018 йилга нисбатан 10,4 % га ташкил этди.


Таққослаш учун: 2018 йил якунига кўра автомобиль транспорти юк айланмаси ўсиш суръати 107,6 % га, йўловчи айланмаси ўсиш суръати 103,4 % га тенг бўлган. Автомобиль транспорти орқали 1 176,8 млн. тонна юк ташилиб, бу 2018 йилга нисбатан 6,8 % га кўпдир.

Шунингдек автомобиль транспорти юк ва йўловчиларни ташишда муҳим аҳамиятга эгадир. Автомобиль транспортининг юк айланмаси 11,7 % га ошиб, 7,5 млрд. т-кмни ташкил этди.

Автомобиль транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши




Худудлар орасида йўловчи ташиш таркибининг катта қисмини Тошкент ш. эгаллай. 2019 йил январь-июнь ойларида унинг улуши 20,9 % га тенг бўлди. Энг кичик кўрсаткич Сирдарё вилоятида қайд этилди, 1,4 % ни ташкил этди.




Худудлар бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташиш таркиби, %
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)


2019 йил январь-июнь ойларида йўл-транспорт ҳодисалари сони 3001 бирликни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 773 бирликга камайган (-20,5 %).



Йўл-транспорт ҳодисалари сони худудлар бўйича таққосланиши



Йўл-транспорт ҳодисасида жабр кўрган болалар сонининг таққосланиши, киши



2019 йил январь-июнь ойларида болалар иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари 479 бирликни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 бирликга (-12,8 %) камайди. Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрган болаларнинг умумий сони 417 кишини ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 69 кишига камайди.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасида жабр кўрган болаларнинг умумий сонидан 1-7 ёшгача бўлган болалар улушига 34,3 %, 8-15 ёшгача бўлган болаларга 65,7 % тўғри келади.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, Ўзбекистонда халқаро юқлар ташиладиган йўллар талабларга умумий ҳолда жавоб беради, аммо, 20,0 фоизга яқин йўллар III категорияли, 1,0 фоиз атрофидаги йўллар ҳатто IV-категорияли йўллардир, III-IV категорияли йўлларнинг улуши кам бўлсада, умумий тасаввурни ва салоҳиятни бирмунча пасайтиради. Шунингдек йўлнинг сифатини тубдан яхшилашга ўз салоҳиятларини йўналтиришлари талаб этилади.

Демак, ҳайдовчиларнинг дам олишлари учун яхши шароит яратиш мақсадида кемпинглар сонини кўпайтириш, тиббий хизмат кўрсатиш пунктлари сонини кўпайтириш, ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, ҳаракат воситаларига техник сервис хизматлар кўрсатиш пунктлари сонини кўпайтириш ва уларнинг жиҳозлинишини яхшилаш кун тартибда турган масалалар сирасига киради.

Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, мавжуд инфратузилма объектларининг аксарияти стихияли тарзда, яқка тартибдаги хусусий тадбиркорлар томонидан ташкил этилган бўлиб, халқаро меъёрларга мос келмайди, техник сервис хизматлари кўрсатиш пунктларида юқори юк кўтариш қобилиятига эга бўлган автомобилларга сифатли техник хизматлар кўрсатишнинг кўп ҳолларда имконияти чегараланган, кемпингларда ҳам яшаш шароитлари ва сервис хизматлари даражаси паст. Демак, инфратузилма объектлари бош режалар асосида, йўл қуриш ва эксплуатация қилиш ташкилотлари ва хусусий тадбиркорларнинг пай улушлари асосида қурилиб, фойдаланишни йўлга қўйишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти агентлиги ходимлари билан бўлиб ўтган маърузаси. 2018 йил 28 август.
2. Автомобильный транспорт Узбекистана 2004 - 2005 гг. «Синяя книга» IRU. - М., 2006.
3. Адиллов О. К., Уролбоев А.У. // Транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини ташкил этиш. "Uchinchi renessans: ilm-fan va ta'lim taraqqiyoti istiqbollari" 2021 January 137-1446
4. Саматов Ғ.А., Қариева Ё.К., Пайзиев Б.Б. Рақобат муҳитида халқаро транспорт тизими фаолиятининг логистик ишончилиги. – Т.: ТДАУ нашр тахририяти, 2003. – 81 б.
5. Республика статистика маълумотлари 2019 йил.

УДК 625.7/8.(075.8)

**ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ХОДИСАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ МАВЖУД
МЕТОДЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

Мусулманов Кувончбек Насруллаевич, таянч докторант;
Содиқов Жамшид Иброхим ўғли, т.ф.д., доцент; **Мўминов Қурбон Очилович**
Тошкент давлат транспорт унверситети

Маколада йўл транспорт ҳодисаларини Ўзбекистон Республикасида ҳисобга олишнинг мавжуд усуллари таҳлил қилиниб, йўл транспорт ҳодисасини тегишли давлат идораларида қандай ҳисобга олиниши, ҳисобга олишдаги камчиликлар ва келажакда қилиниши керак бўлган ишлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Калиг сўзлар: ЙТХ, ЙТХнинг электрон маълумотлар базаси, ЙТХни электрон рўйхатдан ўтказиш, ЙТХни ҳисобга олишнинг карточкаси.

В статье проанализированы существующие методы регистрации ДТП в Республике Узбекистан, дана информация о порядке регистрации ДТП в соответствующих государственных органах, недостатках в регистрации и дальнейшей работе.

Ключевые слова: ДТП, Электронная база данных ДТП, электронный учет ДТП, карточка учета ДТП.

This article analyzes the existing methods for registering an accident in the Republic of Uzbekistan, provides information on the procedure for registering an accident in the relevant state bodies, shortcomings in registration and further work.

Key words: RTA, Electronic database of RTA, electronic record of RTA, record card of RTA.

ЙТХларни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга, чунки маълумотлар асосида уларнинг концентрациясини, яъни энг кўп ЙТХ қаерда содир бўлганини аниқлаш мумкин. Умуман олганда, ЙТХ содир бўлишига асосий ҳайдовчи-автомобиль-пиёда-йўл омили сабаб бўлади, бундан ташқари тадқиқотчилар муҳитни ҳам ҳисобга олишни назарда тутди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тўғри баҳолаш учун йўл транспорт ҳодисаларининг электрон базаси бўлиши керак. ЙТХнинг электрон маълумотлар базасини яратиш учун эса йўл-транспорт ҳодисаларининг электрон тизимини жорий этиш зарур. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида йўл транспорт ҳодисаларини рўйхатга олиш қоғоз форматида амалга оширилади, лекин электрон маълумотлар базасида сақланади. Ушбу ёндашувнинг камчиликлари қоғоз версиясидан электрон версияга айлантирилганда, киритилган маълумотларнинг сифати ва ишончлилигига таъсир қилувчи субъектив омиллар эҳтимоли юқори. Шунингдек, маълумотларни реал вақтда қабул қилишда (секинлашиш) ортда қолиш кузатилади. ЙТХларни ҳисобга олишда бу методнинг яна бир камчилиги шундан иборатки, унда ЙТХ содир бўлган жойни аниқлаш мумкин эмас, чунки ЙТХ ҳисобга олинганда у мактаб, дўкон, бино ва бошқа иншоотларга боғланади. Шунингдек, яна бир камчилик сифатида қоғоз вариантда ЙТХ ҳисобга олишда электрон вариантга қараганда анча кўп вақт йўқотилади.

Бинобарин, йўл-транспорт ҳодисаларини электрон рўйхатдан ўтказишни ривожлантиришнинг долзарблиги тобора ортиб бормоқда, чунки мавжуд технологиялар, масалан, планшетлар, смартфонлар ва интернетга уланган

бошқа қурилмалар, GPS-модуллари мавжуд бўлиб, улар йўл транспорт ҳодисаларини электрон рўйхатга олиш муаммаларини самарали ҳал қилишга имкон беради. Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида маълумот тўплаш учун қанча маълумот талаб қилиниши муҳим роль ўйнайди. Чунки, йиғиладиган маълумот қанча кўп бўлса, шунча кўп вақт ва пул талаб қилинади. ЙТХларни ҳисобга олишнинг мавжуд карточкасида қуйидаги маълумотлар келтирилиб, у йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан тўлдириладиган 12 та формадан иборат. Улар 1. Умумий маълумотлар, 2. Аҳоли яшаш пунктида ЙТХ содир бўлган жой, 3. Йўлда ЙТХ содир бўлган жой, 4. Йўл шароити, 5. Пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши, 6. Айбдор ҳайдовчилар ҳақида маълумот, 7. Транспорт воситаси ҳақида маълумот, 8. Транспорт воситасининг тегишлилиги, 9. Жароҳатланганлар тўғрисида маълумот, 10. Қўшимча маълумотлар, 11. ЙТХ схемаси ва тавсифи, 12. Қўрилган чора-тадбирлар. Ҳисобга олиш карточкаси бир неча хусусиятларни ўз ичига олган бўлсада, маълумотларни йиғиш қоғоз шаклга асосланган ва такомиллашиши мумкин.

ЙТХни ҳисобга олишнинг ҳозирги методи жуда кўп маълумот йиғишни талаб қилади ва бу уни тўлдириш учун кетадиган вақтнинг ортишига олиб келади. Фотосуратларни таниб олиш (компютерни кўриш), машинада ўрганиш (катта маълумотларни қайта ишлаш ва прогнозлаш) ва бошқалар алгоритмлари аллақачон мавжуд ва кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун маълумотларни йиғиш самарадорлиги ва аниқлигини ошириш учун янги ахборот технологияларини ўз вақтида жорий этиш зарур.

Ушбу йўналишда маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар таклиф этилган. [1-2]. [1] га кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ЙТХлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли шаклга мувофиқ, қўлда ёзилган шаклда юритадилар. Бундай маълумотларни тўплаш узоқ вақт талаб этади, гоҳида туман ёки шаҳар миқёсида эса бир неча кун, Республика миқёсида эса бир ҳафта, баъзан эса кўпроқ. Муаллиф [3] ЙТХларни геоинформацион технологияларни қўллаган ҳолда электрон ҳисобга олишни таклиф қилган. Маълумотларни йиғиш учун android ва iOSда ишлайдиган планшет компютер таклиф қилинган. Таклиф қилинган электрон карточка бир неча афзалликларга эга ва ходимнинг вақтини тежашга ёрдам беради. Ходим воқеа содир бўлган жойга етиб келгандан кейин (QGIS, ArcGIS, ёки Google Fusion) электрон карточкасида ЙТХ маълумотларини таҳлил қиладиган геолокацияга эга сураёт олади. Шундан сўнг, ҳайдовчилар гувоҳномаси электрон базасидан ҳайдовчи транспорт воситаси тавсифини олиш ёки сураддан таниш мумкин бўлади. Кутубхонадан ҳодиса диаграммасини чизиш учун фойдаланишингиз мумкин. Жабрланганлар ҳақидаги маълумотларни ва умумий маълумотларни киритиш керак (1-расм).



1-расм. ЙТХ электрон ҳисоби [3].

ЙТХларни ҳисоби бир неча давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Булар Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси бошқармалари ва туман йўл корхоналари. Лекин Давлат ташкилотлари ўртасида маълумотлар алмашишда муаммолари кўп учрайди. 1-жадвалда ЙТХни маълумотларининг асосий манбалари келтирилган. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, йўл-транспорт ҳодисаларини йиғиш ва рўйхатга олишнинг турли манбалари мавжудлигига қарамай, маълумотлар тўлиқ бўлмаганлиги, ягона электрон маълумотлар базасининг йўқлиги, давлат идоралари ўртасида электрон маълумотлар алмашинувининг йўқлиги, йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида кам хабар берилганлиги каби бир қатор муаммолар мавжуд.

1-жадвал

ЙТХ ҳақида маълумотларнинг асосий манбалари

Манба	Маълумот тури	Изоҳ
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси	1. Умумий маълумотлар, 2. Аҳоли яшаш пунктида ЙТХ содир бўлган жой, 3. Йўлда ЙТХ содир бўлган жой, 4. Йўл шароити, 5. Пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши, 6. Айбдор ҳайдовчилар ҳақида маълумот, 7. Транспорт воситаси ҳақида маълумот, 8. Транспорт воситасининг тегишлилиги, 9. Жароҳатланганлар тўғрисида маълумот, 10. Қўшимча маълумотлар, 11. ЙТХ схемаси ва тавсифи, 12. Қўрилган чоратадбирлар.	ЙТХ карточкаларидан фойдаланишга рухсат йўқ. ЙТХ ҳисобга олинмаган бўлиши мумкин. Ягона маълумотлар базаси мавжуд, аммо сабаблар ва оқибатларни аниқлаш учун тизим ости тизимлари мавжуд эмас.
Йўл ташкилотлари	МКН 15-2007 «Автомобиль йўлларида ЙТХларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш қоидалари» га кўра асосан йўл шароитини баҳолашга урғу қаратилган	Кириб бўлмайди, маълумотлар умумий электрон базаси йўқ.
Автопарклар ва авто-транспорт корхоналари	Автопарклар ва транспорт ташкилотларига тегишли транспорт воситаларининг йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш	Кириб бўлмайди, маълумотлар умумий электрон базаси йўқ.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Жароҳат олганлар билан ЙТХлар сони, вафот этганлар сони, жароҳатланганлар сони, жароҳатланганлар ёши ва жинси, ҳайдовчи аҳоли, ёши, нима билан шугулланиши (машғулот)	Кириб бўлмайди. Маълумотлар базаси тизимлаштирилмаган, турли тушунмовчиликлар бор, маълумотлар тўлиқ эмас
Сугурта корхоналари	Ўлимга олиб келадиган ва ўлимга олиб келмайдиган жароҳатланишлар, транспорт воситаларига етказилган зарар, даъволар нархи	Кириб бўлмайди, маълумотлар умумий электрон базаси йўқ.
Ижтимоий тармоқлар	Йўл транспорт ҳодисаси вақти ва транспорт воситаларининг турларини аниқлаш учун фотосуратга олиш	Кириш тақиқланмаган, лекин тизимлаштирилган маълумотлар базаси мавжуд эмас

Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумот манбаларидан қатъий назар, маълумотларни ёзиб олиш ва йиғиш билан боғлиқ баъзи муаммолар мавжуд. Маълумотларни

сақлаш ва қайта ишлаш нуқтаи назаридан энг тўлиқ базани ҳозирги кунда озми-кўпми замонавий талабларга жавоб берадиган Ички ишлар вазирлиги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекциясининг электрон маълумотлар базаси деб ҳисоблаш мумкин. У ўз ичига ЙТХ ҳақида умумий маълумот, ҳайдовчи ҳақида маълумот, жароҳатланганлар ва кўрилган чораларни олади. Дастурий таъминотдаги бўш блоклар – бу етишмаётган ёки қўшимча маълумот олиш чораларини талаб қиладиган маълумотлар (масалан йўл тоифаси). Шунингдек, жойлашув маълумотларининг аниқлиги ҳақиқатга мос келмаслигини кузатишингиз мумкин, чунки дейлик Фидокор кўчаси кўрсатилган, лекин қаерда, аниқ км ёки пикет қаерда экани ноъмалум, яна рўйхатдан ўтиш картасининг қоғоз вариантда дўкон / бино / тўхташ жойи / қарама-қарши жойда содир бўлганлиги аниқ кўрсатилмаган. Ҳайдовчилар ҳақидаги маълумотларда ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномаси учун қаерда ўқитилганлиги ҳақида маълумот йўқ, шунингдек, автомобилни рўйхатга олиш гувоҳномаси ва ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳақида маълумотлари ҳам йўқ. Жабрланганлар ҳақидаги ёрликда жабрланганлар оғирлик даражасини қайд этиш функцияси мавжуд эмас, жабрланганларнинг ҳолати ҳақида маълумотлар мавжуд эмас (масалан, енгил – ёки оғир касалхонага ётқизишни талаб қилади ва ҳақозо) шунингдек, жабрланганлар ётадиган касалхонанинг манзилни кўрсатишингиз керак. Воқеалар ёрлиғи бўш, чунки у сўроқ қилувчи маълумотлар базасига уланмаган.


Асосий камчилик – бу ЙТХларни ҳисобга олишнинг қоғозга асосланган усули, бу эса ЙТХларни ўз вақтида ҳисобга олишга ҳалақит беради. Шунинг учун замонавий планшет компьютерлардан фойдаланган ҳолда, маълумотларни электрон йиғиш методикаси ишлаб чиқилиши керак. Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида маълумотларни йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилишнинг ягона электрон тизими давлат ходимларининг иш самарадорлигини оширади, шунингдек, реал вақтда маълумотларни узатишнинг аниқлиги ва самарадорлиги ошади. Бу ўз навбатида йўлларда ва кўчаларда ЙТХлардан олдин ва кейин ўз вақтида қарор қабул қилишга ёрдам беради. Ҳақиқий ва ишончли маълумотларга асосланиб, ЙТХларни бартараф этиш ёки олдини олиш бўйича чоратадбирларни янада етарлича ва ўз вақтида ишлаб чиқиш мумкин. Ҳозирги маълумотларни йиғиш усуллари замонавий талабларга жавоб бермайди ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўришга тўсқинлик қилади. Қоғоз усулининг асосий муаммоларидан бири, ЙТХни ҳисобга олганда, ЙТХ ҳисобга олинган жой маълум бир вақтдан кейин бузилиши мумкин бўлган дўкон ёки бино бўлсин, энг яқин тузилмани кўрсата-

ди. Бунда воқеа содир бўлган жойни аниқлаш қийин бўлади. Ушбу маълумотлар кўчалар ва йўлларнинг энг хавфли қисмларини, яъни, концентрация жойларини (қора доғлар) аниқлашда жуда муҳимдир. Бошқа томондан, йўл ташкилотлари ЙТХларнинг ҳисобини юритадилар. Асосий эътибор ЙТХ жойи, йўл шароитлари ва йўлларнинг геометрик параметрларини ҳисобга олишга қаратилган. Ушбу маълумотларга асосланиб, у ёки бу йўл ҳолати ЙТХларни келтириб чиқариши мумкин деб тахмин қилиш мумкин. Аммо ЙТХ ноҳуш ҳолат юзага келиши мумкин бўлган бир нечта омилларнинг комбинацияси туфайли содир бўлади, шунинг учун ЙТХ кўриб чиқилади, бу – эҳтимоллик ҳодисасидир. Йўл ташкилотлари маълумотларни қоғоз шаклида сақлайди, бундан ташқари, ушбу маълумотлар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига қўшимча ўрганиш учун берилмайди, яъни электрон маълумотлар алмашинуви мавжуд эмас. Маълумот алмашинуви, уларнинг аниқлиги, шунингдек ишончилиги билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари ва оқибатларини аниқлашда алоҳида ўрин тутади.


Автопарклар ва бошқа автотранспорт корхоналари ўзларининг транспорт воситалари иштирок этган ЙТХларни қайдларини юритадилар. Бунда транспорт воситасининг техник ҳолати, ҳайдовчининг ҳолати ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олинади. Йўл ташкилотларида бўлгани каби, автопаркларда ва автотранспорт корхоналарида ЙТХлар ҳисоби қоғоз шаклида сақланади ва ЙТХларни ҳисобга оладиган бошқа ташкилотлар ва бўлимлар билан маълумот алмашилмайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўлимлари жабрланганларни касалхонага ётқизиш вақтида ва транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини хушёрлигини текширишда ЙТХлар қайдларини юритади. Аввалги ҳолатда бўлгани каби, ЙТХлар қоғозга ёзилади ва бошқа бўлимлар билан электрон алмашинув мавжуд эмас. Ўлимга олиб келадиган ЙТХнинг тарифи - "ЙТХ оқибатида воқеа жойида вафот этган ёки 30 кун ичида вафот этган ҳар қандай одам [4]. Шу билан бирга, ЙТХ содир бўлганлиги туфайли одам вафот этган деб ҳисоблаш мумкин бўлган кунларни аниқлаш учун турли вақтлар мавжуд. Масалан, Европа иттифоқи, Греция, Португалия ва Испанияда 24 соат, Францияда 6 кун, Италияда 7 кун, бошқа мамлакатларда 30 кун қабул қилинади [5].

Суғурта компаниялари ЙТХларни ўлимга олиб келадиган ва ўлимга олиб келмайдиган шикастланишлар, транспорт воситаларининг шикастланиши ва даъволар нархлари бўйича қайд қилади. Ушбу йўналишда, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатларини янада таҳлил қилиш учун электрон ҳисоб ва маълумотлар алмашинуви мавжуд эмас.



2-расм. ЙТХ тўғрисида фотоҳисобот.



3-расм. Тирбандлик тўғрисида фотоҳисобот.

Ҳозирги вақтда ахборот технологияларининг ривожланиши, шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг кундалик ҳаётга кириб бориши реал вақт режимида содир бўлаётган воқеаларни кузатиш имконини беради. Мавжуд телеграмм каналлари, гуруҳлари, масалан, "Тош-

кент ҳайдовчилари", "Рулда" ва бошқалар воқеа содир бўлган пайтда ёки воқеа содир бўлгандан кейин тўғридан-тўғри ёзувларни сақлашга имкон беради (2-расм, 3-расм).

Шу билан бирга ЙТХ тўғрисида дастлабки маълумотларни тўплаш имконини берадиган ЙТХларни рўйхатдан ўтказиш ботини яратишга эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, йўл транспорт ходисалари ва уларни оқибатларини ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз, биз мутахассислар олдида турган катта муаммоларидан биридир. Жамиятда ҳар бир инсонни ҳаёти, унинг соғлиги биринчи ўринда туради. Бу эса бу муаммонинг нақадар долзарблигини англатади

Адабиётлар:

1. Азизов К.Х., Имамалиев Д., Терпак А. Совершенствование учета ДТП и основные направления автоматизации их учета. Сборник материалов международной научно-технической конференции "перспективы развития дорожно-транспортных и инженерно-коммуникационных инфраструктур", ТИ-ПСЭАД, 2017.
2. Muhammad Adnan, Mir Shabbar Ali. An Effective Methodology for Road Accident Data Collection in Developing Countries, Transportation Systems and Engineering: Concepts, Methodologies, Tools, and Applications. 2015.
3. Содиков Ж.И. Электронный учет дорожно-транспортных происшествий с применением геоинформационных технологий, Вестник ТашИИТ №1, 2018.
4. Working Party on Passive Safety. Preliminary report on the development of a global technical regulation concerning pedestrian safety. Brussels, United Nations Economic Commission for Europe, Inland Transport Committee, 2003 (TRANS/WP.29/2003/99).
5. Mackay M. National differences in European mass accident data bases. In: Proceedings of the Joint Session on Injury Scaling Issues, IRCOBI Annual Conference, Lisbon, September 2003, in press.

ҚАРОР ҚАБУЛ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИНИ ТАНЛАШ

Ғайбулов Қодиржон Муртозоевич - Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Бугунги кунда қурилиш материаллари саноатида иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқиш ҳамда унинг турларини кенгайтиришда бугунги кунда интеллектуал технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун қурилиш масалаларининг ечилиш самарадорлигини оширувчи гибрид интеллектуал, шу жумладан эволюцион алгоритмлар ва дастурий воситаларни яратиш учун интеллектуал технологиялардан биргаликда фойдаланиш очик қолган масалалар ҳисобланади. Мақолада мазкур муаммолар ва уларни ечишнинг замонавий тенденциялари ва имкониятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: қарор қабул қилиш, қурилиш материаллари, ноаниклик, муқобил вариант, бинонинг ахборот модели, норавшан алгоритм.

Сегодня в промышленности строительных материалов широко используются интеллектуальные технологии для дальнейшего углубления экономических реформ и ускоренного развития отрасли, разработки новых современных строительных материалов и расширения их ассортимента. Поэтому совместное использование интеллектуальных технологий для создания гибридных интеллектуальных, в том числе эволюционных алгоритмов и программных средств, повышающих эффективность решения строительных задач, - это вопросы,

которые остаются открытыми. В статье рассматриваются эти проблемы, а также современные тенденции и возможности их решения.

Ключевые слова: принятие решений, стройматериалы, неопределенность, альтернативный вариант, информационная модель здания, неформализованный алгоритм.

Today, in the construction materials industry, there is a deepening of economic reforms and the rapid development of the sector, the development of new modern building materials, as well as the development of its types, modern technologies are widely used. Therefore, the joint use of intellectual technologies to create hybrid intellectual, including evolutionary algorithms and software tools that increase the efficiency of solving construction issues, are issues that remain open. The article discusses these problems and modern trends and opportunities for their solution.

Keywords: decision making, building materials, uncertainty, alternative option, Building Information model, Noravshan algorithm.

Кириш. Барқарор лойиҳалаштириш ва қуришда муҳим масалалардан бири бу лойиҳанинг мақсадлари ва стандартларига жавоб берадиган қурилиш материалларини, шу жумладан таннархи, энергия сарфи ва атроф муҳитга таъсири тўғрисида қарор қабул қилишдир. Қурилиш материалларини танлаш бўйича қарорлар экологик тоза материалларнинг қўплиги ва уларнинг барқарорлик мезонлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли мураккаблашмоқда. Бир нечта мезонлар асосида оптимал вариантни танлаш қарор қабул қилувчи тизимда ноаниқликнинг шартларини ҳисобга олиш ҳисобланади. Бу билан объектларни таҳлил қилишда вариантлар (муқобиллар)ни ифодалаш ва баҳолаш, тизимлаштирилмаган ёки кучсиз тизимлаштирилган номини олган қарор қабул қилиш (ҚҚҚ)нинг махсус синфига кирувчи норавшан қийматни танлаш мақсадга мувофиқлиги асосланди ва ушбу асос материал танлашдаги муаммони ҳал қилиши мумкин.

Мақолада таърифлар, асосий функциялар ва архитектуралар ҳамда қурилишда ҚҚҚТнинг тавсифи берилди. Материал танловида ҚҚҚТ иловалари (материал танлови мезони, қарор қабул қилиш, мавжуд моделлар ёки тизимлар шарҳи ва тизимларнинг чекловлари ҳамда ҚҚҚТ материалларини хар томонлама танлаш имкониятлари ўрганилади.

Материал ва усуллар. Замонавий инфокоммуникацион технологияларини ўз ичига олувчи мураккаб тизим ва жараёнларнинг катта синфи интеграллашувчанлиги, кўп даражалилиги, тақсимланганлиги ва кўп жиҳатлилиги билан характерланади. Бундай тизимларни лойиҳалаш уларнинг ташкилий – тузулмавий хусусиятини баҳолаш ҳамда анда кечаётган жараёнларни бошқариш ахборот, функционал – процедура, параметрик ва мезонлари ҳолатларида ноаниқликнинг турли типлари иштирок этади [4]. Хусусан, бундай ноаниқликларга бошланғич маълумотларда мавжуд бўладиган тўлиқмаслик, аниқмаслик ва лингвистик норавшанлик билан характерланадиган норавшан (муҳим) ноаниқликлар, буюртмачи ва ишлаб чиқувчи мезон ва критериялари, объект вариантлари ва уларнинг ҳолати муқобилларини ифодалаш ва баҳолаш орқали ифодаланади.

Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармокни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари

ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ҳамда унинг турларини кенгайтиришда натижаларга интеллектуал технологиялардан бугунги кунда фойдаланилмоқда. Мазкур жиҳатлар қайд қилинган масалаларни ечиш учун жараёнлар тадқиқоти ҳамда интеллектуал маълумотлар таҳлили (ИМТ) нинг анъанавий воситалари ва мантикий мулоҳазалари ҳамда оптимизацияга асослаган интеллектуал технологиялардан фойдаланишни тақозо этади. Бундай интеллектуал технологияларга, норавшан тўпламлар, нейрон тўрлари (НТ) ҳамда генетик алгоритмлар (ГА)ни ўз ичига олган Soft Computing (SC) технологиялари, эксперт тизимлари (ЭТ) киради. Шулар ичидан сунъий интеллект тизимни амалиётда кенг қўлланилмоқда [4].

Бошланғич маълумотнинг норавшанлик ҳолатида ҚҚҚТни ишлаб чиқиш. Arnott ва Pervan га кўра (2008), асосий ҚҚҚТ остмайдонлари қуйидагиларни ўз ичига олади: шахсий ҚҚҚТ (инглиз тилида-PDSS), гуруҳларни қўллаб-қувватлаш тизими (инглиз тилида-GSS), Музокараларни қўллаб-қувватлаш тизими (инглиз тилида-NSS), онгли ҚҚҚТ (инглиз тилида-IDSS), Билимлар менежментига асосланган ҚҚҚТ (инглиз тилида-KMDSS), Маълумотлар омбори ҳамда Корхоналарнинг ҳисобот ва таҳлил тизимлари. Амалиётда энг кенг тарқалганлари шахсий ҚҚҚТ, Корхоналарнинг ҳисобот ва таҳлил тизимлари ҳамда маълумотлар омбори ҳисобланади (Arnott and Pervan 2008).

Аниқ предмет соҳа бўйича ҚҚҚТни ўзаро боғлиқ бўлган бешта қисм тўпламни ўзига бирлаштиради:

Муҳитнинг ички ва ташқи ҳолати ҳақидаги ахборотдан келиб чиққан ҳолда муаммовий ҳолатни акс эттириш (1), экспертлар билан ҳамкорликда (2) “Муаммовий ҳолат ва уни ечиш йўллари” қисм тизими моделини шакллантиради (3), муаммони ҳал этиш бўйича тадбирлар рўйхатини ташкил этишади (4), улардан мақбулини жамоада қилишилади ва тасдиқланади (5).

ҚҚҚ масаласи юзага келган муаммоларни муваффақиятли ечиш билан чегараланиб қолмай, балки юзага келадиган муаммони кўра билиши ҳамда ўз вақтида ва самарали еча билиши лозим.

Келтирилган тизим бўйича аниқ бир предмет соҳа бўйича ҚҚҚ процедураси тавсифланган. Бу процедура тўрт босқичдан иборат:

I-босқич. Муаммовий ҳолатни баҳолаш.

1. Тизимни, унинг қисм тизимини ва ўзаро боғлиқликларини аниқлаш.

2. Ахборот ишончилигини аниқлаш.

3. Муаммони шакллантириш.

4. Муаммони ҳосил бўлиш сабабини таҳлил қилиш.

II-босқич. ҚҚҚ моделини қуриш.

5. Муаммони баҳолаш ва ечиш учун илмий усуллар ва техник воситаларни аниқлаш.

6. Ечимларнинг мумкин бўлган вариантлар тўпламини аниқлаш.

7. Барча ечим вариантлари учун баҳолар тўп-ламини аниқлаш.

8. ҚҚҚШ томонидан мақбуларни аниқлаш.

9. Муаммони ечимини асослаш бўйича аргументлар рўйхатини ташкил этиш.

III-босқич. Ишлаб чиқилган тадбирларни мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш.

10. Муаммо ечими вариантларини мувофиқлаштириш жараёнини ишлаб чиқиш.

11. Ечимларни амалга оширувчи ҚҚҚШ ва бажарувчи ечимларини мувофиқлаштириш.

12. Бошқарувда қарорни амалга оширишга тайёрлаш.

IV- Яқунловчи босқич.

13. Қарор лойиҳасини бажарувчига бериш.

14. Қарорни амалга оширилишини тезкор назоратга қўйиш.

15. Керакак маслаҳатлар бериш.

16. Келажак учун қилинган ишлар борасида хулосалар тайёрлаш.

ҚҚҚнинг энг мураккаб босқичларидан бири моделни қуриб олиш ҳисобланади.

Муқобил характеристикасини мувофақиятли амалга ошириш учун ҚҚҚнинг кўп мезонли моделларидан фойдаланиш ўринли.

ҚҚҚ масаласини ечишнинг кўп мезонли моделини қуйидаги элементлар жамланмаси кўринишида ифодалаш мумкин

$$\langle t, \Phi, F, \Theta, P, r \rangle,$$

бунда t – масала қўйилиши (типи); Φ – қарорлар тўплами; F – баҳолаш функцияси векторлари; Θ – ахборот ҳолатлари тўплами; P – ҚҚҚШ мақуллашлари тизими; r – қарорни танлаш қоидаси.

Шу қаторда аниқ берилган элементли бундай модел асосида қарор вариантларини таққослаш ва уларни формаллаштирилган усуллар ёрдамида тартиблаш мумкин.

Кўп критерияли моделларни ҚҚҚ масалаларида қўллаш масаланинг қўйилишидан бошланади. Мақсад шакллантирилгандан кейин мумкин бўлган қарор вариантлари тузилади, мезонлар рўйхати шакллантирилади, ҳар бир мезон бўйича вариантлар баҳоланади, кейин мақбулликлар тизими аниқланади ва ҳал қилувчи қоида қурилади. Ҳал қилувчи қоида асосига қурилган мумкин бўлган қарорлар тўплами ёрдамида талаб қилинган масаладаги тартибга эришилганлигини аниқланади. Агар бундай тартиблаш олинган бўлса, у ҳолда унинг таҳлили амалга оширилади, акс ҳолда эса модел эле-

ментларидан бири танланади. Таҳлилдан кейин олинган тартиблаш ҚҚҚШни қаноатлантириши текширилади ҳамда яқуний ҚҚҚ амалга оширилади.

Норавшан муҳитда қарор қабул қилиш тизими. ҚҚҚ масаласини норавшан ифодалаш қуйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

